Inform
# AGRO BIZNES

Ijtimoiy-iqtisodiy, ilmiy-ommabop jurnal
Socio-economic, scientific-popular magazine
Общественно-экономический, научно-популярный журнал

№4 (169) 2023

BOSH MUHARRIR:
**Mahmud TOIROV**

**TAHRIRIYAT KENGASHI A'ZOLARI:**

**Ravshan MAMUTOV,**
O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Agrar va suv xo‘jaligi masalalari qo‘mitasi raisi

**Ibrohim Abduraxmonov,**
O‘zbekiston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vaziri

**Aktam XAITOV,**
O‘zbekiston Fermer, dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi raisi

**Akrom ALIMOV,**
"Tadbirkorlik va fermerlikni qo‘llab-quvvatlash" markazi direktori

**Sirojiddin RUSTAMOV,**
"Agro Biznes Inform Tahririyati" MCHJ rahbari, Turon FA faxriy a'zosi, O'zbekiston Jurnalistlar uyushmasi a'zosi

**Fayzullo TOJIQULOV,**
O‘zLiDeP Toshkent viloyati Chinoz tuman Kengashi rahbari

Bosh muharrir o‘rinbosari
**Asror MO‘MINOV**

Mas’ul kotib:
**Baxtiyor ESANOV**

Dizayner:
**Ramazon RUSTAMOV**

Musahhih:
**Jo‘rabek SIROJIDDINOV**

**Viloyat muxbirlari:**
Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazmda
**Shukurjon JABBOROVA**

Sirdaryo va Toshkentda
**Farmina G'ayratova**

**Nashr O‘zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2020-yil 31-dekabrdagi 290/10-sonli qarori bilan Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy jurnallar ro‘yxatiga olingan.**

**Jurnal 2005-yildan buyon chiqa boshlagan**
**The journal has been published since 2005**

**TAHRIR HAY’ATI RAISI :**

**Zafar ISKANDAROV,**
Turon FA vitse-Prezidenti, t.f.d., professor

**TAHRIR HAY’ATI A’ZOLARI:**

**Ibrahim DILER,**
Isparta Amaliy fanlar universiteti rektori, professor (Turkiya)

**Kamoliddin SULTONOV,**
Toshkent davlat agrar universiteti ilmiy ishlar bo‘yicha prorektori

**Durbek MAXKAMOV,**
Toshkent davlat yuridik universiteti "Ekologiya huquqi" kafedrasi prof.v.b., yuridik fanlar nomzodi

**Temirjan AYTBAEV,**
Qozog‘iston Milliy FA akademigi, Qozog‘iston Milliy agrar universiteti Meva-sabzavotchilik va yong'oqchilik kafedrasi mudiri, q.x.f.d.

**Bekmurat TURDISHEV,**
Qoraqalpog‘iston dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x.f.f.d

**Baxrom MADARTOV,**
Samarqand VMI Toshkent filiali direktori, q.x.f.d, professor

**Safar ALIQULOV,**
O‘simliklar genetik resurslari ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x.f.f.d.

**Bekmurod HAYDAROV,**
Lalmikor dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x. bo‘yicha f. d.

**Usmon NORQULOV,**
ToshDAU, Dehqonchilik va melioratsiya kafedrasi professori, q. x. f. d.

**Erkin BERDIYEV,**
ToshDAU, Manzarali bog‘dorchilik kafedrasi professori, q. x. f. d.

**Erkin FARMONOV,**
Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti, Milliy tadqiqot universitetining Mashinalardan foydalanish va ta’mirlash kafedrasi professori, texnika fanlari doktori

**Mansur YULDASHOV,**
ToshDAU, Baliqchilik kafedrasi professori, biologiya fanlari doktori

**Asqarbek SAFAROV,**
ToshDAU, qishloq xo‘jaligi fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent

**Alevtina KOJEVNIKOVA,**
ToshDAU, biologiya fanlari doktori, professor

**Abdullo MADALIEV,**
"Renaissance University", iqtisod fanlari doktori, professor

**Abdunabi FATXULLAEV,**
ToshDAU, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

**Sirojiddin JO‘RAYEV,**
ToshDAU Qishloq xo‘jaligi ekinlari seleksiyasi va urug‘chiligi kafedrasi mudiri

**Murod RAXMANKULOV,**
ToshDAU, Qishloq xo‘jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug‘chiligi kafedrasi professori, q.f.d

**O‘ktam QO‘LDOSHEV,**
Samarqand davlat chet tillar instituti Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrasi mudiri (PhD)

**Dilmurodjon HAKIMOV,**
ToshDAU, “Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash” kafedrasi dotsenti

**Iroda BAKIEVA,**
Toshkent moliya instituti Iqtisodiy xavfsizlik kafedrasi professori v.b., i.f.d.

**Erkinjon BOTIROV,**
Toshkent moliya instituti "Iqtisodiy xavfsizlik" kafedrasi dotsenti, i.f.n.

**Gulxehra TANGIROVA,**
ToshDAU, Qishloq xo‘jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug‘chiligi kafedrasi dotsenti

**Musulman ZIYATOV**
Paxta seleksiyasi, urug‘chiligi va yetishtirish agrotexnologiyalari ilmiy tadqiqot institutining katta ilmiy xodimi, q.x.f.f.d., (PhD)

# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

**Қадрли ватандошлар!**

Ҳурматли деҳқон ва фермерлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари!

Аввало, сиз, азизларни, сизлар орқали ўз ҳаётини қишлоқ хўжалиги соҳасига бағишлаган барча заҳматкаш инсонларни, бутун халқимизни қутлуғ байрам – Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Барчамиз яхши тушунамизки, ҳозирги ўта мураккаб иқлим шароитида кўплаб синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ердан мўл ҳосил етиштириш – бу чинакам жасорат ва матонат намунасидир.

Халқимиз сиздек миришкор деҳқон ва фермерлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, тажрибали чорвадор ва пиллакорлар, жонкуяр олим ва тадқиқотчилар, кластер ходимлари тимсолида ана шундай фидойи инсонларни кўради ва эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш йўлидаги шарафли ва олижаноб меҳнатингизни юксак қадрлайди.

Айнан сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан қадимий анъаналарга эга бўлган ўзбек деҳқончилик мактаби ривожланмоқда, аграр соҳа тараққиёти янги босқичга кўтарилмоқда. Бунинг тасдиғини бу йил мамлакатимизда илк бор 8 миллион 200 минг тонна ғалла, 3 миллион 800 минг тонна пахта, 15 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, 5 миллион тонна мева ва узум, 4 миллион тонна картошка, 26 минг тонна пилла етиштирилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

**Ана шундай фидокорона меҳнат ва улкан натижалар учун сизларга элюртимиз номидан ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак арзийди, албатта.**

**Азиз дўстлар!**

Хабарингиз бор, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизда асосий эътиборни сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни фаол жорий этиш, хўжалик ва корхоналарнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг муҳими, деҳқон ва фермерларнинг оғирини енгил қилишга қаратмоқдамиз. Шу мақсадда 800 дан зиёд агрокластерлар ташкил этилди. Бугунги кунда пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мева-сабзавот маҳсулотларининг 60 фоиздан ортиғи айнан улар томонидан етиштирилмоқда.

Бу йил дала меҳнаткашларига 10 минг 500 дан ортиқ юқори унумли техника ва агрегатлар етказиб берилди.

Соҳага рақамлаштириш жараёнлари, томчилатиб суғориш технологиялари, инновациялар жадал кириб бормоқда.

Чўлланиш, ерларнинг шўрланиши ва деградациясига қарши курашиш, тупроқ унумдорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунгача 500 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилиб, 3 миллиард куб метр сув иқтисод қилингани ва қарийб 1 миллион гектар ернинг сув таъминоти яхшилангани ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасидир. Жорий йилда қўшимча равишда 100 минг гектар ер фойдаланишга киритилиб, озиқ-овқат экинлари экилгани, мевали боғ ва токзорлар барпо этилгани юртимизда озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Соҳадаги ана шундай ўзгаришлар жараёнида аҳоли даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда охирги икки йилда 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, 670 минг нафар юртдошимизга танлов асосида берилди. Натижада 2 миллиондан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилиб, қўшимча 3 миллион тонна маҳсулот етиштирилди.

**Ҳурматли байрам иштирокчилари!**

**“Ўзбекистон – 2030” стратегияси**да барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги бўйича ҳам муҳим вазифаларни белгилаб олдик. Жумладан, ресурсларни тежайдиган инновацион технологиялар асосида маҳсулот таннархини 30-35 фоизга тушириш, сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонларни 1 миллион 500 минг гектарга етказиш, сифатли ва серҳосил навларни, зотдор чорва наслини кўпайтиришга, экологик тоза маҳсулотлар етиштиришга устувор аҳамият берилади.

Биз ана шундай масъулиятли вазифаларни амалга оширишда сизлар каби катта билим ва тажрибага эга, миришкор ва омилкор инсонларга таянамиз.

Ўз навбатида, давлатимиз ва жамиятимиз соҳани янада равнақ топтириш, сизларнинг шарафли меҳнатингизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ аҳлининг ҳаётини обод ва фаровон қилиш учун бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларни сафарбар этади.

Сиз, азизларни бугунги байрам билан яна бир бор қутлаб, жонажон юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлидаги эзгу фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.

Хонадонларингизни хурсандчилик, тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака ҳеч қачон тарк этмасин!

**Доимо соғ-омон бўлинг, азизлар!**

**Шавкат Мирзиёев,**
***Ўзбекистон Республикаси Президенти***

# УЧЁНЫЙ, РУКОВОДИТЕЛЬ, НАСТАВНИК: ЧЕЛОВЕК С БОЛЬШОЙ БУКВЫ

**Ученые - золотой фонд нашей страны.**

**Шавкат Мирзиёев,**
***Президент Республики Узбекистан***

Недавно мы – экс-председатель Союза журналистов Узбекистана, бывший депутат парламента страны Сабир Шералиевич Курбанов, который в недавнем прошлом работал в центральном аппарате правившей тогда республиканской партийной организации и член Союза журналистов Узбекистана Носир Таиров встретились с государственным и общественным деятелем, патриархом науки и высшего образования Узбекистана академиком А. У. Салимовым.

Идя на встречу с Акилом Умурзаковичем, мы думали о богатом и сложном жизненном пути этого уникального человека, прошедшего, как принято говорить в таких случаях, «огонь, воду и медные трубы», внёсшего заметный вклад в социально-культурное развитие нашей страны. Размышляя о сложной судьбе А.У. Салимова, мы невольно вспоминали историю борьбы великого нашего предка Амира Темура за независимость наших земель, которые находились под игом монголов. Амир Темур, служивший в войсках монгольских правителей, осознавал, что освобождение от монгольского ига требует самоотверженной, в том числе вооруженной борьбы и начал готовиться к ней. Собрал вокруг себя отважных воинов, готовых к освободительной борьбе, обучил их и повел на решительную схватку с вражескими силами. Известно, что эта борьба завершилась созданием в Мавераннахре независимого государства, которое под его руководством превратилось в могучую империю мирового масштаба.

Такая же борьба за сохранение самобытности узбекского народа, его языка и культуры, только в другое время, в отличающихся от прежних условиях и иных формах, выпала на долю другого замечательного сына нашего народа, выдающегося государственного и общественного деятеля, известного писателя и поэта, пламенного публициста и оратора – Ш.Р. Рашидова. В сложнейших условиях коммунистического господства он вместе со своими соратниками отстаивал национальные интересы Узбекистана, как мог, защищал и укреплял его роль в бывшем Советском Союзе, старался выводить его на международную арену. Среди его сподвижников был и талантливый ученый и организатор высшей школы А.У. Салимов, автор свыше 200 научных статей, 7 монографий и учебников в области автомобильного транспорта и машиностроения и ряда других трудов.

Именно ему доверил Шараф Рашидович руководство «культурным фронтом» и всей идеологической работой в республике. Это был сложнейший участок работы во всех отношение. «Мы работали в таких должностях, – вспоминает Акил Умурзакович, – которые решают судьбы людей, но ничего не могли поделать, так как любой, даже пустяковый вопрос нужно было согласовывать с союзными органами».




**На снимке: А.У. Салимов (в центре) среди участников торжества по случаю юбилея замечательного сына нашего народа, выдающегося государственного и общественного деятеля, известного писателя и поэта, пламенного публициста и оратора, четверть века руководившего Узбекистаном Шарафа Рашидовича Рашидова.**

Несмотря на диктат и антирелигиозные запреты бывшего Центра, А.У. Салимов делал все для развития национальной культуры и образования, сохранения и обновления национальных традиций, обычаев и обрядов, подготовки высококвалифицированных кадров. Он уделял много внимания развитию национального театра, созданию и деятельности народных театров, краеведческих музеев, народных университетов, занимался вопросами народного и высшего образования, профессионально-технического обучения, вникал в проблемы фундаментальных и общественных наук, не забывал о деятельности общества "Знание", которое несло знание в массы... С его непосредственным участием были проведены юбилейи Авиценны, Мусы Аль-Хорезми, Имама Бухары, Алишера Навои, Мирзы Улугбека и других корифеев отечественной науки и культуры. При нем были выпущены многочисленными тиражами книги классиков узбекской и зарубежной литератур, современных молодых писателей и поэтов. На республиканский и союзные экраны вышли замечательные художественные и документальные фильмы узбекских режиссеров и актеров. Проводились дни и недели культуры братских народов в Узбекистане и Узбекистана в других странах, обмены театральными коллективами, международные кинофестивали и конференции писателей стран Азии и Африки и т.д. Акил Умурзакович всячески поддерживал талантливых художников, архитекторов, дизайнеров, издателей, педагогов, медиков, артистов, журналистов, способствовал разрешению их бытовых и творческих проблем, не забывал о поощрении выдающихся представителей научной и художественной интеллигенции и т.д.

С тех пор прошло много лет, утекло много воды, многое изменилось в жизни страны и граждан, но благодарные люди до сих пор помнят добрые деяния и поддержку А.У. Салимова. Так, нам известно, что Акил Умурзакович следил и контролировал проектирование и строительство Выставочного зала в центре Ташкента, организацию там выставок произведений отечественных мастеров кисти, о чем неоднократно рассказывал покойный



руководитель Союза художников республики, народный художник Рахим Ахмедов.

Доктор филологических наук, профессор Хамид Сулейманов в своё время с благодарностью рассказывал какую большую помощь вместе с Шарафом Рашидовичем Рашидовым оказывал Акил Умурзакович при создании Литературного музея имени Алишера Навои и Института рукописей Академии Наук…

Известный искусствовед и культуролог Юрий Владимирович Подпоренко, ранее работавший директором Русского театра юного зрителя в Ташкенте, вспоминал, что он неоднократно обращался к руководству Министерства культуры республики об укреплении материально-технической базы театра, но вопрос не решался. Тогда он пошел на приём к А.У. Салимову. Акил Умурзакович внимательно выслушал директора и, не откладывая дело в долгий ящик, сразу связался с руководством Минкультуры и попросил оказать театру всю необходимую помощь, что было вскоре сделано.

Ныне покойный заслуженный ирригатор, один из славной когорты покорителей Голодной степи Тухтамиш Баймиров, возглавив Джизакскую область, столкнулся с рядом проблем в сфере культуры в регионе и за помощью обращался к А.У. Салимову, который оперативно решал их. Эти и другие примеры, свидетелями которых были многие из ныне здравствующих современников А.У. Салимова, в том числе и мы, показывают, что в тех условиях, в которых жили и действовали тогдашние руководители республики, они делали максимум для блага народа Узбекистана. Ш.Р. Рашидов и его соратники – Акил Салимов и другие патриоты Узбекистана в условиях показной самостоятельности союзных республик, строжайшего контроля со стороны центральных органов, своей деятельностью, не афишируя и не заявляя об этом открыто, заложили камни в фундамент национальной независимости, будущего суверенного государства Узбекистан. Нам кажется, что Центр в какой-то момент почувствовал это и, увидев в лице тогдашних руководителей республики и их деятельности ростки центробежных сил в Узбекистане, решил наказать их в назида-

нии руководителям других республик, послав в регион «десантников» для замены местных руководителей. Среди тысяч наказанных узбекистанцев был и А.У. Салимов, в то время ректор Ташкентского Института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, а до этого возглавлявший Президиум Верховного Совета республики, являвшийся заместителем Председателя Президиума Верховного Совета СССР. Свидетель незаконного ареста Акила Умурзаковича на рабочем месте, нынешний Президент Узбекистана Шавкат Миромонович Мирзиёев тогда с уверенностью сказал, что все это обязательно пройдет, правда восторжествует и Акил Умурзакович вернется к руководству институтом. Чтобы это случилось А.У. Салимову пришлось пройти через адские муки тюремных застенок. И он выстоял, как многие другие руководящие работники Узбекистана, оклеветанные и незаконно арестованные по так называемому «узбекскому делу». Вернулся к родной земле, любимой семье, друзьям и соратникам с высоко поднятой головой и чистой совестью.

Сегодня академик А.У. Салимов, которому исполняется 95 лет, с радостью говорит о глубоких переменах, которые происходят ныне во всех сферах жизни независимого Узбекистана: углубляются экономические реформы, возводятся новые промышленные предприятия, вооруженные новейшей техникой и технологией, внедряется кластерная система управления сельским хозяйством, расширяется экспорт готовой продукции с эмблемой "Сделано в Узбекистане", строятся новые железные и автомобильные дороги, мосты и путепроводы, благодаря осуществлению программ "Обод махалля" и "Обод кишлак" строятся тысячи многоквартирных домов, преобразуются города и села, повышаются заработная плата, пенсии, пособия и стипендии, улучшается качество жизни населения страны, о чем свидетельствует заметный рост средней продолжительности жизни населения в стране... Его радуют большие перемены, происходящие в сфере науки – укрепление материально-технической базы научно-исследовательских институтов, улучшение морального и материального положения ученых академиков, реформы в сфере образования, расширение сети высших учебных заведений и повышение качества подготовки квалифицированных кадров. У него особое отношение к молодежи, с представителями которой часто встречается, активно работая председателем попечительского совета общественного фонда имени М. Улугбека по поддержке одаренной молодежи Республики Узбекистан.

Акил Умурзакович радуется невиданным успехам руководства Узбекистана во внешней и внутренней политике, улучшению отношениям с центральноазиатскими странами и другими зарубежными государствами, расширению сотрудничества с международными организациями.

Он радуется, что наш народ под руководством своего Президента строит новый Узбекистан и основы Третьего Ренессанса. Акил Умурзакович, преисполнен благодарности к Лидеру нашего многонационального народа – основателю Нового Узбекистана Шавкату Миромоновичу Мирзиёеву, который на деле показывает пример беззаветного служения Родине.

Блестящим примером горячей поддержки внутренней и внешней политики руководства страны А.У. Салимовым стала опубликованная недавно его книга "Государство Новый Узбекистан" (Оқил Салимов. Янги Ўзбекистон давлати. Тошкент. "Маънавият". 2023).

Акил Умурзакович Салимов полон сил и замыслов, мечтает увидеть Узбекистан в числе развитых государств мира, процветающей страной. И не мало делает для осуществления этого.

**С. Курбанов,**
кандидат исторических наук, доцент,
**Н. Таиров,**
член Союза журналистов Узбекистана.

# АТОҚЛИ ОЛИМ, УСТОЗ, КАМТАРИН ВА ДОНО РАҲБАР

**Умрлар бўладики, тиригида ўликдир,**
**Умрлар бўладики, ўлигида тирикдир.**

**Мақсуд Шайхзода**

Шундай инсонлар борки, улар оламдан ўтган бўлсаларда ўзларининг намунали умрлари, қилган хайрли ишлари туфайли маёқ сингари ҳаёт йўлингизни ёритиб равшан қилиб турадилар. Улар ҳақидаги хотиралар олдингизга қўйган мақсадингиз сари тинмай ҳаракат қилишга, эзгуликка чорлайди. Мен ҳеч иккиланмасдан шундай инсонлар сирасига йигирма йилдан зиёд вақт мобайнида Тошкент давлат қишлоқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети)га раҳбарлик қилган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Эркин Турдиевич Шайховни киритган бўлар эдим.

Э. Шайховнинг илмий-педагогик фаолияти мустақиллик йилларида янада кенг қанот ёзди. У Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби сифатида эътироф ва эътиборига сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида мамлакатда қонунчилик асослари яратилишига муносиб ҳисса қўшди. Унинг ректорлик даврида амалга оширилган ишларини ҳали-ҳануз талаба-ёшлар, ўқитувчи-профессорлар, туман, вилоят, республика даражасидаги раҳбар



ва оддий фуқаролар ҳурмат билан тилга оладилар.

Устоз ректорлик қилган даврда хорижий давлатлардан келган талабаларга катта эътибор қаратилган. Айнан шу даврда университет томонидан Европа, Осиё, Лотин Америкасининг 71 мамлакати учун 1039 нафар мутахассис тайёрланган. БМТнинг иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги статистикаси ихтисослиги бўйича малака курсида 75 мамлакатдан 615 нафар киши ўз малакасини оширган.

Яқинда Университет раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари жамоаси ташаббуси билан Тошкент давлат аграр университетида Э.Шайхов таваллудининг 96 йиллигига бағишланган “Таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш”, ҳамда Уч авлод учрашуви мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани ниҳоятда мазмунли ўтди.

Ушбу анжуманда Эркин Турдиевичнинг замондошлари, фарзандлари, набиралари, яқинлари, Тошкент давлат аграр университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Акмал Шамсиев академик Э.Шайхов босиб ўтган ибратли умр йўли ҳақида батафсил маълумот бериб ўтди.

Анжуманда қатнашган Билим ва инновациялар миллий маркази раҳбари Шуҳрат Тешаев, Аграр соҳа аёллари уюшмаси раиси Адиба Ахмеджанова, Тошкент давлат аграр университети фахрий профессори Владимир Зуев, Қишлоқ хўжалиги собиқ вазири Туроб Холтоев, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти профессори Шерали Нурматов, Тошкент давлат аграр университети профессори Хўжамурод Кимсанбоев устоз Эркин Турдиевич билан боғлиқ хотиралари хусусида ўртоқлашдилар, фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Академик Э.Шайховнинг фарзандлари ҳам сўзга чиқиб, илиқ хотираларини эсладилар, анжуман ташкилотчиларига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар. Зооинженерия факультети талабаси Гулшода Мухторова эса Э.Шайхов хотирасига атаб ёзган шеърини ўқиб берди.

Тадбир давомида академик Э.Шайхов хотирасига бағишланган видеолавҳа тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу видеолавҳа анжуман қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ушбу видеолавҳани томоша қилар эканман, Эркин Турдиевич билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аппаратида ишлаган давримда бўлган учрашувлар ҳаёлимдан ўтди. Сабаби, Эркин Турдиевич ўша пайтда Олий Мажлис депутати сифатида парламентнинг Этика комиссиясига раҳбарлик қилардилар, мен ишлаётган бўлим эса уларга бу борада ташкилий жиҳатдан кўмаклашар эди. Мен ўша пайтда ўзимга “Нима учун мазкур Комиссия раҳбарлигига айнан Эркин Шайховни танлашган экан?” деган саволни берар эканман, бу саволнинг жавобини кейинчалик Эркин аканинг мажлис ва йиғилишлар олиб бориш услубларида, атрофдагилар билан бўлган муносабатларида, парламент сессияларида қатнашган музокараларда топдим. Чунки ёшликдан муомала маданиятини ва инсоний дипломатияни яхши ўзлаштирган Эркин Турдиевич баҳс-мунозара олиб бориш тартибини ҳам кўпчиликка ўрнак бўладиган даражада яхши билар эди... У кишининг минглаб шогирдлари айни пайтда, Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлиги ва у киши билан бирга Янги Ўзбекистонни қуриш ҳамда Учинчи Ренессанс асосларини яратишда фаол иштирок этишмоқда.

Бугун ҳеч шубҳасиз, Эркин Турдиевич Шайхов ҳаёти давомида шонли ва шарафли йўлни босиб ўтди, дея оламиз. У кишини хотирлар эканмиз, табаррук номлари олдида таъзим қиламиз. Жойлари жаннатдан бўлсин.

**Маҳмудхон Тоиров,**
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

# КОРРУПЦИЯ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЖИҲАТЛАРИ ВА ЗАРУРАТИ

**Абдулла Мадалиев,**
"Renaissance University" профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

Коррупция (лот. Corrumpere — бузмоқ) термини одатда мансабдор шахслар томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва аҳлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатади. Бу иллат катта ва кичик, бадавлат ва камбағал бўлишидан қатъий назар, барча мамлакатларда учрайди.

“Мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса сифатида коррупция тарихи қадимийлигига кўра инсоният цивилизациясига тенг десак хато бўлмайди. Давлат хизмати тизимидаги коррупция ҳақидаги биринчи битиклар Кадимги Бобил (эрамизгача бўлган 24-аср) архивларида топилган. Ўша даврда Лагаша мансабдор ва судьяларнинг вазифаларини суистеъмол қилишнинг олдини олиш мақсадида давлат бошқарувини ислоҳ қилади. Машҳур қадимги юнон ҳикматига кўра “ Do ut facies ” (бажариши учун бераман) дейилган.

Коррупция – ижтимоий феномен, жамият ва ижтимоий муносабатлар натижаси, ижтимоий ва хўжалик фаолиятини бошқариш функциясининг ўзига хослигидан келиб чиқиб вужудга келади ва мавжуд бўлади, яъни айнан шундай ҳолатда мансабдор шахсда жамият ва давлат манфаатларини эмас, балки ўз шахсий ғараз ниятидан келиб чиқиб, ресурсларни тасарруф этиш ҳамда қарорлар қабул қилиш имконияти вужудга келади. Демак, коррупция мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлиб, унинг кўриниши, шакли ўзгариши билан ҳажми қисқармайди.

Ҳозирги вақтда коррупция миллий хавфсизликка таҳдид солаётган асосий хавф бўлиб, иқтисодиёт ривожланишига асосий тўсиқ, давлат томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларга қарамай, ижтимоий барқарорликнинг сақланиши ва чуқурлашувига таъсир қилувчи омилдир. Коррупция иқтисодий қонунларнинг эркин ҳаракатланишини чеклайди, мамлакат нуфузини халқаро ҳамжамият олдида туширади. Ҳаққоний ва ижтимоий йўналтирилган бизнес бозордан сиқиб чиқарилади, чунки коррупция бундай бизнесни норентабель қилиб қўяди.

Бошқарув бор жойга коррупция оралайди, унинг атрофида айланади. Шунинг учун бошқарувни коррупциядан ҳимоялаш, ёки уни бундай балодан қутқариш масаласи барчани ўйлантиради. У ўта мослашувчан хусусиятга эга бўлиб, шаклини ўзгартириб такомиллашиб, ижтимоий ҳуқуқий тизимдаги бўшлиқлар, камчиликлардан усталик билан фойдаланади. Чоп этилган маълумотларга кўра, ҳақиқий коррупция ҳолатларининг 1-2 фоизигина аниқланади, жавобгарликка тортилганлар сони эса бунданда кам. Кўриб турганинингиздек, коррупциянинг бетўсиқ, бемалол фаолият юритиши учун ҳали имкониятлар қамрови – жуда кенг.

Ушбу ижтимоий салбий ҳодиса миллий давлат чегараларидан чиқиб, глобал масштаб касб этмоқда. Ундан олинган даромадлар легаллаштирилганидан сўнг халқаро ва миллий молиявий тизимга жойлаштирилиб, давлат ва халқаро ҳокимият ҳамда иқтисодиёт институтларини емирмоқда.

2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Қонунда коррупцияга шундай таъриф берилган: “Қонунга кўра коррупция шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишидир”.

БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясида “Коррупция – бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради” – дея таъриф берилади.

Юридик фанлар доктори А.Турсунов коррупция давлат ва жамият ҳаётида қандай салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳақида шундай дейди: “Биринчидан, инсоният ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган – демократия ва демократик институтларнинг мустаҳкамланишига салбий таъсир қилади, яъни уларга жиддий путур етказади.

Иккинчидан, жамият тараққиёти учун энг муҳим омил – тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларнинг бузилишига олиб келади ва кенг жамоатчиликда уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги ишончни сўндиради.

Учинчидан, бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бузилиши, соғлом рақобатнинг бозордан сиқиб чиқарилиши, яширин иқтисоднинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратади.

Тўртинчидан, жамиятда носоғлом ижтимоий-маънавий муҳитнинг шаклланишига сабаб бўлиб, демократик давлатнинг энг муҳим ҳуқуқий принципларининг бузилишига олиб келади”.

Коррупцияга аралашган, бу жирканч иллатга қўл урган кимса учун улуғ нарсалар, мўътабар туйғуларнинг қадри йўқолади. Бундайлар ҳаётда ҳамма нарсани сотиб олиш ва сотиш мумкин, деб ўйлайди. Улар ҳеч кимга, иймон-эътиқодга ишонмайди, айни пайтда бундай кимсаларга ҳаёт учун азиз саналадиган ҳеч нарсани ишониб бўлмайди. Чунки улар ҳар қандай қабиҳлик ва юзтубанликдан қайтмайди. Шунинг учун меҳнат жамоаларига раҳбарни ёллаш жамоа йиғилишларида сайлов тизими орқали амалга оширилиб, уларда муайян вақтларда ҳисоб бериб туришлиги белгилаб қўйишлиги мақсадга мувофиқ. Демократик давлатларда сайланган вакилларни коррупция учун жазолашнинг асосий усулларидан бири кейинги сайловларда унга овоз бермаслик ҳисобланади. Коррупцияга сайловлар орқали таъсир ўтказиш энг самарали усул ҳисобланади.

Жамиятда муаммоларнинг мавжудлиги ҳам коррупциянинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Коррупциянинг мавжудлиги эса муаммоларни келтириб чиқараверади. Одатда ҳаётда муаммо кўп, муаммонинг кўплиги – коррупциянинг ривожи учун қулай имконият. Яъни, аксарият ҳолларда, муаммонинг илдизи коррупцияга бориб тақалади. Унда қанча эзгулик қилиш мумкин бўлган тақдирда, шунча ёвузлик ва ноҳақлик ўзини намоён этади.

Одатда муайян доирада бошқарув қай даражада шаклланган бўлса, турмуш тарзи ҳам шунга мос равишда шаклланади. Ҳар қандай ривожланиш, тараққиёт ёки таназзулнинг бошида бошқарув туради. Раҳбарлик шундай мураккаб ва қалтис вазифаки, коррупция унга доимо эргашади. Раҳбарнинг озгина чалғиши, масъулиятсизликка берилиши, эътиборсизлиги уни коррупция ботқоғига ботиб қолиш хавфини солиб туради. Йирик масалаларни айтмасакда, оддий хизмат вазифасидан ҳам коррупциянинг элементлари қалқиб чиқаверади. Мисол учун, хизмат машинасидан оила ҳожати учун фойдаланиш, ҳаётда ва ишлаб чиқаришда айрим масалаларни раҳбар фойдасига ҳал қилиниши ҳамда шу каби ҳолатлар раҳбарнинг коррупциядаги дастлабки қадамлари бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолатлардан ҳеч ким ҳимояланмаган. Одили Умар (р.а.) халифалик даврида салтанат ишлари билан шуғулланишида давлат шамидан фойдаланган. Шахсий ишига ўтиши билан эса, давлат шамини ўчириб, ўзининг шахсий шамини ёққан экан.

Коррупцияга йўл қўймаслик, ёхуд ундан қутулиш, фаолиятни унинг чангалидан озод қилиш ҳақида барча бирдай қайғуриши, унга қарши ҳамжиҳатликда курашиши даркор. Чунки барчага ҳам рисоладагидек яшаб,

ҳалол меҳнатининг рохатини кўриш учун коррупциясиз турмуш тарзи зарур. Коррупция ҳеч қачон яхшиликни, тараққиётни инъом этмайди. Билъакс у – ривожланишнинг душмани, эзгуликнинг – заволи. Шунинг учун унга қарши курашишнинг муносиб йўлларини излаб топиш ниҳоятда зарур. Бу ерда ҳуқуқ-тартибот органлари мавжуд, бу ишлар уларнинг туб вазифасига киради дейиш билан хотиржамликка берилиш катта йўқотишларга сабаб бўлади. Чунки, ҳуқуқ-тартибот органларининг ўз функционал вазифалари бўлиб, улар доимий равишда ҳар бир субъектнинг фаолиятига чуқур кириб, уларни назорат қила олмайди ва бунга ваколати ҳам имкони ҳам етишмайди. Шу маънодан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, корхоналарда ва жамоаларда коррупциянинг олдини тўсадиган ҳеч қандай куч мавжуд эмас. Бундай ҳаракатни ҳар бир корхона жамоаси ўзи яратиб олиши даркор. Яъни, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда коррупцияга барҳам бериш, унинг таъсир кучини синдириш ва катта иқтисодий йўқотишларга йўл қўймаслик учун субъектларда ўзини-ўзи назорат қилувчи "Коррупцияга қарши курашиш" комиссияси тузилиши керак. Бундай комиссия ҳудудлар ёки минтақаларда умумий тарзда хизмат кўрсатишга мослаб эмас, айнан корхоналар таркибида иш олиб бориш учун мўлжалланган бўлиши керак. Чунки комиссия муайян корхонадаги бошқарув аппарати фаолиятининг назоратини амалга ошириши лозим. Комиссиянинг асосий вазифаси, корхона фаолияти ва бошқарувида тўлалигича ҳуқуқий-тартибот қонун-қоидаларига риоя этилиши кузатилади. Ҳуқуқ-тартибот органларининг зиммасига уларни зарурий қонун-қоидалар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, консультатив-маслаҳат ишларини олиб бориш вазифалари юклатиб қўйилиши зарур.

Бунда коррупцияга қарши курашиш комиссияси қуйидаги вазифаларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб олмоғи лозим:

– корхонада олиб борилаётган ишларнинг қонунийлиги, ҳалоллиги, ҳар бир ишни амалга ошириш тартиб-таомилларига мослиги, барча ишлар тўғрисидаги ахборотларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш;

– ички назоратнинг самарали тизими, яъни шикоят ва бошқа мурожаатлар билан ишлашни такомиллаштириш;

– коррупцияни содир этишга имконият яратадиган ва сабаб бўладиган омиллар аниқланиб, уларни ўз вақтида бартараф этиш;

– коррупцион хусусиятига эга хавф-хатарларнинг юзага келиш эҳтимоллигини прогноз қилиш ва олдиндан эҳтиёт чораларини кўриш;

– коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган профилактик чораларни амалга ошириб бориш;

ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилинишига йўл қўймаслик ва бу борада зарурий ишларни амалга ошириш;

имзосиз хат ва шикоятларни ҳам ўрганишни йўлга қўйиш, далилларининг тасдиғи топилган хат ҳамда шикоятларга қонуний чоралар кўришни йўлга қўйиш ва ҳоказолар.

Умуман олганда, коррупцияга қарши курашиш билан кишиларни коррупциядан ҳимоя қилибгина қолмай, балки коррупционерларни ҳам ундаги номаъқул ишлардан ҳимоя қилинган бўлади. Чунки қинғир ишнинг қийиғи чиқиб, ундайлар бир кун келиб қўлга тушиши ва жазога гирифтор бўлишидан ҳимояланмаган. Агар бундай нопок ишларга ўз вақтида тўсиқ қўйилса, коррупциянинг олди олинади ва жиноятга қўл урилмайди. Натижада коррупциядан азият чекувчилар ҳам коррупцияни содир этувчилар ҳам бўлиши мумкин бўлган азиятларга дучор бўлмайди. Бундай чоралар боис, ҳар ким ўзининг ҳалол меҳнати мевасидан баҳраманд бўлиб, тинч-осуда яшайди.

Субъектларда коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияларнинг тузилиши ва унда оммани иштирок этиши билан салбий иллатга қарши тура оладиган куч бевосита жойларнинг ўзида вужудга келади. Бу ақлли тизим бўлиб, у бутун жамоани ва бошқарувни ҳар хил нотўғри йўлларга оғиб кетмаслиги учун тўғри йўлга солиб туради. Коррупцияга барҳам берилган жамоаларда фақат олға интилиш кузатилиб, улар доимий ривожланиш йўлига ўтиб олади ва келажагига ишонч билан қарайди. Бунга фақат кенг жамоатчилик жалб этилган коррупцияга қарши курашиш комиссиялари орқалигина эришиш мумкин. Бошқача йўллар билан курашиш нисбий характер касб этади. Яъни, мутассадди ҳуқуқ-тартибот органлари эса, ҳар бир тузилманинг ичига кириб, ундаги

коррупциянинг олдини олиш бўйича ишларини бевосита амалга ошириб бера олмайди. Буни фақат субъектнинг ўзидагина жамоанинг ёрдами билан амалга ошириш мумкин. Натижада ҳар бир тузилмада коррупция қарши курашиш билан мамлакатда унинг оёғига болта урилади дейишга асос бор. Чунки бунда жамият коррупцияга қарши курашиш учун бел боғлаган ва у билан курашишга шай турган жойда қандай қилиб коррупция бўй кўрсатиши мумкин? Чунки у ўз вақтида аниқланиб, бартараф этилиб, каллакиланиб турилади.

Коррупцияга қарши курашувчи тизим бўлмаган тузилмалар ўзини-ўзи бошқара олмай қолади, бунда уларни коррупция бошқаради. Шу аснода айтиш мумкинки, улар сўзсиз муаммолар ботқоғида қолиб кетади.

Бундай курашишни ташкил этиш билан, жамиятдаги ақлий салоҳият ва бебаҳо неъматдан унумли фойдаланиш имкони вужудга келади. Чунки улар тўғри йўлдан боришни, илм-фан ютуқларига таянишни афзал кўради ва бу билан жамоанинг фаровон ҳаётини таъминлаш мақсад қилинади. Коррупционерлар эса, қинғир йўллар билан жамоанинг мулкига кўз олайтириб, харомхўрлик йўлини тутади. Шунинг учун, ақлли, илмли, салоҳиятли кишиларнинг имкониятларидан мумкин қадар кенг фойдаланиш керак. Уларга эътибор қаратмаслик коррупциянинг суқулиб киришига имкон яратади. Холбуки, бошқарувни коррупциянинг қўлига топшириб қўйган жамият мағлубиятга учрайди.

Жамиятда илм-фан, инновация ва бошқа тараққийпарвар ишларни амалга оширишга коррупция аралашса, барча қилинган ишлар ва саъй-ҳаракатлар беҳуда кетади. Агар коррупцияга қарши курашиш ишларида сусткашликка йўл қўйилса, билим ва интеллект эгалари ўз имкониятларини рўёбга чиқара олмайди. Оқибатда, уларнинг ўрнида моддий манфаатини устун қўювчи тубан кимсалар жонланади ва қабих мақсадлари йўлидаги имкониятларни қўлга киритади. Бу билан эса, шубҳасиз коррупциянинг иши юришади. Шу ерда ўзингиз ҳам фикр қилиб кўришингиз мумкин, яъни коррупция аралашган ташкилотларнинг келажагини бор деб бўладими?

Коррупция, муаммо ва нуқсонларни манфаат топиш манбаи қилиб олади, жамоанинг ризқини қияди. Унинг энг улкан иши – жамиятни қашшоқликда ушлаб туриш. Токайгача бунга йўл қўйиш ва чидаш мумкин? Шунинг учун, уларнинг пойини кесишни бевосита жамоанинг, омманинг ўзига топшириш керак. Четдан жалб қилинадиган куч ҳеч қачон жамоа аъзосидек жон куйдира олмайди. Ўз ичидан қўйилган куч эса, таркибида ана шундай разил кучни авж олишига йўл қўймайди. Коррупцияга қарши курашишнинг ягона ва оқилона формуласи – ана шундан иборат десак муболаға бўлмайди.

Коррупцияга алоқадор кимса, қонунни бузишидан ташқари, ўзининг кимлигини, эътиқоди, маънавияти қай даражада эканини ошкор қилади. Бундай одам нафақат молиявий зиён-заҳмат етказади, балки давлатни, демократияни беҳурмат қилиб, обрўсини тўкади, ўзига ишонч билдирган жамиятнинг юзига оёқ қўяди.

Коррупцион схема билан кўплаб ноқонуний ишларни амалга ошириб, шахсий манфаатга эришиш мумкин. Бундай ишларни амалга ошириш имконияти асосан мансабдор шахсларда бўлиб, уларда лавозимини суистеъмол қилиш учун қулай вазиятлар мавжуд. Чунки жамоа ва ходимлар раҳбар олдида жавоб бергани баробарида, раҳбар жамоа ва ходимлар олдида ҳисобдор эмас. Бу эса, раҳбарнинг ножўя ёки ноқонуний қадам ташлаши учун йўл очиб беради. Шунинг учун ҳам ундан вақти-вақти билан ҳисобот талаб қилиб, унинг фаолияти кузатилиши зарур.

Агар бошқарув жамоатчилик асосида ташкил этилса, унда ўз-ўзидан коррупцияга ҳеч қандай ўрин қолмайди. Чунки бунда қарор якка ҳолда эмас, жамоатчилик билан кенгашган ҳолда қабул қилинади. Жамоатчилик бошқаруви, яъни бошқарувни эркинлаштириш барча истиқболли ва тараққийпарвар ишларни амалга ошириш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Жамоатчиликка суянмаган бошқарувнинг барча бўғинларида содир бўлаётган коррупцияга ходимлар ва жамоа қарши туролмайди. Чунки бунда катта куч ва имконият раҳбар томонида туради. У қарорларни якка ҳолда қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бунда раҳбар ҳар қандай ходимга тазйиқ ўтказиш, ёки фаолиятига чек қўйиш ҳолатигача етиб боради. Шунинг учун бошқарувни номарказлаштириш ва жамоат бошқарувини ташкил этиш билан бундай муаммоларга ечим топиш мумкин.

Бошқарув билан меҳнат жамоаси ўртасида масофа бўлиши, унга коррупциянинг кириб келиши учун кенг йўл деса бўлади. Бар-

ча тараққийпарвар усуллар, инновацион ечимлар ва илғор технологиялар қўлланса-ю, лекин бу майдонда коррупция мавжуд бўлса, барча қилинган ишлар ҳамда ҳаракатлар зое кетади. Коррупция оралаган ёки унинг зарраси тушган жойда эврилиш содир бўлади.

Бошқарувнинг энг мураккаб жиҳати – уни коррупциядан ҳимоялаш. Буни фақат раҳбарнинг ўзи уддасидан чиқа олмайди. Шунинг учун бошқарув жамоатчилик асосида бўлиб, унда бошқарув ягона шахснинг қўлида эмас, балки жамоатчилик ўртасида тақсимланган бўлиши лозим. Бундай ҳолда коррупция бош кўтара олмайди. Шунинг учун бошқарув тузилмаси шундай шакллантирилиши керакки, бу доирага ҳеч қачон коррупциянинг унсурлари кира олмаслиги зарур.

Илгари имзосиз (аноним) хатлар ҳам текширилган. Одамлар имзосиз хат ёзишга шунинг учун ҳам мажбур бўлишадики, уни очиқ ҳолда мурожаат этиш билан бошига кўп муаммо ва ғавғолар тушади. Агар бунга ёпиқ ҳолда ҳам амалга ошириш имкони берилса, кўплаб коррупция билан боғлиқ ишларни рўйи-рост очиб ташлашга хизмат қилади. Агар хатларда келтирилган далиллар ўз тасдиғини топса, бунинг нимаси ғайри-шуурий ҳаракат?! Бу, коррупцияга қарши курашишнинг энг зарбали қуролику! Имзосиз хатга ҳам одамларнинг бошқарув ишида иштирок этишининг муҳим бир усули сифатида қараш тўғри ва адолатли бўлади.

Аноним хатларнинг ишламаслиги коррупциянинг баравж урчиши ва ривожланиши учун қулай мухит вужудга келишига сабаб бўлади. Анонимдан фойдаланилмаслик катта зарарзахмат ва хавф етказаётган коррупционерлар учунгина яхши шароитдир. Ҳақиқат учун эса унинг кони – зарар.

Жамиятдаги барча ютуқ ва муаммоларнинг бўлиши – асосан бошқарувдан, унга коррупциянинг аралашиш хавфининг юқорилигидан. Бошқарувни тўғри ташкил этишнинг ҳақиқатга энг яқин усули – халққа яқинлашиш, улар билан мулоқотга киришиш, талаб, истакларини қондириш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга оширишдир. Мансабдорда инсонийликнинг барча фазилатлари мужассам бўлиши лозим. Энг асосийси, у, лавозимда учраши мумкин бўлган коррупция ва бошқа иллатлардан ҳоли бўлишга муттасил интилиб ҳаракат қилиши зарур.

Бошқарувда иштирок этиш деган гап нисбий масала бўлиб қолмаслиги керак. Чунки ҳар бир оддий ходим раҳбар билан ёнма-ён қарор ишлаб чиқариши амалда мумкин эмас. Шунинг учун, буни ташкил этишнинг энг маъқбул механизми – ходимлар корхонанинг таркибий-ташкилий тузилмасидаги муайян бўлимларга бошқарув ишларини ташкил этишда иштирок этиш учун бириктириб қўйилишидир. Чунки бошқарув қарорларининг лойиҳалари асосан корхонанинг бошқарув аппарати бўлимларида шаклланади. Бунда ходимларнинг фаолияти ва ихтисослиги ҳисобга олинган бўлиши зарур. Улар ўз фаолиятларининг натижалари бошқарув даражасида қандай акс этаётганлиги ва корхона миқёсида қандай аҳамият касб этаётганлиги билан танишиб боради. У ердаги ишлар билан бефарқ бўлмай камчилик ва нуқсонларга ўз вақтида эътибор қаратади ҳамда тегишли муносабатларини билдиради. Зарурат ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳатто касбдошларининг фикрларини олади ҳамда улар фаолиятларида ўзгаришлар содир этишга ҳамда янги натижалар учун курашишга даъват ҳам этадилар. Бу билан бошқарув ва ходимлар ўртасида алоқа тизими ўрнатилади ва бошқарувда иштирок этиш механизми вужудга келади. Бошқарув иштирокчилари бўлимларда олиб борилаётган ишларнинг дебочасидан тортиб, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини тўлиқ кузатиши ҳамда қарор лойиҳаларига ўз фикрларини билдириш имконига эга бўлади. Бириктирилган вакиллар ўзлари иштирок этаётган бўлимлар фаолиятида коррупциянинг содир бўлмаслигига кафил бўладилар. Ана шундай масъулиятли ишларни йўлга қўйиш билан коррупциянинг олдига ишончли мустаҳкам тўсиқ қўйилади.

Ҳукуматнинг мамлакат олдидаги биринчи вазифаси – коррупцияга барҳам бериш, унинг олдини олиш ва йўл қўймасликдир. Қолган бошқа барча ишларни халқнинг ўзи амалга ошираверади. Унга фақат ўз меҳнатидан манфаат топиб, осуда меҳнат қилиш шароити яратиб берилса бас. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш фақат коррупциясиз амалга ошиб, уни жамоатчилик бошқарувлари таъминлаб беради. Жамиятда ушбу масала қай даражада ечим топса, ривожланиш ва тараққиёт ҳам шу даражада амалга ошади.

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан сўрадилар: Ё Расулуллоҳ, биз дунёдан фориғ бўлганимизда ер юзи яхшими, ёки ости? Расулуллоҳ (с.а.в.)



дедилар: “Агар ҳокимларингиз солиҳ ва одил бўлсалар, бойларингиз сахий ва хайрпеша бўлсалар, нимаики қилмоқчи бўлсангиз, ўртада маслаҳат билан ҳал этиш одат қилинган бўлса, ер усти яхшидир. Агар ҳокимларингиз золим ва жабр қилувчи бўлсалар ва бойларингиз бахил бўлиб, ишларини хотинлар билан маслаҳат қилиш одати бўлса, ер ости яхшидир” (Ҳаётул-қулуб).

Буюк давлат қурган бобокалонимиз Амир Темур ўзининг “Темур тузук”ларида шундай деб ёзади: “Пирим Зайниддин Абу Бакр Тойбодий ёзмишларким “Абдулмансур” Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилган, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик; 4) эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатнинг барча қилган иши ва айтган гапларини жоҳил кимсага  қиёс қилиш мумкин; унинг айтган сўзлари ва қилган ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юргизгин, токи оқибатда надомат чекиб пушаймон бўлмагайсан...

Мактубда ёзилмиш сўзлар эса салтанат ишларида мен учун энг тўғри йўлбошчи эди”.

Афлотуннинг ёзишича, ҳокимлар асл олийжаноб оқсоқоллар сингари улуғвор ёшда ва ҳаётий тажрибага эга бўлишлари керак. Ишда бунга қанчалик риоя қилинса, шунчалик тўғри бўлади. Агар ҳокимлар тарбиясиз бўлсалар, у ҳолда, уларнинг ишлари ҳам, фуқароларнинг ишлари ҳам инқирозга юз тутади.

Ҳар бир ишда раҳбар қўл остидаги кишиларнинг турмушдаги барча қирраларига масъулдирлар. Қадимги Хитой файласуфи Мо-цзининг ёзишича: “Камбағаллик – мамлакатдаги тартибсизликлар илдизи”.

“Баъзи ёзилмаган қонунлар ёзилганларидан кучлироқдир”, дейди қадимги Рим файласуфи Сенека. Назаримизча, бундай ҳолга кўпроқ бошқарув лавозимларида дуч келинади. Яъни, гоҳо олдинда иккита танлов зарурати вужудга келади. Бунда, ё раҳбарлик лавозимини танлаш, ёки уни тарк этиш масаласи кўндаланг бўлади. Унинг ҳақиқий ечими фақат соф виждон орқалигина амалга оширилади. Икки танловнинг ҳар икки ҳолати бўйича ҳам танланган ечим натижаси аслида нотўғри бўлади. Биринчиси, қонунга зид бўлса, иккинчиси, виждонга – ҳилоф. Бундай ҳолда, кимки қонун тарафидан ҳаракат қилса, раҳбарликни танлайди, кимки виждон амрига қулоқ тутса, мансабидан воз кечади. Бу фақат ҳазрати Инсоннинг қалб амригагина боғлиқ.

Афлотун айтадики, бошқарув турларининг сони қонунчиликнинг сонига мутаносибдир. Чунки ҳокимият қонунларга бўйсинади ва уларга асосланади. Бошқарув ҳам қонунларнинг сони ва қийматига боғлиқ. Яхши бошқарув, яхши қонунларга боғлиқ. Ёмон бошқарув – ёмон қонунларга, етук бошқарув – етук қонунларга боғлиқ.

Маълумки, раҳбарлик лавозимида имкониятлар доираси кенгаяди. Имкониятнинг кенгайиши эса, шубҳасиз орзу-ҳавасларнинг ҳам ҳакалак отишига сабаб бўлади. Бу эса раҳбарлик вазифасини тўғри ва ҳалол адо этилишига монъелик қилади, унинг обрў-эътиборига путур етказади.

Биз бунда айни яшаб турган давримизда дунё аҳолисининг умумий турмуш тарзига ҳам назар ташлаб ўтмоқни жоиз деб топдик. “RNS Oxfam ташкилоти ҳисоботига кўра 2017 йилда пайдо бўлган барча бойликларнинг тахминан 80 фоизи Ер юзининг 1,0 фоиз аҳолисига тегишли экан. Маълум бўлишича, жаҳондаги энг бадавлат одамлар бойлиги ўтган йилда

762 млрд АҚШ долларига кўпайган. Бундан ташқари, кўрсатилган даврда доллар миллиардерлари сонининг бутун тарихдаги рекорд ўсиши қайд этилган. Айни дамда уларнинг сони 2043 кишини ташкил этмоқда".

Яна бир манбада "Саккизта энг бой тадбиркорнинг капитали дунёнинг 3,5 млрд аҳолисининг умумий маблағига тенг эканлиги қайд этилади. Бу ҳақда Oxfam компаниясининг «An economy for the 99 percent» маърузасида хабар берилади. Шунингдек, маърузада яқин 25 йил ичида дунёда биринчи триллионер пайдо бўлиши башорат қилинади. Шу билан бир қаторда дунёдаги ҳар ўн кишидан бири кунига икки АҚШ долларидан кам бўлган маблағ эвазига ҳаёт кечирмоқда.

Бой билан камбағаллар ўртасидаги фарқ аввал ҳисоб қилинганига нисбатан ҳам жуда катта. "Бутун дунё бўйича одамлар яшашдан ортда қолиб кетмоқда. Уларнинг иш ҳақи камайиб бормоқда. Корчалонлар эса миллионлаб долларларни бонус сифатида ўзлаштиришмоқда; камбағаллар тиббиёт ва таълимдан баҳраманд бўлишга имкониятлари чекланган, йирик корпорациялар ва энг бой кишилар солиқ тўлашдан бўйин товлашади; чорасиз қолган кишиларнинг дардига ҳеч ким қулоқ солмайди. Хукумат эса бизнес ва бой элитанинг эҳтиёжларига мослаб ўз фаолиятини қуради" – дейди RNSнинг ижрочи директори Oxfam Винни Бянима (Winnie Byanyima).

Коррупция инсон омилини фаоллаштириш ва бошқарувни эркинлаштиришга йўл қўймайди. Бу, тараққиёт йўлига жиддий тўсиқ бўлиб, жамият ривожи, соҳалар юксалишига бевосита таҳдид солаётган мудҳиш иллатдир. Шунинг учун ҳар қандай эзгу ишни бошлашдан аввал, унга таъсир этувчи ёки таъсир этиши мумкин бўлган коррупция элементларини йўқ қилиш керак. Чунки коррупциядан ҳоли бўлиш – ривожланиш учун кенг йўл очиш демакдир. Коррупция бор жойда ҳар қандай илғор усуллар, технологиялар ривожланиш учун зарурий самарани бера олмайди. Шунинг учун, коррупция билан курашмоқ олдинда турган энг долзарб ва муҳим масаладир.

В настоящее время меня интересуют исследования касательно цикадовых на тему: «Применение информационно-коммуникационных технологий в сельском хозяйстве», которую разрабатываем совместно с доктором сельскохозяйственных наук, профессором Научно-исследовательского института карантина и защиты растений Хашим Касимовичем Яхяевым.

Х.К. Яхяев начал свою научную деятельность в НИИ «Кибернетика» АН Узбекистана. Разработанная под руководством Х.К.Яхяева “Система защиты растений” предназначенная для реализации с помощью компьютеров, направлена на автоматизацию определения сроков появления вредителей, мониторинга и контроля мер защиты на расстоянии.

Возможности данной системы: автоматизированное прогнозирование развития и распространения вредных организмов сельскохозяйственных культур; определение потребности в биологических и химических средствах защиты растений; осуществление мониторинга развития и распространения вредных организмов сельскохозяйственных культур; мобильные приложения для предоставления информации и консультаций сотрудникам дехканских, фермерских хозяйств и класстерам по вредным объектам.

Данная система Х.К.Яхяевым внедрена в практическую деятельность областных центров защиты растений.

Х.К. Яхяев один из талантливейших и известных в Узбекистане и в зарубежье ученый. Обширная научная деятельность ученого отражена в более чем 200 научных статьях, опубликованных в отечественных и зарубежных журналах. К.Х. Яхяев получил 9 патентов на программное обеспечение, имеет 11 производственных рекомендаций, 14 монографий и брошюр, которые оценены защитниками растений нашей страны и мира. Под его руководством защищено 9 кандидатских и 2 докторские диссертации.

Школа, созданная ученым, расширяется с каждым днем и значение этой школы в воспитании молодого, научного поколения в Республике очень велико.

Сам Х.К. Яхяев защитил диссертацию на соискании ученой степени кандидата технических наук на тему: «Системный анализ, разработка методов и алгоритмов прогнозирования и управления динамикой популяций сельскохозяйственных вредителей», а затем и докторскую диссертацию на тему: «Разработка научных основ автоматизации прогнозирования и управления вредными объектами сельскохозяйственных культур». В 1989 году ему было присвоена ученое звание старшего научного сотрудника, а в 2018 году профессора.

Результаты проведенных исследований профессором Х.К. Яхяевым по разработке математических моделей, алгоритмов и компьютерных программ для прогнозирования развития и распространения вредных организмов сельскохозяйственных культур, повышения уровня автоматизации при модернизации сельского хозяйства, применения информационно-коммуникационных технологий в агропромышленном комплексе получили свои важные назначения.

Научные результаты, полученные им, внесли неоценимый вклад в развитие сельского хозяйства, признаны научным сообществом и широко применяются в практике. И в этот прекрасный день с чувством глубокого уважения, я от всей души поздравляю всех педагогов, ученых и работников сельского хозяйства с замечательным праздником – Днем сельского хозяйства. Пусть Ваша жизнь бьет полным ключом Вашего творческого потенциала и продолжает способствовать развитию науки и практики, и пусть Вас окружает уважение, забота и любовь близких.

# ТАРИХИЙ ШАХС ҲАҚИДА ФИЛЬМ



**Алишер Тоиров,**
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси



**Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов Шароф Рашидов қабулида
("Абдулла Орипов" бадиий фильмидан)**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган китоб тақдимотида таниқли шоир Шодмонқул Салом билан ёнма-ён жой олдик. Фурсатдан фойдаланиб "Сиз севимли шоиримиз Абдулла Ориповга жуда ўхшайсиз, қариндошмисиз? Жияни деб ҳам айтишган" деб саволга тутдим. "Йўқ, яқин қариндошлик алоқаларимиз йўқ. Мен Сурхондарёдан, Устоз Қашқадарёдан. Бир воҳаданмиз. Ўхшаш бўлишимиз табиий", деб жавоб берди Шодмонқул ака. Ушбу суҳбатимиз орқали халқ орасида шоир

сифатида танилган ва ўз муҳлисларига эга бўлган шоир Шодмонқул Салом Абдулла Ориповдек шоирга қариндош эмас, ундан-да яқин инсони шогирди эканлигини билиб олдим.

Ишонмаганларга сўз исботи билан деганларидек, таниқли режиссёр Музаффархон Эркинов томонидан суратга олинган ва Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 32-йиллиги муносабати билан барча телеканалларда намойиш этилган “Абдулла Орипов”видеофильмини томоша қилишса ўхшатишим хато эмаслигига амин бўлишади.

Тарихий, тарбиявий ва кўришга арзирли ушбу фильмда Абдулла Орипов қаторида кўплаб эл суйган адиблар, хусусан, Чўлпон, Абдулла Қаххор, Озод Шарафидинов, Шукур Ҳолмирзаев, Эркин Воҳидов, Бегали Қосимовлар номи ҳам ёдга олинган. Бадиий фильм Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуслари билан суратга олинган.



**Абдулла Орипов минбарда**

Абдулла Ориповнинг ёрқин хотирасига бағишлаб ўзбегимга туҳфа этилган бадиий фильм тарихий, тарбиявий, ишончли ва ибратлилиги билан эътиборга лойиқ. Ушбу фильмни барча соҳа вакиллари ва албатта, ёш шоирлар ҳам томоша қилиши лозим. Айниқса, фильмдаги “кўрмаган нарсанг ҳақида ёзма” деб берилган насиҳат бугунги бўлажак шоирларга ҳам тааллуқлидир.

Кўпинча халқ орасида шоирлар, ёзувчилар ўзаро рақобатлашади, ёвлашади деган мазмунда ҳам гап – сўзлар бўлиб туради. Ҳаттоки, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов орасида ҳам ўзаро рақобат, бир-бирини тан олмаслик бўлган мазмундаги миш-мишлар қулоққа чалинган. Фильмда бу икки ўзбегим фахрлари рақобатчи эмас, балки, бир-бирига ҳурмат назари билан боқадиган ижодкорлар эканлиги кўрсатиб ўтилган. Сизга яна бир исбот, Ўзбекистон мадҳиясидаги “Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот” сатрларини битаётганда Эркин Воҳидовни назарда тутган деб биламан. Ушбу фильмни эътиборли томони ҳам шундаки, ўзбек ижодкорлари бир-бирини қўллаб-қувватловчи, илҳомлантирувчи сифатида марди майдонга чиқишган.

Шунингдек, фильмда ичи қора, ҳасадчи образлар орқали оддий шоирнинг буюк шоирликкача бўлган машаққатли йўли тиниқ кўрсатиб берилган. Шоир тўртлигида ёзади:

**Ўзи оддийгина**
**Кам йўқ ишида.**
**Тонналаб кўмир бор**
**Лекин ичида.**

Шоиримиз ёзганларидек, ичида кўмири борлар ҳам видеофильмда учрайди. Аслида ҳам бу ҳаёт курашлардан иборат. Бирор мақсадга тўсиқларни енгиб ўтмасдан эришиб бўлмайди. Абдулла Ориповдек шахс ҳам қийинчиликларни енгиб халқ меҳрини қозонганлиги фильмда ёрқин ранглар билан тасвирлаб берилган.Бири шоир устидан думалоқ хат битса, бошқаси “Наврўз” умумхалқ байрамини нишонланишига қарши чиқиб, “Навбаҳор” номли байрамни халқ орасида тарғиб қилишни буюради. Керак бўлса тиш-тирноқлари билан “Наврўз” байрамини халқ орасида нишонланишига қаршилик қилишади. Шу ўринда фильмдаги мени таъсирлантирган лавҳага эътибор қаратсам, туман раҳбари (ўша вақтлар райком котиби) Наврўз байрами нишонланаётган ҳудудга келиб Абдулла Ориповга “саҳнада сўзингиз, бу ерда ўзингиз” деб, ўзини шеъриятдан хабардордек кўрсатади-да, “Наврўз байрамини ҳимоя қилманг, ўғлингизни қўлини ҳалолламанг” деб, огоҳлантиради. Қўшимчасига, тайёрланаётган сумалакларни устига тупроқ тўкишни ҳам буюради. Хизматчилар сумалакларни устини тупроқ билан тўлдиришади. Абдулла Орипов ҳам қаршилик қила олмайди. Чунки, у вақтда мустақил эмас эдик. Эркимиз қўлимизда эмас эди. Ушбу лавҳани томоша қилиб кўзларимга ёш келди.

Фильмда Ўзбекистоннинг асл фарзанди Шароф Рашидов билан боғлиқ лавҳанинг борлиги ҳам эътиборга лойиқ. Бу орқали Шароф Рашидовнинг барча ижодкорларга, улар қаторида Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовга ғамхўрлик қилганлигини яна бир бора ёдга олишган. Ўйлашимча, шоирларнинг давлат раҳбари билан учрашуви ва ўзаро суҳбатлари ҳам экран юзини кўрганида бадиий фильм жозибасига жозиба қўшган бўларди.

Фильмдаги ролларга актёрлар катта маҳорат билан танлаб олинган. Айниқса, машҳур адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновни экранда жонлантирган Алишер Шарафиддинов (Озод Шарафид-диновнинг фарзанди) ўзига топширилган вазифани ортиғи билан бажара олган. Сўзлашлари, кўз қарашлари, табассумлари ҳам Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновни ёдга солмоқда. Қисқаси, Абдулла Ориповдек даҳони ёшлигини ва кексалигини ижро этган актёрлар, шоирнинг рафиқаси Ханифа Мустафоевани гавдалантирган севимли актрисамиз Гулчеҳра Жамилова, устоз роли ижрочиси Мухаммадали Абдуқундузов, райком котиби роли ижрочиси



**Бадиий фильмдаги кўзга ёш келтирган қисмидан олинган фотосурат**

Фарҳод Абдуллаев, шоирнинг отаси роли ижрочиси Карим Мирҳодиев, Раҳбар аёл образини ижро этган Лола Элтоева ва барча актёрлар жамоасига томошабин сифатида ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ушбу фильмни оилавий томоша қилиб, Абдулла Орипов билан боғлиқ кўп хотиралар ёдга келди. Отам шоирни муҳлислар билан учрашувлари ёритилган лавҳаларни томоша қилиб 1977-йил Тошкент халқ хўжалиги институтида, 1980-йил “Навоий” кутубхонасида бўлиб ўтган учрашувларни ёдга олдилар. Бутун оила бўлиб “Тарихий шахс ҳақида тарихий фильм” бўлганлигини тан олдик. Менимча, ушбу бадиий фильмни томоша қилган ватандошларимиз ушбу фикримизга қўшилишади.

Ортимиздан келаётган авлодга боболаримизни ибрат қилиб кўрсатишимиз учун ҳам бу каби фильмлар жуда зарур. Фильм режиссёри Музаффар Эркинов келажакда ушбу фаолиятни давом эттирган ҳолда Эркин Воҳидов,Озод Шарафиддинов, Ҳалима Худойбердиева, Ўткир Хошимов, Тоҳир Малик каби адиблар ҳақида ҳам бадиий фильмлар тақдим этишини кутиб қоламиз.

Ишонаман, “Абдулла Орипов” бадиий фильми келажак авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда хизмат қилади ва буюк шоиримизга ўзбек халқининг ҳурмати рамзи сифатида ўзбек оилалари севиб томоша қиладиган бадиий фильмлари“олтин фонди”дан ўрин олади.

Буюк шоиримизга бағишланган “Абдулла Орипов” бадиий фильми барчамизга муборак бўлсин!

***Қашқадарё – буюк дарё,***
***Қашқа эмасдир асл дарё.***
***Ватанга бериб чин фарзанд,***
***Кундан кунга яшнар дарё.***

**Муаллиф**

# КАМТАРИН ИНСОН, МЕҲРИБОН УСТОЗ

**— Ассалому алайкум Марат ака. 85 ёшни қаршиладингиз. 85 йил айтишга осон. Аслида, 85 йиллик умр йўлини босиб ўтиш мураккаб. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Бизларга ҳам шу ёшларга етиб юриш насиб этсин. Таваллуд кунингиз муборак бўлсин. Суҳбатимиз аввалида, бироз ортга қайтиб, ўзингиз ҳақингизда, ота-онангиз, меҳнат фаолиятингиз, илмий ишларингиз тўғрисида, оилангиз аъзолари ҳақида сўзлаб берсангиз.**



— Мен 1938 йил 20 декабрда Тошкент шаҳрида, зиёлилар оиласида туғилганман. Отам Лутфулла Турсунходжаев савдо ходими, онам Мухаррам Турсунходжаева уй бекаси эдилар. Оилада 5 та фарзанд бўлганмиз.

1962 йил Тошкент халқ хўжалиги институтининг иқтисод йўналиши бўйича битирдим. Меҳнат фаолиятимга тўхталсам, 1962-1964 йиллар Давлат банкида кредит назоратчи, 1964-1969 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Иқтисодиёт” институти аспиранти, сектор бошлиғи, 1969-1977 йиллар Ўзбекистон Давлат режалаштириш қўмитаси қошидаги Иқтисодиёт илмий-тадқиқот институтида бўлим бошлиғи, 1977-1987 йиллар Тошкент Давлат университетида “Сиёсий иқтисод” кафедраси мудири, 1987-1990 йиллар Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қошидаги раҳбар ходимлар малакасини ошириш институти директори, 1990-1996 йиллар Вазирлар Маҳкамаси қошидаги “Сиёсатшунослик ва бошқарув” институти ректори муовини, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги малака ошириш институти директор муовини ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги қошидаги институт директор муовини, Давлат Мулк қўмитаси қошидаги илмий-тадқиқот маркази директори, 1996-1999 йиллар Тошкент Давлат техника университети “Иқтисод-муҳандислик” факультети декани, 1999-2001 йилларда Тошкент Давлат техника университети Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, 2001 йилдан 2020 йилга қадар Тошкент Давлат техника университетида профессор лавозимларида ишладим.

1967 йилнинг июнь ойида муддатдан олдин номзодлик диссертациясини ҳимоя килдим. Диссертация натижалари республикада саноат соҳасидаги ишчилар меҳнатини моддий рағбатлаштиришни такомиллаштириш, янги илмий йуналишни шаклланишига асос солди.

Мен 1977 йили Г.Плеханов номидаги Москва халқ хўжалиги институтининг илмий кенгашида иқтисод фанлари доктори диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдим ва республикадаги энг ёш иқтисод фанлари доктори бўлдим. Докторлик диссертацияси натижалари “Тошкент текстиль комбинати” ва бошқа енгил саноат ва пахта тозалаш корхоналарида амалиётда қўлланилди. Халқаро меҳнат ва бандлик академияси академиги этиб сайланганман.

Ўз илмий-педагогик фаолиятим давомида 1980 йилдан 2006 йилга қадар Тошкент давлат техника университетининг “08.00.01-Иқтисодий назария”, “08.00.05-Менеджмент” ва “08.0004 Микро-иқтисодиёт” мутахассисликлари буйича

ихтисослашган кенгаш раиси сифатида 40 дан ортиқ фан номзоди ва 10 дан ортиқ фан докторига илмий раҳбар ва маслаҳатчи сифатида мамлакатимизни илмий кадрларини шакллантиришда ҳиссамни қўшдим.

Оиламизда ҳамиша илмга интилиш жуда кучли бўлган. Шу сабабли бўлса керак барча оила аъзоларим олий маълумотли. Опам Мунира Сагдуллаевна Турсунходжаева т.ф.д., профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган терапевт. Уларни номларига Тиббий колледж номланган. Акам Тўхта Лутфуллаевич Турсунходжаев невропотолог, полковник. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Берлингача етганлар. Кичик укам Туйғун Лутфуллаевич Турсунходжаев иқтисод фанлари номзоди, доцент, Халқ хўжалиги институтида кўп йиллар ўз фаолиятини олиб борган. Синглим Лутфуллаева Мухаббат Лутфуллаевна тиш доктори касбини танлаган. Темир йўл шифохонасида узоқ йил фаолият олиб борди. Кичик синглим Лутфуллаева Муяссар тикув фабрикасида бош инженер лавозимида ишлаган. Энг катта акам Турсунходжаев Зикрилла Сагдуллаевич академик, кўп йиллар СоюзНИХИ директори лавозимида ишлаганлар. Аёлим Тўраева Арофат Ганиевна и.ф.н., Тўқимачилик саноати институтида ишлаган.

Фарзандларим ҳақида сўзлайдиган бўлсам, Турсунходжаев Мақсуд Маратович ҳозирги кунда Москва шаҳрида тадбиркор, қизим Турсунходжаева Дилдора Маратовна ТашМУ ни журналистика факультетини битириб, ҳозирги кунда “Капиталбанк”да меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Уч нафар невараниң буважонисиман. Бош неварам Турсунходжаев Аъзамхон Мақсудович Москва шаҳрида “Высшая школа экономики” (Иқтисодиёт Олий мактаби) ини имтиёзли диплом билан битирди. Ҳозирги кунда IT бўйича мутахассис. Худога шукур, оиламиз аъзоларининг барчаси меҳнатсевар, билим олишга интилувчан.

**— Ўз соҳангизни етук мутахассиси бўлишишингизга сабабчи бўлган устозларингизни эслаб ўтсангиз...**

— Илмга етаклаган биринчи устозим и.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги Искандеров Ибрагим Искандеровични номларини фахр билан тилга оламан. Шунингдек, Москвалик устозим и.ф.д., профессор, "СССРда хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони соҳиби Надежда Семеновна Масловани ўз соҳамнинг етук мутахассиси бўлишимда сабабчи деб биламан. “Устоз отангдек улуғ” деганларидек, бу устозларимга бўлган ҳурматим кучли.

**— Сизнинг ҳам кўплаб шогирдларингиз бор. Улар Сизни Устоз деб кўкларга кўтаришади, ҳурмат қилишади. Қайси бирларини номларини фахр билан айта оласиз ва қайси амалга ошираётган ишларини эътироф этасиз.**

— Ўз меҳнат фаолиятим давомида 40 дан ортиқ фан номзоди ва 10 нафар фан докторларига илмий раҳбарлик килдим. Ҳозирда улар Республикамизнинг турли соҳаларида ўз фаолиятларини олиб боришмоқда. Улар орасида давлат бошқарувида меҳнат қилаётган давлат арбоблари бор. Хусусан, иқтисод фанлари номзоди Содиқ Салихович Сафоев. Шу билан бирга, ҳам илмий ҳам педагогик фаолиятини олиб бораётган бир нечта шогирдларимни ҳам номини айтиб ўтмоқчиман. Биринчи шогирдим и.ф.д., Ўзбекистон Республикаси Миллий университети профессори Абулкосимов Хасан Пирназарович, ҳозирги кунда Республикада таниқли олим, кўплаб дарслик ва монографиялар муаллифи, и.ф.д., профессор Кодиров Абдурашид Маджидович Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, ҳозирги кунда Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Илмий текшириш марказида бўлим бошлиғи лавозимида ишлайди, и.ф.д., профессор Арифханов Шавкат Рифатович, и.ф.д., профессор Хашимова Наима Абитовна Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, бу шогирдим бир қанча амалий ва фундаментал лойиҳаларга раҳбарлик қилган олима аёл. И.ф.д., профессор Бурханов Актам Усманович Тошкент давлат иқтисодиёт университети декани, ҳозирги кунда илмий кадрларни тайёрлашда ўзининг фаол меҳнатини олиб бормокда. Шогирдларимни барчасини номма-ном айтай десам, вақт камлик қилади.

**— Олимсиз, олим одам учун китоб ўқиш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда қандай мазмундаги китобларни мутолаа қилмоқдасиз ва қайси китобларни ўқишни тавсия этасиз. Китоб ўқиш одамзод учун қанчалар муҳим, китобсиз ҳаётингизни тасаввур қила оласизми?**

— Ҳар бир инсон дастлабки тарбияни, яъни маънавий озуқани оилада ота-онадан олади. Кейин эса мактабга боради. Жамоада ўзини қандай тутишни ўрганади. Маънавий озуқа олишнинг, чин инсон бўлиб етишишнинг бирдан бир йўли бу китоб мутолааси ҳисобланади. Инсон камолоти ва билимининг манбаи китоб билан боғлиқ. У инсонни комиллик сари етаклайди.

Мен учун ҳаётим давомида китоб маслаҳатчи, садоқатли ҳамрох, энг яқин дўст ва бебаҳо бойлик негизи бўлган. Жуда кўп китоб ўқийман. Баъзи китобларни вақтлар

ўтиб қайтадан мутолаа қиламан, ундан янги бир илҳом оламан. Кўпрок ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти ҳамда жаҳон адабиётининг буюк бадиий намуналарини ўқишга қизиқаман. Албатта, иқтисодчи бўлганим боис ҳозирда нашр қилинаётган иқтисодий адабиётларни ҳам қизиқиб ўқийман, бунда илмдаги янги тенденцияларни кузатиб бораман.



**Суратда: Профессор Марат Турсунходжаев ва шогирди, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меҳнат фахрийси Фозилхон Тоиров.**

Яқинда Ахмад Яссавийнинг "Девони ҳикмат" китобини қайтадан ўқиб тугатдим. Ҳозирда А.С.Пушкиннинг тўққиз қисмдан иборат бўлган "Қуръонга тақлид" асарини ўқишни бошладим. Бу асарнинг қимматлилиги шундаки, унда Қуръон оятлари мазмунидан келиб чиқиб ёзилган байтларни кўп учратиш мумкин. Буюк рус шоирини Исломнинг илгари сурган ғоялари, Қуръоннинг гўзал калималари, мусулмонларнинг ўзаро ҳурмати, меҳрибонлиги уни ҳам илҳомлантириб, қалбида эзгуликларни жо бўлишида восита бўлган экан.

**— Шахсий кутубхонангиз борми? Китобларингиз сони қанча? Қандай мазмундаги китоблар жавонингиздан ўрин олган?**

— Ха, албатта кутубхонам бор. Кутубхонамда кўпроқ ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти ҳамда жаҳон адабиётининг буюк бадиий намуналари ва иқтисодга боғлик бўлган китоблар ўрин эгаллаган. Сонини аниқ этолмасам керак, чунки китоб жавонимда камида 50-60 китоб бўлса, кутубхонамда бўлган бошқа китобларимни фарзандларим, набираларим, шогирдларимга ҳам улашганман.

**— Улуғ ёшни қаршиладингиз ўзингизни қандай ҳис қилмоқдасиз?**

— Ҳамиша ёшлар, талабалар, шогирдлар билан ишлаганим сабабли бўлса керак 85 га тўлган бўлсам ҳам ҳали ғайратим етарли, амалга ошириладиган ишларим ҳам бисёр.

**— Нималарни топдингиз ва нималарни йўқотдим деб ўйлайсиз. Армонингиз борми?**

— Илм йўлини танлаб мен жуда кўплаб яхши ва зиёли инсонлар билан танишдим, таниқли олимлар билан ишлаш насиб этди. Устозларимдан ва илмий изланиш натижаларидан олган илм ва билимларимни ёшларга етказишдек шарафли фаолият билан шуғулланишни Оллоҳим насиб этганига миннатдорман. Ўз ҳаётимдан жуда мамнунман, армоним йўк.

**— Ёшларга насиҳатларингиз бўлса айтсангиз. Сиздек олим одам бўлиш учун нималарга эътибор қаратишсин?**

— Аввалам бор илм йўлини танлаган инсон сабрли, изланувчан ва интилувчан бўлиши даркор. Ҳақиқий олим бўлиш учун кўп меҳнат қилиши ва изланиши зарур. Лекин илм йўлини танлаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Шу билан бирга ҳақиқий олим камтарин бўлади, билмаган нарсаларни сўраб ўрганишдан уялмайди, билмаганлардан ўз билим, тажрибасини аямайди.

**— Журналхонларга янги йил тилакларингиз...**

— Янги йилда барча ёшларимизга, Ўзбекистон ахлига соғлик - саломатлик, файзу барака ва албатта янги йилда янги зафарлар ва ютуқларга эришишлигини тилаб қоламан. Ватанимиз тинч, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев омон бўлсинлар.

— Сизга ҳам яқинлашиб келаётган янги 2024 йил қувончларга бой бўлсин. Ибратли умр йўлингиз тўғрисида сўзлаб берганингиз учун Сиздан миннатдормиз. Оилангиз аъзолари, дўст ва шогирдларингиз бахтига ҳамиша саломат бўлинг, Устоз!

**Суҳбатлашдилар: Наима Хашимова,**
иқтисод фанлари доктори,
Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети профессори,

**Алишер Тоиров,**
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

# КУТУБХОНАЧИЛИК – ФАХРИ, КИТОБ – ДЎСТИ, КУТУБХОНА – ИККИНЧИ УЙИ

**("Замонамиз қаҳрамонларидан бири Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона директори Умида Тешабоевага бағишланади")**



Севимли шоиримиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Бобур Бобомурод шеърият ихлосмандлари билан учрашувларда болаликда кутубхоначи бўлишни орзу қилганлигини такрор-такрор айтадилар. Чиндан ҳам, кутубхоначиликни орзу қилишга ундайдиган, ҳавас қилсак арзийдиган ватандошларимиз бор. Бир вақтлар барча болалар космонавт бўлишни ўзидан ўзи ҳохлаб қолмаган, балки биринчи фозогир Юрий Гагаринга бўлган ҳавас сабаб бўлган. Мен ҳам кутубхоначилик соҳасида фаолият олиб бораётган фидойи юртдошларимга ҳавасим келади. Улар қаторида бўлган, кутубхоначилик касби ортидан эл-юрт ҳурматини қозонаётган Умида Алимжановна Тешабоева номини алоҳида тилга оламан.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов бир тўртлигида ёзганлар:

Кимдир бир юмушдан юзини бурди,
Кимдир ваъда берди, кимдир ўй сурди.
Аёлга эҳтиром навбати етгач,
Ҳамма бирданига оёққа турди.

Ушбу тўртлик Умида Тешабоева каби камтар, катта-ю кичикка меҳрибон аёл раҳбарларга аталганлиги кундай равшан. Умида опага бўлган ҳурматим қабулларига борганимда вақтлари тиғиз бўлсада қабул қилганларида янада ортди. Обрўси ҳеч бир катта идораларнинг раҳбаридан кам бўлмаган, истаганича керилиш, манманликка берилиш мумкин бўлган раҳбарлик лавозимида бўлсаларда, мулойимлик, ўзгалардан меҳрни қизғанмасликни, катта-ю кичикка бирдек муомала қилишни анъанага айлантирганликлари олқишга лойиқ. “Ҳеч бир зот бу даргоҳдан норизо кетмагай” сўзларини шиорга айлантирганлар десам, тўғри бўлади. Эй биродар, нима демоқдасиз, Кутубхонани вазирликлар билан тенглаштирмоқдамисиз дейдиганларга бир мисол. Агарда Сиздан "Соғлиқни сақлаш вазирлиги"га борганмисиз деб сўрашса-ю жавобига "йўқ" деган жавобни олишса ҳеч ким ҳайрон бўлмайди. "Соғлиғингизга эътиборли экансиз" мақтовини эшитасиз. Аксинча, Кутубхонани нималигини, қаердалигини билмасангиз, бирор марта кутубхонага бормаганман десангиз танбеҳлар остида қолиб кетишингиз аниқ. Мавзуга қайтсам, Умида опанинг барчага ибрат бўладиган одатлари бор: Ижодкор китобидан

совға қилса, албатта, кутубхона учун ҳам яна бир дона қўшиб бериши, тилаклар ёзишни ва дастхат қўйишни ҳам унутмаслиги керак. Биргина ўзларини эмас, кутубхона хизматидан фойдаланувчиларни ҳам ўйлайдилар. Бу албатта, ибрат олишга арзийди. Яна бир қувонарли ҳолат, ҳар куни газеталарнинг янги сонларини кўздан кечиришни ҳам унутмас эканлар. Ёрдамчи Фотимахон кутубхонага янги келган газеталарни столларига қўйишга масъул.

Умида опа тиним билмай келажак авлодга ёпиқ эшикларни очишига кўмакчи бўлмоқдалар. Ва бу кўмакни китоблар орқали амалга оширмоқдалар. Ўйлаб кўринг, Китоблар барча ёпиқ эшикларни очгувчи калит эмасми!? Албатта, шундай. Умида опани хизмат хоналарида учратиш мушкул. Бир кун Хоразмда бўлсалар, бир кун Бухорода ё бўлмаса олийгоҳларда китоб тарғиботи билан машғуллар. Ҳар бир кунлари китобларга ва китобхонларга бағишланган.

Кутубхонага борганимда бўш курси топа олиш қийин. Бу албатта мақтовга лойиқ ҳолат. Демак, билим олишни истаганлар, китобга муҳаббат қўйганлар кўпчилик. Ўзбекистон китобхонлар юрти эканлигига шубҳа қилганлар Миллий кутубхонамизнинг эшигини қоқишсин. Минглаб ўғил-қиз қўли кўксида кутубхоначилар бошчилигида кутиб олишади.

Умида Тешабоевага ўзимнинг илк “Газета – ўқиш учун чоп этилади” номли китобимни туҳфа қилганимда ҳам “Мен учун энг катта совға бу китоб” деб жавоб берганларидан ҳам китобларга бўлган меҳрлари қанчалар кучли эканлигини тушуниб олиш қийин эмас. Шунингдек, кутубхонага ташриф буюрадиган китобхонларга ҳам меҳр улашишлари, танишми ёки бегона, ёшми ёки кекса ажратмасликлари ҳар бир раҳбарга қўлланмадир. Ўз касбига бўлган муҳаббат ҳам юз-кўзларидан сезилиб туради. Умида опа кутубхоначилик учун туғилганликлари ҳатти-ҳаракатларидан кўриниб туради. Тангри одамзод манглайига тақдирини, келажакда ким бўлишини битиб қўяди, дердилар раҳматли катта бувимиз Жўрахон ая Аҳророва.

“Инфолиб Ўзбекистон – 2023” XII Миллий ахборот – кутубхона ҳафталиги доирасида Умида Тешабоева ва таниқли ёзувчи Жавлон Жовлиев ташаббуси билан бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ ҳофизи Шерали Жўраевни хотирлаб ва “Бир қўшиқ куйлайки...” номли китоб тақдимотида Умида Алимжановна сўзга чиқиб “Миллий кутубхона Шерали аканинг уйи” деб айтган сўзлари менга маъқул бўлди. Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Миллий кутубхонамиз барчамизнинг уйимиз. Мен ҳам ҳамиша кутубхона бағрига талпинаман. Тадбирда эътиборимни тортган, “Умидахон, тадбир якунига етди, уйингизга қайтсангиз керак” деб берилган саволга, “Йўқ, уйимга қайтмайман, хизмат хонамга кириб кўздан кечиришим керак бўлган ҳужжатлар, ишларим бор” деб, берган жавоблари бўлди. Аслида эса, кун ўрнини тунга бўшатган, атрофни қоронғулик қоплаган эди. Бу мен учун фидойиликка бир намуна бўлди.




Юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳар бир нутқларида ижодкорларга мурожаат қилиб “Замонамиз қаҳрамонлари” ҳақида қалам тебратиш, уларни халққа танитишни вазифа сифатида қўядилар. Бу қаҳрамонларни ҳар бир соҳадан излаб топиш мумкин. Кутубхоначилар орасида ҳам улар бисёр.Улар орасида, шубҳасиз Умида Тешабоевани кўраман. Бутун жуссасига маънавиятни, маърифатни, маданиятни одамлар орасида тарғиб қилиш, ёшларни китобхон бўлишга чорлашдек масъулиятли вазифани олган аёлни қаҳрамон демаслик хато бўлади. Ишончим комил, Умида Тешабоева каби китобни дўст, кутубхонани иккинчи уй, кутубхоначиликни фахр деб билган замонамиз қаҳрамонларига ҳавас қилган болажонлар, ёшлар келажакда кутубхоначи ёки бошқа касб-ҳунар эгаси бўлиб ота-оналарига раҳмат келтиришади.


**Алишер Тоиров,**
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

# ДОВЮРАК ВА ТАДБИРКОР САРКОР ТАҚДИРИ




***Яқинда қалин дўстим Носиржон Тоиров садоқатли инсон Анваржон Аҳмаджоновнинг “Аҳмаджон Одилов ким бўлган?” (Анвар Ахмаджонов. Кем был Ахмаджон Одилов? Ташкент. “Ижод нашр”. 2023) номли янги китобини менга келтириб, “Муаллиф сизга самимий саломи ва ана шу китобини бериб юборди, Собир ака,” деганида қувониб кетдим. Қувончимнинг сабаби шунда эдики, иш столим устида “Аҳмаджон Одилов: “Мардлик қонуни” сарлавҳали асар анчадан бери, акс-садо беришимни кутиб ётганди. Ана энди янги китоб ижод этиш учун яхши туртки бўлди. Ва мен уни ўқиб чиқиб, қўлимга қалам олдим.***

Бу китоб ҳам олдингисидай жанр жиҳатидан хотира асарлар тоифасига кирса-да, мазмун жиҳатидан ҳужжатли қиссадир. Зеро унда ҳикоя қилинган воқеа ва ҳодисалар аниқ фактлар, ишончли манбаларга асосланган. Уни ўқиб чиқсангиз, Аҳмаджон Одиловни кимлигини билмасангиз ёки у ҳақдаги фикрларингиз саёз бўлса, яхши билиб оласиз. Чунки унда асар бош қаҳрамонининг болалигидан тортиб вафотигача, туғилиб ўсган қишлоғидан қарийб чорак умри ўтган қамоқхоналарнинг бадбўй муҳити тўғрисида ҳам маълумотга эга бўласиз.

Янги китобнинг олдигисидан фарқи шундаки, биринчидан, унга “Чўпоннинг йўқолиши тўғрисидаги иш” сарлавҳали боб қўшилган ва “Ўзбеклар иши” номли боб қайта ишланган, шунингдек айрим манбалар ва ҳужжатларнинг фотонусхалари келтирилган. Демак, у олдингига қараганда мукаммалроқ.

Хўш, Аҳмаджон Одилов қандай киши эди? У бошқалардан фарқ қилармиди? Унинг бошқалардан фарқи нимада эди? Китоб бу ва шунга ўхшаш бошқа саволларга жавоб беради. Уларнинг айримларига тўхталсак.

Аҳмаджон Одилов аввaламбор, ер фарзанди эди. У ерни яхши кўрар, уни барча орзу умидларини рўёбга чиқаришнинг бош манбаи деб биларди. Унинг чўлларга сув келтиргани, 30 минг гектар қақнаб ётган ерни ўзлаштиришга эришгани, янги ўзлаштирилган ерларда пахтазору ғаллазорлар, боғу роғлар пайдо бўлишини кўриб, қувонарди. Ердан самарали фойдаланиш, мўл-кўл ҳосил, яъни яхши даромад олиш учун уни эгасига, халққа бериш керак... Халқ ерда туғилган. Она ер халқники, ҳисоблаб, ўтган аср олтмишинчи йилларининг ўрталаридан бошлаб ерда ишловчиларнинг манфаатдорлигини ошириш чораларини кўрди. Албатта ердан ҳосил олиш учун сув керак, аммо у етишмайди, айниқса жазирама иссиқда

экинлар сувсиз қоларди. Аҳмаджон Одилов кўп машаққатлар билан Москванинг рухсатини олиб, анча пастда оқадиган Сирдарёнинг сувлари билан Пунгон чўлидаги бўз ерларни суғориш учун кучли насослар ўрнатди, сувни далаларга етказишга ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида темирбетон лотоклар ўрнаттирди. Қурилишлардан чиққан яроқли тупроқлардан тошлоқ ерларга тўкдириб, ернинг унумдорлигини оширишга ҳаракат қилди.

Аҳмаджон Одиловнинг онгли ҳаёти деҳқончилик илми ва илғор тажрибани ўқиб ўрганиб, ўз юртида амалга оширишга бағишлаган инсон эди. Меҳнат фаолиятини тракторчига дастёрлик ва колхоз бош бухгалтери ёрдамчилигидан бошлаган қишлоқ йигити кичик бир жамоа хўжалиги раиси, ён атрофдаги колхозларни бирлаштирган йирик хўжалик раҳбари ва ниҳоят бутун мамлакатда ягона агросаноат бирлашмасининг бош директоригача бўлган йўлни босиб ўтди. Бу чўққига чиқиш осон кечмади. Кўпгина тўсиқлардан ўтишга, ноқулай, мураккаб муаммоларни ҳал этишга, ҳузур-ҳаловатдан кечиб яшашга тўғри келди. Кичик, камқувват хўжаликларни бирлаштиришнинг ўзи янгилик эмас, унда қишлоқ хўжалигига саноатни қўшиш мисли кўрилмаган янгилик эди. Бирлашмада етиштирилган пахта, ғалла, мева, сабзавот, гўшт, сут, тухум, жун, пилла ва бошқа маҳсулотларни хўжалик таркибида тузилган корхоналарда қайта ишлаш, ишлаб чиқариш объектларига хизмат кўрсатувичи қурилиш ташкилотлари, бетон ва асфальт заводлари, устахона ва цехларни ташкиллаштириш социалистик иқтисодиётни бошқариш принципларига зид бўлса-да, яхши натижалар берганини инкор этиб бўлмасди.

Бирлашмада ишлаб чиқариш мутассил ривожланиб, иқтисодиёт юксалиши билан аҳолининг фаровонлиги ошди, янги уй жойлар, жамоат ва маъмурий бинолар, чароғон кўчалар, спорт майдончалари, дала шийпонлари, равон асфальт йўллар бунёд этилди. Ғурумсаройга Тошкент ва Москвадан келадиган меҳмонлар кети узилмай қолди.

Бу ютуқларнинг бош омили Аҳмаджон Одиловнинг тадбиркорлиги, ташаббускорлиги, халқи ҳақида ғамхўрлиги эди. Фикримизни тасдиқловчи бир икки мисол. Аҳмаджон Одилов колхозга раислик қилган вақтларда хўжалигига ташриф буюрган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазири М.Мухамаджоновдан қудратли С- 80 трактори чиққани ва унинг таърифини эшитиб, ундан топиб олиш пайига тушади. Шундай трактор тумандаги СПТУ (Қишлоқ касб-ҳунар техника билим юрти) да борлигини билгач, туман раҳбари билан учрашиб, ундан С- 80 тракторини бир неча кунга олиб беришга ёрдам сўрайди ва масала ҳал бўлгач, тракторни суткасига 24 соат ишлатади. Ўзи бир неча кун давомида кечалари уйига бормай тракторчилар ишини кузатиб, замон техника замони эканлигини тушунади. “ ...техника, қўриқ ерларни очиш “касалим” шундан бошланган эди”, эслайди Аҳмаджон ака. Мирзачўл томонларда ишдан чиққан С- 80 ва С-100 тракторлари борлигини билиб, ёнидан пул тўлаб, бир нечтасини хўжалигига олиб келиб, таъмирлаб, ишлатади. Кейинчалик унинг саъй-ҳаракат ва шахсий маблағларидан фойдаланган ҳолда хўжаликда К-700 тракторлари сони 16 тага, “Беларус” 14 тага, экскваторлар сони 10 тадан ортиқча, бульдозерлар - 60 тага, автомашиналар билан бирга, жами 1300 тадан зиёдроққа етказилди.

Аҳмаджон Одилов ҳисоб-китобни яхши кўрар ва ёшликдан меҳнат қилиб топилган ҳар бир сўмни қадрлар эди. Болаликда битта товуқни боқиб, унинг тухумларидан чиқарилган ўнта жўжани хўтикка алмаштириб, ариқ ва зовурлар бўйида ўсадиган ўт-ўланни ўриб, қишлоқда сотиб пул ишлаганини хотирлайди. Колхоз бухгалтериясида ишлаганида унинг бу хусусияти ривожланиб, мустаҳкамланди. У раҳбарлик қилган хўжаликларда давлат томонидан ажратилган ва жамоалар ишлаб топган маблағларни оқилона сарфлашга алоҳида эътибор бериларди. Шунинг учун Аҳмаджон ака қамоққа олингандан кейин, Наманган обкомининг биринчи раҳбари бошчилигида ўтказилган йиғилишда “Одиловлар давлатга 60 миллион рубль зарар келтирган”да айбланади ва уларнинг барчаси отувга ҳукм қилиниши муқаррарлиги эълон қилинади. Лекин бу ўша расмий тўралар томонидан тўқиб чиқарилган ёлғон, қуп- қуруқ туҳмат эканлиги тергов жараёнида ва судда исботланди. Одиловнинг давлатга зарар эмас, балки ўз меҳнати ва ақл заковати билан катта фойда келтиргани ҳақиқатдир.

Аҳмаджон Одиловни элга танилиши, мамлакат ва республика раҳбарлари

(М.Горбачев, Ю.Андропов, Ш.Рашидов ва бошқалар), ҳамкасблари томонидан эътироф этилиши ва оддий одамларнинг ҳурматига сазовор бўлишининг яна бир муҳим омили Худо унга берган ташкилотчилик истеъдоди эди. У мўжазгина “Жамият” колхозини оз муддатда оёққа турғизди. У бош бухгалтер ёрдамчиси бўлиб ишлаган 1947 йили хўжаликнинг барча даромадлари 540000 рубль (пул алмашгандан кейин 54 мингга тенг) бўлган бўлса, у бош бухгалтер бўлган 1948 йили жамоат бир миллион рублдан ортиқ, яъни олдингига қарагандаи 25 баравар зиёд даромад олди. Аҳмаджон Одилов раис бўлгандан кейин колхознинг йиллик даромадлари муттасил ортиб борди. Буни кўрган ва ёш раиснинг етакчилик имкониятларини ҳисобга олган юқори ташкилотлар раҳбарлари тумандаги ўндан ортиқ камқувват колхозлар негизида Аҳмаджон Одилов бошчилигида йирик совхоз ташкил этилишини қўллаб-қувватладилар. Тарқоқ кучларни бирлаштириш ва ишлаб чиқаришни бошқаришни оптималлаштириш ҳамда ишчи-хизматчиларни рағбатлантиришни яхшилаш йўлга қўйилгани, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари (сут заводи, консерва заводи, жун товарларни ишлаб чиқариш фабрикаси, техникани таъмирлаш корхонаси ва бошқалар) қурилиб, ишга туширилди. Натижада, Поп агросаноат бирлашмаси вужудга келди. Ташаббускор, ишчан, омилкор Аҳмаджон Одилов раҳбарлик қилаётган бирлашма қўлга киритилган натижалари билан вилоят ва республикадагина эмас, бутун мамлакатда донг таратди.

Давлат Аҳмаджон Одилов раҳбарлик қилган хўжаликлар ва Поп АСБ ишчи-хизматчиларининг меҳнатини юқори баҳолаб, орден ва медаллар, фахрий ёрлиқ ва унвонлар билан тақдирлади. Аҳмаджон Одиловнинг ўзи Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлиб, бир неча марта СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советлари депутати этиб сайланди, партия сайланма органлари таркибига киритилди.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, тарих фанлари доктори Раъно Абдуллаева Аҳмаджон Одиловни жамият ва халқ олдидаги хизматлари жиҳатидан биринчи космонавт-учувчи Юрий Гагариннинг жасоратига тенглаштиради. “Комил ишонч билан айтаманки, деб ёзганди у, Парвардигори олам бу икки шахсни теран ақлу тафаккур билан сийлаганди. Юрий Гагарин Худонинг марҳамати билан фазони кашф этган бўлса, Аҳмаджон Одилов заминнинг беқиёс имкониятларини юзага чиқарган кашшоф ҳисобланади”.



Бироқ, ҳаёт ҳақиқати шундан иборатки, Аҳмаджон Одиловнинг ютуқлари кўпайиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда янги поғоналарга кўтарилган сари, ундан ибрат олишга интиладиганлар, унга ҳавас қиладиганлар билан бир қаторда, уни кўролмайдиганлар, ҳасад қиладиган, норози бўлган кимсаларнинг сафлари ҳам кенгаяр эди. Хусусан партия ва давлат аппарати мансабдорлари Аҳмаджон Одиловнинг туман, вилоят ёки республика раҳбари бўлиб қолса уларнинг ҳолига маймунлар йиғлаши мумкинлигидан ҳадиксирар эдилар. Чунки Аҳмаджон Одилов бу ҳақдаги фикрларини қуйидагича баён этган эди: “Вилоят, шаҳар, туман партия ташкилоти маҳкамаларида порахўрлар, товламачилар ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Уларнинг ҳаммасини йўқотишимиз, ҳавони янгилашимиз керак”. Унинг бу қарашлари сир эмас, бунинг устига Ш.Рашидов билан яқинлиги, Ю.Андропов билан учрашиб суҳбатлашгани ҳам маълум эди. Ҳа, Аҳмаджон Одилов ана шундай кимсалар учун ноқулай, хавфли душманга айланганди.

Шу сабабларга кўра, улар Аҳмаджон Одиловдан қутилиш пайига тушиб, унга қарши туҳмат ва бўҳтон уюштиришга киришдилар.

Очиғини айтганда, Аҳмаджон Одиловнинг жўшқин, бошқаларникига ўхшамас фаолияти, иқтисодиётни бошқаришнинг социалистик тамойилларига зидлиги мамлакат марказидаги ҳукмрон доираларга ҳам маъқулмасди ( ахир улар совет ҳукумати раиси А.Косигин таклиф этган ислоҳотларга ҳам қарши эдиларда!), шунинг учун душманлари унга қарши очиқ кураш бошлаганларида, Кремлдагилар ўзларини билмасликка урдилар. Бурч ва асосий вазифалари қонун муҳофазаси ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланган прокуратура, давлат хавфсизлиги ва ички ишлар органларининг "марҳамати" билан Аҳмаджон Одилов суд қилинмасдан саккиз йил давомида Москва, Самара, Тошкент, Наманган, Ховос ва бошқа шаҳарлардаги қамоқхоналарда ноқонуний сақланди. Лекин улар маҳкумни ва унинг билан бирга ишлаб келган ходимлар ва унинг яқинларини туҳмат, қўрқитиш ва сохта жиноий ишлар қўзғатиш билан ўз мақсадларига эриша олмадилар. Аҳмаджон Одилов тўқилган айбларни рад этди, талаб ва тазйиқларга қарамасдан бировлар ҳақида ёлғон кўрсатма бермади, ҳеч кимни қоралагани йўқ. Унинг "жиноий иши" терговчилар томонидан олти ярим йил давомида тўқилган 25 минг варақли 300 жилддан иборат бўлса ҳам исботланган бирон далил, факт йўқ эди. Шундай бўлса-да, қонунлар ижросини назорат қилувчи СССР прокуратурасининг ўзи Аҳмаджон Одиловни синдирмоқчи бўлиб, қонунчиликни поймол қилиб келди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, "пахта иши", "ўзбеклар иши" баҳонасида қамоққа олинган бошқа жабрдийда фуқаролар (шу жумладан собиқ раҳбарлар) каби Аҳмаджон Одилов ҳам озод этилиб, унга қўйилган айблар туҳмат эканлиги ошкор бўлди. Бу катта ғалаба эди.

Лекин Аҳмаджон Одиловга маломат тошларини отган кучлар ўзларининг қабиҳ ҳаракатлари фош этилишидан қўрқиб, унга қарши ҳийла найранглар ишлатиб, унинг яна қамоққа олинишига эришдилар. Бу гал унинг панжара ортидаги бандилик ҳаёти 15 йилга чўзилди. Аммо ғанимлар бу гал ҳам ўз мақсадларига эриша олмадилар. Фақат унинг олдингиси билан қўшганда қарийб чорак аср умри беҳуда кетди, жамият, халқ, давлат унинг шу давр ичидаги самарали меҳнати натижаларидан маҳрум бўлдилар.

Хўш, нима сабабдан партия ва давлатга содиқ, уларга ҳеч қачон қарши чиқмаган ва хатти-ҳаракатлари билан уларга зиён етказмаган Аҳмаджон Одиловга нисбатан бундай адолатсизлик бўлди? Нега уни душманга айлантиришди? Нима сабабдан унинг ноёб истеъдоди тўла юзага чиқишига йўл беришмади? "Ахмаджон Одилов ким бўлган?" китобида бу саволларга жавоб берилган. Бунинг сабаблари кўп, бироқ асосийси шу эдики, Аҳмаджон Одиловнинг хўжаликни ташкил этиш ва олиб бориш амалиёти социализм назарияси ва иқтисодиётини бошқариш тамойилларига мос эмас, бозор иқтисодиёти қонун-қоидаларига тўғри келарди. Ваҳоланки, Хитойдек буюк давлатда социализм тамойиллари маҳаллий шароит ва замон талаблари асосида ислоҳ қилингани туфайли, у иқтисодий ривожланиш суръатлари ва ялпи ички маҳсулот жиҳатидан дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Ўз юртимизда ҳам бозор муносабатларига асосланган ислоҳотлар, айниқса Президент Ш.М.Мирзиёев раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётгани туфайли иқтисодиёт жадал ва барқарор ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотни бозорга чиқаришда кластерлар муҳим роль ўйнамоқда. Бу ўзгаришларнинг натижаси ўлароқ янги иш ўринлари яратилмоқда, аҳолининг даромади ошмоқда, камбағаллар сони камаймоқда, қишлоқларимиз шаҳар тусини олмоқда. Аҳмаджон Одилов бўлганида нималар қилиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин эмас. Афсуски, у ўз замонасининг фарзанди бўлгани билан, яшаб, фаолият кўрсатган замонидан илгарилаб кетган инсон эди...

**Собир Қурбонов,**
тарих фанлари номзоди, сиёсатшунос.

# ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАГАН ОТА

**Қаҳрамон оталаридан ўрнак ва намуна олиб, улар билан доимо фахрланиб яшайдиган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди ва ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади.**

**Шавкат Мирзиёев,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти*



**Суратда: А. Тоиров (ўртада) касбдошлар даврасида.**

Мамлакатимизда аграр соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, мисли кўрилмаган ютуқларга назар ташлар экансиз, беиҳтиёр кўз олдингизда ушбу ишлар бошида турган аждодларимиз гавдаланади. Шундай инсонлар орасида менинг падари бузрукворим, бир нечта жамоа ва давлат хўжаликларини бошқарган, Бўка, Октябрь туман ижроия қўмиталарига раислик қилган, Чиноз туман партия қўмитаси котиби бўлган, умрининг якунида эса республикамизда илк бор ташкил этилган 1-сонли Қуйилиқ теплица комбинатининг биринчи директори лавозимида

фаолият кўрсатган Абдулҳақ ТОИРОВ ҳам борлигидан бениҳоят бахтиёрман...

Отамиз Абдулҳақ Тоиров 1914 йилнинг 25 январида туғилганлар. Меҳнат фаолиятларини 16 ёшларида аввал оддий колхозчи, сўнгра жамоа хўжалигида табелчи ва хўжалик мудири вазифаларида бошлаганлар. Жамоа хўжалиги раҳбарларининг тавсияси билан А.Тоиров 1935 йил сентябрида Тошкент ҳисоб-бухгалтерия билим юртига кириб, икки йилдан кейин уни муваффақиятли тугатган. Вақти келиб, Низомий номидаги педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кирадилар ва бир пайтнинг ўзида ўрта мактабда дарс ҳам берадилар...

1942 йилнинг августида отамиз Қорасув (ҳозирги Зангиота) туманидаги "XVIII-партсъезд" жамоа хўжалиги бошқаруви котиби бўлиб ишлай бошлайдилар. Ёш котиб бошқарув идорасида ўтириб қоғоз қоралаш билан чегараланмай, хўжаликнинг муаммоларини ўрганадилар, уларни бартараф этиш ва қолоқликдан чиқиб олиш учун нималар қилиш лозимлиги устида ўйлай бошлайдилар ва кўп муаммоларнинг калити, энг аввало, колхозчиларни моддий рағбатлантириш эканлигини тушунадилар. Котиб одамларнинг оғир ҳаётини енгиллаштириш мақсадида давлат томонидан белгиланган режа ва мажбуриятлардан ортиқ ишлаб чиқарилган ғалла, сабзавот, картошкани меҳнатчиларга тақсимлаб беришни таклиф этади ва жамоа раҳбариятини бунга кўндиради. Унинг ташаббуси билан фарзандлари урушда ҳалок бўлган қариялар, боқувчисиз қолиб кетган оилалар шахсий томорқаларида маҳсулот етиштиришга ёрдам бериш йўлга қўйилади. Бу билан жамоада катта обрў орттиради ва жамоадошлар, туман раҳбарияти розилиги билан, ўзининг меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги, одамларга ғамхўрлиги, камтарлиги туфайли эл эътиборини қозонгани учун, 29 ёшли отамиз, ушбу жамоа хўжалиги раиси этиб, 1943 йилда эса шу тумандаги М.Горький номидаги жамоа хўжалигига раис этиб сайланади. Улар раҳбарлик қилган етти йил давомида бу хўжалик барқарор ривожланади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш режалари муттасил бажариб келинади, ижтимоий-маданий қурилишлар амалга оширилиб, одамлар ҳаёти бирмунча яхшиланади... Ишда ижобий натижаларга эришган А.Тоиров кейинчалик, туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи лавозимига тайинланади, 1952 йилда эса, Бўка туман ижроия қўмитаси раиси этиб сайланади...

Оиламиздаги ички муҳит бизнинг яшашимиз, ўқишимиз, чин инсон бўлиб шаклланишимиз учун қулай ва барқарор эди. Отамизнинг асосий вақти ишда ўтиши боис, биз уларни кам кўрардик. Улар кўпинча биз ухлаётган вақтда ишга кетиб, кечки ухлаётган пайтда уйга қайтар эдилар. Дам олиш кунлари оила билан бирга бўлиш, кўпгина бошқа раҳбарларга ўхшаб санаторий ва курортларда мунтазам дам олиш, ҳукумат касалхоналарида даволанишларини мен эслаёлмайман. Ўз фарзандларига нисбатан талабчан эдилар. Биздан яхши ўқиш ва яхши хулқли бўлишни, мактаб ва кўча-кўйда тартибсизлик қилмасликни талаб қилардилар. Вақти-вақти билан мактаб директори, синф раҳбари, фан ўқитувчилари билан шахсан гаплашиб турардилар. Кундалик дафтарларимизни текшириб, ўзлари қўл қўяр эдилар. Болаларни пахтага олиб кетганларида, бориб хабар олиш одатлари бор эди. Уларнинг ҳар бир сўзлари бизлар учун қонун, юриш туриш ва уйдагилар билан муомалалари — ҳаммамизга ибрат эди.

Носирхон акамнинг айтишларича, отамиз Тошкент олий партия мактабида таҳсил олган 1954-1958 йилларда фарзандлар тарбиясига одатдагидан кўпроқ эътибор берган эканлар. Уйда ўртоқлари билан дарс тайёрлашда, бу, одатда, ўқув дастурига биноан рус адабиёти бўлган экан, акамга ёзувчиларнинг асарларини ўқиб чиқиб, мазмунини уларга айтиб беришни топширар эканлар. Акам топшириқларини бажарганларида, бундан хурсанд бўлиб, "Баракалла!" деб қўллаб-қувватлар эканлар.

Отамизнинг адабиёт ва санъатни севишлари, ушбу соҳалар намояндалари орасида дўстлари кўплигини (масалан, атоқли навоийшунос олим, профессор Ҳамид Сулаймон, шу жабҳанинг йирик мутахассиси, фан арбоби Абдуқодир Ҳайитметов ва бошқалар), фарзандларининг бадиий ижод билан қизиқишларини рағбатлаб туришларини мен ҳам сезганман. 10-11 ёшлигимда шеър машқ қила бошлаганимда, улар менинг бу машғулотимни жуда маъқуллаган эдилар. Уйимизга нуфузли меҳмонлар келганида ёки отам меҳмонга борганларида мени ўзлари билан олиб юриб, ўрни келганда шеърий машқларимни ўқиб беришимни сўрар эдилар. Шундай "мини"чиқишларимдан бирини отам ўзлари раҳбар этиб тайинланган Қўйлиқ иссиқхонасида ташкил этган эдилар. Мени иш столларининг бурчагига тикка қўйиб шеърий машқларимни ўқитар эканлар, хоналари ишчи-ходимларга тўлиб кетган эди. Кейинчалик меҳнат фаолиятим жараёнида кўплаб мажлису йиғинларда сўзга чиқар эканман кўз олдимда доимо отамнинг сурати гавдаланарди... Менинг кейинчалик ҳам назм ва насрий ижод билан шуғулланишимга отамизнинг ана шу муносабати, рағбати муҳим роль ўйнади, деб ўйлайман.

...Бошқа раҳбарларнинг оиласидек, биз-



**Суратда: А.Тоиров (биринчи қатор ўнгдан учинчи), Қорасув тумани (ҳозир Занги ота тумани) Максим Горький номидаги жамоа хўжалиги аъзолари даврасида.**

да ҳам турмушнинг икир-чикирлари, уй-рўзғор юмушлари, болаларни ювинтириб-кийинтириб, едириб-ичириб, мактабга боришларини ташкиллаштириш ва ўқишларини назорат қилиш билан онамиз шуғулланар эдилар. Биз, болалар ортиқча шўхлик қилиб қўйсак ёки мактабда бирон муаммо чиқиб қолса, отамизнинг кимлигини эслатиб, “Аданг эшитсалар хафа бўладилар, бундай қилмаларинг”, деб қўярдилар. Шунингдек, онамиз отамнинг гап-сўзларини бизга етказиб турардилар ва бирон-бир муҳим масала юзасидан бизга мурожаат қилганларида “Бундан адангларни ҳам хабари бор”, дердилар.

Отамиз тўладан келган, соч ва соқоллари ҳамиша олинган, жисмонан бақуват киши эдилар. Гапирганда одамнинг кўзларига тик қараб гапирар, тўғрисўзликни ёқтирардилар. Хушфеъл ва хушмуомала, лекин ноҳақликка чидай олмас эдилар. Одамларга яхшилик қилишни, ҳожатини чиқаришни ўзларининг инсоний бурчлари, деб билардилар.

Партия мактабида ўқиётган йиллари адамлар мактабдошлари Иван Алексеевич Гавриловнинг оиласини уйимизга кўчириб келтирдилар. Бундан мақсад биз Гавриловлардан рус тилини ўрганишимиз лозимлиги эди. Илмий тил билан айтганда, адамиз бизнинг ўзга тилни ўрганишимиз учун лисоний муҳит яратиб берган эдилар. Отамиз ижара ҳақи олмас эдилар. Шунинг учун бўлса керак, А.Гаврилов миннатдорчилик сифатида ўзи мўй қаламда чизган одам бўйи баравар “Иван-царевич и серый волк” асари нусхасини оиламизга эсдалик учун совға қилиб кетди. Ушбу расм кўп йиллар мобайнида уйимизнинг тўрида ушбу камтарин ва софдил одамлар ҳақида эсдалик бўлиб осилиб турди...

Отамиз жуда сахий инсон эдилар. Қариндош-уруғлардан кимдир молиявий қийинчиликка дуч келса, унга, албатта, беминнат ёрдамга келардилар. Отамиз бундан афсусланмас, балки ўрни келганда сахийликларидан кўнгиллари тўлмай, “Одамларга қўлим билан кўп бера олмадим, лекин йўлим билан кўп берганман” дердилар.

Отамиз меҳнат фаолиятлари давомида Бўка ва Октябрь (Чиноз ва Янгийўл туманлари ўртасидаги ҳудудда жойлашган) туманлари ижроқўми раиси, Чиноз тумани партия қўмитаси котиби, Қуйлиқ посёлка кенгашининг раиси, йирик давлат хўжалиги — “Партия XXI съезди” ди-

ректори вазифаларида самарали ишлаганлар.

"Партия XXI съезди" совхозига директор бўлиб ишлаган пайтлари у кишига машҳур қишлоқ хўжалик дарғалари Қирғизбой ота Абдувалиев, Раҳим Дадахўжаев, Мизроп Камолов, Ғофуржон Одилов, у пайтда ҳали ёш бригадир, кейинчалик туман раҳбари, Меҳнат Қаҳрамони бўлган Раҳматилла Қамбаров, Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти ходими, иқтисодиёт фанлари номзоди – шогирдлари Дадахон Зокирхўжаев ва бошқалар яқиндан ёрдам беришар эди...

Эътиборлиси, тақдир отамизнинг дам қолоқ хўжаликларни кўтаришда синаса, дам янгисини ташкил этишга йўллаган. 1966 йилнинг охирларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида янгилик бўлган Қўйлиқ иссиқхона комбинатига асос солинган ва отамиз собиқ Калинин (ҳозирги Зангиота) тумани раҳбарлари томонидан унинг биринчи директори этиб тайинланганлар. Уни ишга тушириш, фаолиятини йўлга қўйиш учун отамиз кўп куч сарфладилар, мутахассисларни излаб топдилар, ишчилар жамоасини шакллантириш билан шуғулландилар. Мазкур иссиқхона бугунги кунда йирик хўжаликка айланиб, Меҳриддин Аҳмедов раҳбарлигида самарали фаолият кўрсатиб, аҳоли дастурхонига тегишли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бермоқда...

Отамизни билган, улар билан бирга ишлаган, марҳаматларидан баҳраманд бўлган замондошлари уларни ҳали-ҳали эслайдилар, улар ҳақида илиқ сўзларини аямайдилар. Жумладан, отамиз ҳақида кўп илиқ сўзларни Зангиота туманининг "Нуроний" жамғармаси собиқ раиси, раҳматли Мирза Аҳмедовдан ҳам кўп эшитганмиз. Отамизнинг 80 йилликларига бағишлаб, "Тошкент ҳақиқати" газетасида "Одамларнинг дарди билан яшаган эди" сарлавҳали мақола чоп этган эдилар.

Отамизнинг яқин дўстларидан яна бири машҳур селекционер-олим Карим Юсупов эди. Кунларнинг бирида укам Фозилхон билан ҳовлидага дарахтларга сув улашиб юрар эканмиз эшикдан отамиз, бир ўрта ёшли киши билан кириб келдилар. Мен укам билан югуриб бориб олдинига отамиз, сўнг меҳмон билан саломлашдик. Отамиз меҳмонни айвонга бошлар эканлар, бизларга чой олиб келишни буюрдилар. Биз укам билан хонтахтага дастурхон ёзиб қайноқ чой ва пиёлаларни олиб келар эканмиз отамиз бизларни ҳам кўрпачага ўтиришимизни айтди ва: — Бу амакингларни яхши таниб олинглар, булар Карим ака Юсупов бўладилар, — дея хонтахта устида газетага ўралган, нақ косадек келадиган помидорни бизларга узатар эканлар,

— Помидорнинг мана шундай навини яратган одам шу киши бўладилар, — дедилар. Укам билан шу кунгача бунақа катта ҳажмдаги помидорни кўрмаганлигимиз учун бир нарса дейишга тилимиз айланмай қолган, фақат мазкур сабзавотни ҳар томонлама ўрганиш билан овора бўлиб қолган эдик... Отамиз меҳмон билан чой ичиб, дастурхондаги ширинликлардан тамади қилган бўлишди-да, ўринларидан турдилар.

Отамиз бизларга қараб: — Бизнинг яна борадиган жойларимиз бор... Сизлар ақлли бола бўлиб ўтиринглар... Китоб ўқинглар... Карим акангизга ўхшаган олим бўлишга интилинглар, — дедилар. Карим ака бизларга табассум билан қараб турар экан, унга отамизнинг гаплари ёқаётгани кўриниб турар эди... Ҳали-ҳануз ушбу воқеа кўз олдимдан кетмайди... Отамнинг ўгити-ю, Карим аканинг камтарона табассуми кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшиб, ҳаракатга ундайди...

Халқимиз орасида "отанг оламдан ўтгандан кейин унинг дўстлари билан алоқани узма", деган гап юради... Шундан келиб чиққан ҳолда, мен олийгоҳни битириб қўлимга диплом олганимдан сўнг катта акам билан бирга улкан навоийшунос олим, профессор Ҳамид Сулаймоннинг ишхоналари – у киши директор бўлган, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейига бордик. Ҳамид ака бизларни очиқ юз билан самимий кутиб олар эканлар, дипломни қунт билан ўқиб чиққанларидан сўнг: — Отангиз, Абдулҳақ ака дунёқараши кенг, чуқур билимга эга инсон бўлганликлари учун илм-фанга ҳурматлари бошқача эди. Шунинг учун илм олишда давом этинг, деб оқ фотиҳа бердилар...

Отамиз табиатан байналминалчи инсон эдилар, шунинг учун дўстлари ўртасида рус ва украин, татар ва қрим татар, қозоқ ва қирғиз, корейс ва бошқа миллат вакиллари бисёр эди. Асли Зоминлик бўлган Умар ака Тоғаев, рафиқалари Валя опа, қизлари Людмила бизларнинг оилавий дўстларимиз эди. Шундай дўстларидан бири Алексей Ивасенко эди. У ўзи вафот этгунига қадар ҳар йили отамиз оламдан ўтган кунда бизнинг ҳовлимизга келиб бир муддат сукут сақлар ва "Хороший был человек ваш отец, пусть земля ему будет пухом" ("Отангиз яхши одам эди, тупроқлари енгил бўлсин", деб кетар эди...

Отамиз ҳаёт бўлганларида 110 ёшни қаршилаган бўлар эдилар. Жойлари жаннатда, охиратлари обод бўлсин!

**Маҳмуд Абдулҳақ.**

# ИҚТИСОДЧИ ОЛИМ, РАҲБАР ҲАМ УСТОЗ

**Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,**
**Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.**

***Алишер Навоий***



**Суратда: атоқли давлат ва жамоат арбоби Ў. Т. Султонов Дадахон аканинг ўғли – авиация заводи моҳир муҳандиси Анвар Зокирхўжаевга нуфузли ҳукумат мукофоти – “Дўстлик” орденини топширмоқда.**

Отамиз Абдулҳақ Тоиров ўз вақтида Тошкент вилоятидаги Бўка ва собиқ Октябрь ижроқўмларида раис, Чиноз туман партия қўмитасида котиб, ҳозирги Зангиота туманида бир вақтлар мавжуд бўлган “XVIII-партсъезд”, "Максим Горький" номли жамоа хўжаликларига раис, “XXI-партсъезд” совхозига раҳбар, Қуйлиқ иссиқхона комбинатига биринчи директор бўлганлар. Турли лавозимларда ишлар эканлар машҳур қишлоқ хўжалик дарғалари Мизроп Камолов, Раҳматилла Қамбаров, Ҳамроқул Турсунқулов, Раҳим Дадахўжаев, Ғофуржон Одилов, Мирзааҳмад Ҳайитбоев ва бошқалар билан кўп мулоқотда бўлар эдилар. Бирлари у кишига устоз бўлса, бирлари шогирд эди. Шогирдлари ичида, асли Марғилонлик бўлган Дадахон Зокирхўжаев ҳам бор эди...

Маълумки, Милослав Ярославович Буреш деган киши, ўз вақтида, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ва шоир, оташин публицист ва нотиқ, Ўзбекистонга чорак аср раҳбар бўлган, ўзбек халқининг оташқалб фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг ёрдамчиси бўлган. Атоқли давлат ва жамоат арбоби, академик Оқил Умурзоқович Салимов айтишларича, Шароф Рашидович, Милослав Ярославовичнинг энциклопедик билимларини ҳисобга олиб, кўпинча уни “Мулла Буреш” деб, ҳурмат билан чақирган... Яъни, халқимизда билимли одамларнинг исмига “мулла” сўзини қўшиб айтиш, азалдан бор. Шунинг учун бўлса керак, отамиз Дадахон Зокирхўжаевни "Максим Горький" жамоа хўжалигида ишлаган пайтларидан бошлаб, “Мулла Дадахон” деб чақиришни одат қилган эдилар. Бунга Дадахон ака колхозда ишлаган пайтлардан бошлаб, илм-фанга интилиши намоён бўлганлиги сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Биз ёшлигимиздан Дадахон ака ва у кишининг оила аъзолари билан яқин муносабатда бўлганмиз...



**Суратда: Дадахон ака Зокирхўжаев ва рафиқалари Рокияхон ая оила даврасида.**

Дадахон Зокирхўжаев 1925 йилда туғилган, меҳнат фаолиятини Қорасув туманидаги Қўйлиқ қишлоқ матлубот жамиятида бошлаган, кейинчалик шу тумандаги "Максим Горький" номидаги жамоа хўжалигига аъзо бўлиб киради ва маълум муддатдан кейин, ҳисоб-китобга уқуви яхши бўлиб, хўжалик бош ҳисобчисига ўринбосар бўлиб ишлайди. Бир неча йилдан кейин, "Жданов" номли жамоа хўжалигида, Мизроп Камолов раислигида, бош ҳисобчи бўлади. Халқ хўжалиги олийгоҳини битиради. Вақти келиб, Тошкент вилояти Қорасув тумани ижроқўми раиси ўринбосари бўлиб ишлайди. У пайтда, ижроқўм раиси Меҳнат қаҳрамони Меҳринисо Убайдуллаева эди. Ўша пайт имкониятларидан келиб чиқиб, Дадахон Зокирхўжаев туманда ободончилик, ижтимоий-иқтисодий ишларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади, одамларни оғирини енгил қилишга ҳаракат қилади... Шуни қайд этиш керакки ўша пайтларда Қорасув райкоми биноси олдида Лениннинг қўл кўтарган ҳайкали, туман ижроқўми биноси олдида Сталиннинг қўлини пинжига тиқиб олган ҳайкали турар эди. Вақти келиб, аввал Сталиннинг, кейинчалик Лениннинг ҳайкаллари ағдарилди... Илмга ташна Дадахон ака вақти келиб, иқтисод фанлари номзоди бўлиб, у кишига, 1957 йилда ташкил этилган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтида, машҳур иқтисодчи олим профессор Халил Мадёрович Жалилов, академик Саид Нўъмонович Усмонов раҳбар бўлишганда, улар раҳбарлигида ишлаш насиб этди. Аввал илмий ходим, кейинчалик Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш Маркази (Центр НОТ) директори бўлиб фаолият кўрсатди. Шу лавозимларда ишлар экан, кўплаб мақолалар, рисолалар ёзди, қишлоқ хўжалигида меҳнатни илмий асосда олиб бориш бўйича кўплаб ташаббуслар билан чиқди ва касбдошлар орасида катта ҳурмат ва эҳтиромга эришди, ўз вақтида нуфузли мукофотларга сазовор бўлди...

У киши меҳнаткаш, жамоатчи олим бўлиш билан бир қаторда, оилапарвар инсон эди. Рафиқалари Рокияхон ая билан тарбиялаган уч ўғил, уч қиз фарзандлари ҳаммаси ўқимишли, маданиятли одамлар бўлиб етишишди, барчалари халқ хўжалиги турли соҳаларида фаол... Чунончи, Умархон Зокирхўжаев моҳир онколог сифатида машҳур. Ўғиллари Анвар Зокирхўжаев кўп йиллар авиация заводида муҳандис бўлиб ишлади ва шу ердан нафақага чиқди. Заводда ҳалол ва самарали меҳнати учун Анваржон “Дўстлик” орденига сазовор бўлди...

Менинг кенжа укам, Республика Марказий банкининг Меҳнат фахрийси Фозилхон Тоиров, Дадахон аканинг ўзлари ҳамда учала ўғиллари Умархон, Анвархон ва Аҳрорхонлар билан мунтазам равишда, доимий алоқада бўлган. Ҳозирда эса уларнинг невaралари - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Департамент директори Азизхон Аҳрорхонович Зокирхўжаев билан бирга узоқ вақт Марказий банк тизимида меҳнат фаолиятини олиб бориб, Азизхон ва унинг укалари Асрорхон ва Аъзамхонлар ота-боболарининг анъанасини маҳорат билан олиб бораётганлигини оилавий суҳбатларимизда мароқ билан ҳикоя қилиб беради. Бу, Дадахон аканинг руҳлари, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир таърифи билан айтганда, авлодлар тимсолида яшаб келаётганлигининг ёрқин кўринишидир..



**Суратда: (чапдан ўнгга) Дадахон аканинг невараси Азизхон Зокирхўжаев Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Меҳнат фахрийлари Р.Жўраев, М.Марпатов ва Ф.Тоировлар билан биргаликда**



**Суратда: Бухоро ва Наманган вилоятлари раҳбари, машҳур чўлқувар бўлган Абдулҳай ота Тоиров 100 йиллиги тадбири пайти. Дадахон аканинг ўғли Умархон Зокирхўжаев (ўнгдан иккинчи) қариндош - дўстлар даврасида (2012 йил 12 октябрь).**

Ажойиб ватанпарвар, оилапарвар, олим, раҳбар ва кўпларга устоз бўлган Дадахон ака Зокирхўжаевни эслар эканмиз, "У кишини охирати обод бўлсин!" деймиз...

**Носир Тоиров,**
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



## АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

Қулоқ солинг бобомизга қулоқ солинг,
Жаҳолатга бўй бермасдан илм олинг,
Дунё кезиб керагида билим олинг,
Тарбия бу ё ҳаётдир, ё мамотдир, ё ҳалокат,
Тарбия бу ё нажотдир, ё саодат, ё фалокат.

***

Бекор эмас бобомизнинг бу дурлари,
Маърифатга тамал қўйган ул нурлари,
Тарбиянинг жуда бисёр сир-турлари,
Тарбия бу ё ҳаётдир, ё мамотдир, ё ҳалокат,
Тарбия бу ё нажотдир, ё саодат, ё фалокат.

***

Маърифатдир зўр қилич, тарбия қалқон,
Адолат тимсоли бўлганда юртингда хоқон,
Ватан фаровондир, ҳеч тўкилмас қон,
Тарбия бу ё ҳаётдир, ё мамотдир, ё ҳалокат,
Тарбия бу ё нажотдир, ё саодат, ё фалокат.

***

Қанча авлод замонадан ўтди кетди,
Тарбияни тан олмайин ўтда кетди,
Саодатли хўп замонни кутди кетди,
Тарбия бу ё ҳаётдир, ё мамотдир, ё ҳалокат,
Тарбия бу ё нажотдир, ё саодат, ё фалокат.

***

Бобомизнинг руҳларини шод этайлик,
Тарбияни тирикликда ёд этайлик,
Жаҳолатни ўзимизга ёт этайлик,
Абдулла бобомиз руҳи сўнмасин,
Авлоний авлоди сира сўлмасин.

**Руҳиддин Комилов,**
Паркент тумани.

# АҲОЛИ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЁТГАН ТАДБИРКОР



*... Гўдак туғилди. Унинг чинқириб дунёга келиши, инга-ингалаб йиғлаши гўё дунёни ларзага солаётгандек эди. Овозининг ўткирлигидан хамшираю шифокорлар "бу боладан қўшиқчи ёки бошлиқ чиқадиёв, жуда овози ўткир, бақиришини-чи!" деб қўйишарди хазиломуз.*

... Бу дунёда давру даврон сурсин дея унга Даврон деб исм қўйдилар. У бобосининг энг суйган набираси, эркатой тойчоғи бўлиб вояга ета бошлади. Қўшнини деразаси синсаям, таксистни машинаси пачоқ бўлсаям ёки устозини хафа қилсаям, қўйингчи нима тўполончилик бўлса қилди, бобоси уни ҳеч кимга каттиқ гапиртирмай, койитмай вояга етказди. Доим бобоси билан бирга бўлди.

Вахоб бобо Тошкент шаҳридаги тракторларга эҳтиёт қисм ишлаб чиқарадиган заводда директор ўринбосари лавозимида ишлаган кезларида Даврон ҳам эртадан кечгача шу заводда юрарди. Гоҳ эринчоқлик қилиб усталардан гап эшитар, гоҳ уларга ёрдамлашган бўлиб, барибир ўзини билганидан қолмай ҳар нарсага қизиқиб тегиниб кўрарди.

Даврон бирор кишини ранжитиб қўйгудек бўлса бобоси дарров бориб ўша инсонни кўнглини оларди. Ранжиган инсонлардан узр сўраб, қалбига йўл топарди. Оилада ҳам Давронни ҳеч ким уруша олмасди. Чунки бобосининг кескин сўзлари ҳар қандай кишининг гапини қиличдек кесар, ўткир нигоҳлари ила салобати босарди.

Давроннинг болалик йиллари ариқларда чўмилиб, қуёшда тобланиб, бобосининг паноҳида жуда беғубор ўтди. Оилада 2 нафар фарзанднинг кичиги бўлган Даврон "бахтли болалик" нималигини жуда яхши хис қилиб ўсди. Лекин у тантиқ, танбал, нотавон бола эмасди, аксинча бобосига хос ўткир сўзли, битта гапирадиган, ушлаган жойини кесадиган йигит бўлиб вояга етди. Пул топишга болалигидан қизиқди. Ақл билан иш тутиб, пулни пулга уриштирди, хатто мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ опаси пиширган хонимларни болаларга дарров пуллаб, топган даромадини бехудага сарфламай, йиғиб онасига келтириб берарди.

Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 32–умумтаълим мактабини тамомлагач Даврон Сапаров автослесарлик техникумини, ундан сўнг юридик коллежини ўқиб битирди. Меҳнат фаолиятини Сергели туманидаги давлат санитария эпидемиология маркази кадрлар бўлимида бошлади, ундан сўнг Тошкент шаҳар постпатрул инспектори, ТЧСЖ



“Файзли меҳнаткаш” корхонаси директори, “Trading venture” хусусий корхонаси ходими, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси автомобилларда ташувлар хавфсизлигини таъминланишини назорат қилиш шўъбаси катта инспектори, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси автомобилларда ташувлар хавфсизлигини таъминланишини назорат қилиш бош мутахассиси, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри “QARSHI TRANS” автобус саройи раҳбари, “BAXTIYOR BAXT QUSHI TRANS” МЧЖ раҳбари вазифаларида ишлади. 2022 йилдан буён у Савдо-саноат Чиноз тумани бўлими раҳбари лавозимида меҳнат қилмоқда. У қайси лавозимда ишламасин, каттами кичикми, қуйими юқорими жон-жахди билан меҳнат қилиб ҳамиша олдинги сафларда бўлишга интилади. Энг аввало жамоасининг ҳамжиҳатликка чақиради. Бир ёқадан бош чиқариб ишлаш принципини қўллайди. Шунданми, қаерда бўлмасин унинг командаси пешқадам бўлиб келмоқда. Айниқса у қийналганлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга яқиндан кўмак кўрсатади. Чиноз туманига ишга ўтганидан бошлаб у ногиронлар жамиятини оталиққа олиб уларни жой билан таъминлаб, тумандаги ногиронларга, кўзи ожизларга тез-тез байрам тадбирлари ўтказиб бермоқда. Уларга озиқ-овқат, кийим-кечаклардан иборат совға-саломлар тарқатади. Баҳоли-қудрат уларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилади.

Аслида ногиронлиги бор инсонларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга яқиндан кўмак бериш ҳар бир инсоннинг, айниқса раҳбарнинг инсонийлик бурчидир. Палата раҳбари Д.Сапаров йил бошидан буён ногиронларга кўрсатиб келаётган ёрдамлари беҳисобдир. Айниқса куни кеча ўтказилган тадбирдан қатнашчилар жуда миннатдор бўлиб, дуолар қилишди.

Даврон Сапаров тумандаги бир ярим мингдан ортиқроқ тадбиркорни оғирини енгил қилишга, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар билан курашиб, тадбиркорга кенг йўл очиб беришга камрабаста бўлмоқда. Туманда фаолият кўрсатаётган 16 та қўшма корхона, 14 та хорижий корхоналар, 63 та кичик ва 11 та йирик корхоналар ҳамда 1028 та микрофирмалар мавжуд. Уларнинг каттаю кичик муаммоларини хал қилиб, тадбиркорнинг ёнида камарбаста бўлиб турадиган ташкилот бу – Савдо-саноат палатасидир.

Палата Президентимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар ижросини таъминлашда бир жону бир тан бўлиб мехнат қилмоқда. Юртимизда камбағалликни қисқартириш учун аввало тадбиркорга кенг имкониятлар, шароитлар ва енгилликлар яратилиши зарур. Шундай экан, тадбиркорлик қанчалик тез ривожланса одамларимиз бой яшайди, камбағаллик тугатилади. Одамлар бой бўлса юрт бой бўлади, Ватан гуллаб-яшнаб, обод бўлаверади.

**Сурайё Ахмедова,**
журналист.

# АКТЁРЛИКНИ ҲАМ ҚОЙИЛЛАТГАН ИИВ ХОДИМИ



**Суратда: Б.Ҳакимов дўстлари билан.**

“Шайтанат” фильми ижодкорлари билан учрашув бўлаётганди. Бош роль ижрочиси Ёдгор Саъдиев сўзга чиқиб, гап орасида шундай деб қолади: - Тоҳир ака (Тоҳир Малик)! Икковимиз Асадбекни яратдик, мен-отаси, Сиз – онасисиз!

-Онаси бўладиган бўлсам, битта шартим бор! - дейди ёзувчи.

-Хўш, қандай шарт экан?

-Сиз менга алимент тўлайсиз!

("Postda/На посту" газетасида “Алимент тўлай-сиз” 22 декабрь 2022 йил

Шодмон Отабекнинг “Дўрмон ҳангомалари” китобидан олинди)

Дўстимиз, кўплаб хайрли ишларга бош-қош бўладиган, саҳоватли инсон Мироджон ака Мақсудов ниҳоятда китобсевар, барча янгиликлардан хабардор инсон. Ҳар бир масала бўйича ўзининг фикрига эга, сўзи билан иши бир кишидир. Вақт-вақти билан Алишер Навоий театри қаршисида жойлашган кабинетларига кириб тураман ва у киши билан суҳбатлашиб, доим бир дунё завқ, яхши кайфиятда қайтаман. Бу гал ҳам шундай бўлди. Суҳбатлашиб ўтирар эканмиз, кўзим иш столларини устидаги фотосуратга кўзим тушди. Унда марҳум, ёшликдан дўстимиз Бахтиёр Ҳакимов мамлакатимиз таниқли кишилари ўртасида тасвирланган эди. Муроджон аканинг зийрак ва садоқатли ёрдамчилари Севарахон бир пастда менга суратдан нусха олиб бердилар. Суратга қарар эканман, хотиралар мени 1971 йил баҳорига олиб кетди…

Мен у пайтда Тошкент вилоят ёшлар иттифоқи қўмитасининг тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири бўлиб ишлар эдим. Баҳор кунларининг бирида бўлимимизда ёш ва навқирон, доим кўтаринки руҳ билан юрадиган Бахтиёр Ҳакимов иш бошлади. Бизга Омил Исҳоқов, Владислав Ардатов, Аъло Хўжаев,

Аъзамхон Тўрахонов, Маргарита Мирсоатова, Шомил Гатаулин, Шомил Бобоев, Абулазим Йўлдошев ва бошқалар устозлик қилишди.

Бахтиёр иш жараёнида ниҳоятда ўзини тиришқоқлиги, фаоллиги, тиниб-тинчимаслигини намоён этди. Раҳбарлар берган топшириқларни доим аъло даражада бажариб, барчани олқишига сазовор бўлар эди. Ёшлар ташкилотида олган тажрибаси унга ҳаётда жуда қўл келди.

Шундан буён ҳам ярим асрдан кўпроқ вақт ўтибди. Ўтган йиллар давомида Бахтиёр Ҳакимов Зангиота ва Тошкент туманларида турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. Кейинчалик, у бутун хизмат фаолиятини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан боғлади: Тошкент туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Яккасарой, Олмазор туман ички ишлар бошқармалари бошлиғи, Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси қошидаги бошқарма бошлиғи лавозимларида ишлади, полковник унвонига, қатор ҳукумат мукофотларига сазовор бўлди. Вақти келиб, республика раҳбарияти уни Олмазор тумани ҳокими лавозимига муносиб деб топди, у киши Олий Мажлис Сенатига аъзо этиб сайланди. Туман ҳокими сифатида ишлар экан, Б.Ҳакимов пойтахтни обод қилиш бўйича қўйилган вазифаларни рисоладагидек бажариб, Эски шаҳарда қатор қурилишларни амалга оширишга бош-қош бўлди, гўзал Тошкентимиз чиройига чирой қўшишга улкан ҳисса қўшди...

Шахсга сиғинишга чек қўйиш, қатағонга учраган минглаб ватандошларимизни оқлаш ишларида жонбозлик кўрсатган Қибрайлик генерал Мурод Шералиевга ёдгорлик очиш тадбирларида Б.Ҳакимов алоҳида фаоллик кўрсатганлигини таъкидлаш лозим.

Бахтиёр Ҳакимов қаерда ишламасин доим одамларнинг оғирини енгил қилишга интилди, барчага имконияти бўлса ёрдам қўлини чўзишга ҳаракат қилди. Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, Бахтиёр Ҳакимов ўз вақтида “Шайтанат” киносидаги қаҳрамонларнинг бири – милиция полковниги ролини қойилмақом қилиб ўйнаган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг “Аскарлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур” деган ҳикматли сўзлари Бахтиёр Ҳакимов учун доим дастуриламал бўлди. Шунинг учун у бир муддат Республика такэвандо федерациясининг ижроия директори сифатида фаол иш олиб борди. Бунда бу борада ҳукуматимиз қўйган вазифаларни оғишмай амалга оширишга, Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги шуҳратини кундан-кунга оширишга ҳаракат қилди.



**Суратда: Б.Ҳакимов “Шайтанат” фильмида.**

Бахтиёр Ҳакимовнинг босиб ўтган ҳаёт ва меҳнат фаолияти йўлига назар ташлар эканмиз у генерал-полковник Зокир Алматов, генерал-полковник Рустам Аҳмедов, генерал Комилжон Ғафуров, полковник Тоҳир Маҳкамов, полковник Қобил Тошмуҳамедов, полковник Иҳтиёр Фозилхонов, саҳоватпеша инсон Ҳаёт Ўктамов, турли даражадаги раҳбар лавозимларда ишлаган Меҳнат қаҳрамони М.М.Мусахонов, Меҳнат Қаҳрамони Раҳматилла Қамбаров, Меҳнат Қаҳрамони Ориф Афзалов, Сайфулла Сайдалиев, Юсуп Толипов, Рустам Акбаров, Аъзам Абдувалиев, Обид Назиров, Ботир Тошхўжаев, ва бошқаларнинг катта ҳурмати ҳамда эътиборига лойиқ бўлганлигини кўрамиз.

Бахтиёр Ҳакимов шунча обрў-эътиборга лойиқ бўлганлигини мен у отаси – Ҳоким ота Азимов ва онаси – Холпошша аянинг кўплаб дуоларини олганлиги, улар барча фарзандлари қатори, унга яхши тарбия берганлигининг натижаси деб биламан.

Мен Бахтиёрнинг оталари, раҳматли Ҳоким отани яхши билар эдим. Ота деярли эллик йил раҳбарлик қилган Тошкент тумани Охунбобоев колхозидаги 8-бригада обод, чиройли масканга айланди. Самарали ва фидокорона меҳнат қилган Ҳоким отанинг меҳнатлари ҳукумат томонидан кўп марта муносиб тақдирланган, у киши бир неча бор туман ва вилоят халқ депутатлари Кенгашларига депутат қилиб сайланган.

“Постда” газетасидаги ашёлар билан танишиб, қадрдон дўстимиз Бахтиёр Ҳакимов тўғрисида шуларни ёзар эканман, “Отасининг, эл-юрт дуосини олган фарзанд ҳеч қачон кам бўлмайди” дегим келади. Дўстимиз Бахтиёр Ҳоким ўғли ва унинг барча ўтганларини Оллоҳ ўз раҳматига олсин!

**Носир Тоиров,**
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

# ОТА ВАСИЯТИ

**Маҳмудхон ТОИРОВ,**
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси



**Суратда: Ўзбекистон раҳбари Ш.Р. Рашидов М.М.Мусахонов, К.Мамедов, С.Ш.Шермуҳамедов, А.М.Хўжаев ва М. Абдукаримовлар ҳамроҳлигида Чиноз тумани мактабларининг бирида (1981 й.).**

Абдукаримовлар оиласи нафақат Чиноз тумани, Тошкент вилояти эмас, балки бутун республикамизда кенг танилган десам муболаға бўлмаса керак. Мен ушбу оила аъзоларини ўтган асрнинг саксонинчи йилларида халқ депутатлари Тошкент вилояти ижроия қўмитаси аппаратида масъул лавозимда ишлаган вақтимдан буён яқиндан танийман. Сабаби, шу йилларда оиланинг тўнғичи бўлган Мирсаид ака Абдукаримов Чиноз туман ижроия қўмитасининг раиси эдилар.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўша пайтда вилоят миқёсида ўзининг ташкилий қобилияти, билими ва ташаббускорлиги билан уларга тенг келадиган раҳбарлар кам эди. Мирсаид ака вақти-соати келиб нафақага чиққанларидан кейин ҳам алоқамиз узилгани йўқ, кўплаб тўю-маъракаларда бирга бўлдик. Афсуски, тўрт-беш йил олдин улар вафот этдилар, лекин улар билан бўлган мулоқотлар доим ёдимда. Шундан бўлса керак, Чиноз туманига борганимда доимо Мирсаид аканинг кенжа укалари Абдумўмин ака билан хабарлашиб, учрашаман, бир пиёла чой устида Мирсаид акани, уларнинг ота-оналарини эслаймиз. Яқинда бўлиб ўтган шундай учрашувларимиздан бирида мен Абдумўмин акадан оилалари ҳақида батафсилроқ айтиб беришларини сўрадим... Улар ўз ҳикояларини:

— Отамиз Расулов Абдукарим 1949 йилнинг қишида 38 ёшида оламдан ўтган. Онамиз Расулова Савринисо 30 ёшида 3 ўғиллари ва ўзи хомиладор ҳолатда бева бўлиб қолади, — дея бошладилар. — Отамиз бир неча колхозларда шартнома асосида бош бухгалтер лавозимида ишлаган, билимли ҳисобчи, яхши деҳқон бўлган. Онамиз эса ёш онасидан айрилганлиги сабабли, мактабга бормаган. Отам касал бўлиб ётганда ҳамма ўғилларининг исмларини айтиб, ўғилларим ўқисин деб, васият қилган.

Онамиз отамизнинг васиятини тўкис бажариш учун тинимсиз ҳаракат қилди ва амалга оширди... Шу йилнинг баҳорида мен туғилганман. Онам Савринисога бизларнинг моддий ва маънавий ҳаётимиз учун зарур бўлган таъминотга яқин қариндошларимиз: бувим Қаршигул, бобом Сафарбой, амакиларим Мирқодир, Турдиали,

Абдуназарлар ҳамда Бувинисо ва Савринисо аммаларим ёрдам беришган.

Катта акам Абдукаримов Мирсаид 1962 йили Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кириб, 1966 йили аъло баҳолар билан ўқишни битириб иқтисодчи-бухгалтер ихтисослигини олган.

1961 йили иккинчи акам Абдукаримов Абдусаттор ТошДУнинг биология факультетининг кечки бўлимига ўқишга кирган ва бир вақтнинг ўзида, аввалига Тошкент ҳайвонот боғида экскурсия олиб борувчи, сўнгра Ядро физика институтида лаборант бўлиб ишлаган. Акам Абдусатторнинг зеҳни ўткирлиги, ҳаракатчанлиги, қобилиятини кўрган устозлари уни Москва Давлат Университетига бориб ўқишга тавсия қилган. Устозларининг тавсияси билан унинг ҳужжатлари Москва Давлат Универ-ситети Биология факультетининг кундузги бўлимига ўтказилган ва у ўқишни Москвада давом эттирган. Албатта, бунинг учун кўплаб тўсиқларни енгиб ўтиш зарур бўлган. Акам Абдусаттор 1966 йили Москва Давлат Университетини битириб, собиқ иттифоқ Фанлар Академиясининг Одам ва ҳайвонлар физиологияси йўналиши бўйича аспирантурага кирган.

Учинчи акам Абдукаримов Абдураим 1964 йили кумуш медаль билан мактабни битирган ва шу йили Москва полиграфия институтининг Полиграфия маҳсулотларини тайёрлаш ихтисослиги бўйича ўқишга қабул қилинган. У ўз меҳнат фаолиятини дастлаб Тошкент шаҳридаги “Шарқ” матбаа ташкилотида мухандис, кейинчалик Янгийўл шаҳридаги полиграфия корхонасида бош мухандис лавозимида фаолият юритган. Мустақиллигимиз аввалида молия соҳасини ташкил этиш, янги пул ишлаб чиқариш жараёнида, Тошкент шаҳридаги қоғоз фабрикасини ташкиллаштиришда иштирок этган ва раҳбарликка тайинланган.

Мен 1966 йили мактабни тугатиб, Москва пўлатлар ва қотишмалар институтига ўқишга кирганман. 1986 йили шу институтнинг аспирантурасини битириб, фан номзоди диссертациясини ёқлаганман. Асосий меҳнат фаолиятимни 1977 йили Ўрта Осиё рангли металлар саноати илмий текшириш-лойиҳалаш институтида 13 йил мобайнида оддий мухандисликдан лаборатория мудири лавозимигача хизмат қилиш орқали бошлаганман. Мустақиллик даврларида эса Ўзбекистон иқтисодиётини бошқариш ва башорат қилиш Қўмитасида республикамизда кимё, металлургия ва тоғ-кон саноати корхоналари ривожланишига масъул бўлганман. 2001 йилдан то 2011 йилгача Тошкент зарбхонасини бошқарганман.



1966 йилда Абдусаттор акам уйланган. Келинойи Москва Давлат Университетининг Кимё факультети аспиранти эди. Шундай қилиб, 1966-1969 йиллари бир оиладан тўрт киши Москвада билим олганмиз. 1969 йили Абдусаттор акам, келинойим Мавжуда опа, акам Абдураимлар Тошкентга қайтиб, ишга жойлашдилар. Келинойим ва Абдусаттор акам фан номзоди, кейинчалик эса фан доктори бўлдилар. Вақти келиб, Абдусаттор акам Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги бўлиб сайланди ҳамда мустақиллигимизнинг илк йилларида Тошкент шаҳридаги Ўсимликлар генетикаси институти директори лавозимига тайинланган.

Ҳозирда Абдусаттор акамнинг тўнғич қизи Гулноза фан доктори, Кардиология институти директори ўринбосари.



Абдукарим аканинг тўнғич қизи Машҳура текстиль соҳаси бўйича фан доктори.

Кўриб турганингиздек, оиламиз аъзолари отамизнинг васиятларини онамизнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари, берган тарбиялари натижасида, изчиллик билан бажариб келмоқда...

... Абдумўмин ака шу ерда ўз ҳикоясини тугатар экан, кўз олдимга 30 ёшида тўрт бола билан бева қолган Савринисо аянинг сурати гавдаланди. Ўзи саводсиз бўла туриб, тўрт фарзандини оёққа тургизиб, олий маълумотли қилган буаёлнинг олдида таъзим қилгим келди... Савринисо ая тўнғич ўғли Мирсаид аканинг туман ижроия қўмитаси раиси, бир қатор жамоа хўжаликлари раҳбари, иккинчи ўғил Абдусаттор аканинг республика Фанлар Академияси академиги этиб сайланганини, Ўсимликлар генетикаси институти директори бўлганлигини, учинчи ўғил Абдураим аканинг Тошкент шаҳридаги Қоғоз фабрикасига раҳбарлик қилганини, кенжа ўғил Абдумўмин аканинг Тошкент зарбхонасини бошқарганлигини, Янги Ўзбекистонни қуриш ва Учинчи Ренессанс асосларини яратишда фаол иштирокларини кўриш насиб этгани, барчани мамнун этмоқда ...

— Мен Абдукаримовларнинг кенжаси Абдумўмин билан тенгқурман, ўрта мактабни бирга битирганмиз, у олий ўқув юртларини Москвада битирганига, кейин нуфузли республика миқёсидаги муассасаларда ишлаганига қарамасдан алоқаларимиз ҳанузгача давом этаяпти, — дейди O'zLiDeP Чиноз туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Файзулла ака Тожиқулов. — Бу билан фахрланаман. Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтимизда қандайдир сабаблар билан уйларига бориб қолсам дўстимнинг онаси Савринисо хола албатта дўстлик, самимийлик, ҳамжихатлик, садоқат мавзулари уфуриб турувчи дуолар қилиб, бизга соғлик тилардилар. Охиратлари обод бўлсин! Ахир бир ўзи тўнғич ўғлини Тошкент шаҳрида, қолган уч ўғлини Москва шаҳридаги олий ўқув юртларида таълим олиши учун имконият яратаолиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди-да. Назаримда, тўрт ака-ука Абдукаримовлар авлоди, сулоласи, уларнинг жамиятимиз ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳақида тўлақонли маълумотни битта мақола орқали ёритиш имконияти йўқ, ҳар бири ҳақида алоҳида китоб ёзилса ҳам камлик қилади. Чунки ҳозирги кунда 4 ака-укага тегишли ўғил-қиз, келин, невараларнинг аксарият қисми Ватанимиз равнақи йўлида илм-фан билан самарали шуғулланишаяпти. Яна бир фикр, айнан Абдукаримовлар авлоди-сулоласига монанд хонадонлар она ватанимиз ривожланиши, равнақи йўлидаги ўзак ҳисобланади деб ўйлайман.

... Дарҳақиқат, Файзулла аканинг гапига қўшилмаслик мумкин эмас. Буни Савринисо аянинг ҳар бир ўғли туриш-турмуши билан исботлаб келмоқда. Биз эса уларга фақат омад ва Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятларида янгидан-янги зафарлар тилаб қоламиз.

# ИС ГАЗИДАН (СО) ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!



Рангсиз Ҳидсиз Товушсиз



**Statistik ma'lumotlarga ko'ra, respublikada so'ngi uch yil ichida kuz-qish isitish mavsumida sodir bo'layotgan favqulodda vaziyatlarning aksariyati is gazidan zaharlanish holatlari bilan bog'liq. Ma'lumki is gazi (SO) rangsiz, hidsiz, korxona sharoitida eng ko'p uchraydigan zaharli birikma bo'lib, tabiiy gaz, yoqilg'i, ko'mir, o'tin cho'g'lari to'liq yonmasligi oqibatida xosil bo'ladi. Tutun tarkibida 3%, ishlangan gazda 13%, portlovchi gazlar tarkibida esa 50-60% gacha is gazi bo'ladi.**

Is gazidan shamollatish tizimi yaxshi ishlamaydigan organik moddalarni ishlab chiqaradigan korxonalarda, avtoulovlar turar parklarda, yangi bo'yalgan va shamollatilmagan xonalarda, shuningdek uy sharoitlarida tabiiy gaz chiqib turganda va pechka bilan istiladigan uylar, hammomlarda, dam olish palatkalarida yonuvchi moddaning to'liq yonmasligi natijasida zaharlanish mumkin.

Is gazi organizmga nafas a'zolari orqali ta'sir etadi. Ushbu gaz gemoglobin bilan kislorodga nisbatan 300 marotaba kuchli birikma - karboksigemoglobin hosil qiladi. Oqibatda gemoglobinning to'qimalarga kislorod tashish xususiyati keskin pasayib, gipoksiyaga, og'ir xolatlarda esa - anoksiyaga olib kelishi hamda shu tariqa inson hayotdan ko'z yumishi mumkin.

Tahlillarga ko'ra, is gazidan zaharlanish holatlarining aksariyati quyidagi sabablarga ko'ra yuzaga kelmoqda:

Fuqarolar tomonidan gaz va muqobil yoqilg'i (ko'mir, o'tin va boshqa) turlaridan foydalanishda xavfsizlik choralariga rioya etmaslik;

Nostandart (qo'lbola yasalgan) yoki sertifikatga ega bo'lmagan isitish pechlari va anjomlaridan foydalanish;

Isitish pechlarining dudburonlarini noto'g'ri o'rnatish;

Gaz yoki boshqa muqobil yoqilg'iga moslashtirilgan isitish pechlari (anjomlari)ni dam olish (uxlash) xonalariga olib kirish;

Havo almashmaydigan xonalarni isitishda ochiq olov (ko'mir va o'tin cho'g'lari)dan foydalanish;

Havoni almashtiruvchi shamollatish shaxtalari yoki tuynuklarni berkitib (to'sib) qo'yish.

Yuqorida ko'rsatib o'tilgan sabablarga ko'ra isitish uchun foydalanilayotgan yoqilg'i (gaz, ko'mir, o'tin va boshqa)ni chala yonishi natijasida is gazi hosil bo'ladi.

Yuqoridagi sabablarni kelib chiqishiga yo'l qo'ymang. Is gazidan zaharlanishdan ogoh bo'ling.

**Sh. Sadenov,**
Yashnobod tumani FVB nazorat va profilaktika bo'linmasi mutaxassisi

# «ЕНГИЛ» ЮРГАННИНГ «ОҒИР» ЎЛИМИ



**Назир Шукуров,**
Иштихон туман прокурорининг ўринбосари,
биринчи даражали юрист

***Минг йил яшаган бир саҳоба «Эссиз-эссиз, у эшикдан кирдиму бу эшикдан чиқиб кетябман» деган экан.***

**Ўткир Ҳошимов, *«Икки эшик ораси» асаридан.***

Ушбу ҳодиса реал воқеага асосланган бўлиб, ҳодисаларни бевосита кузатган ва қотиллик жиноятини тергов қилган терговчи томонидан ёритилган.

**Мурда**

***Одамнинг қимматбаҳо нарсасини йўқотса ачинади, туҳматга қолса бошини тоғу-тошга уради, қадри ерга урилса исён кўтаради, яқин кишиларидан айрилса дод солади..***

**Ўткир Ҳошимов, *«Икки эшик ораси» асаридан.***

Нуробод тумани, Самарақанд вилоятидаги умумий кўрсатгичларига кўра кичик туманлардан бири ҳисоблансада, ҳудуди жиҳатдан энг катта туман бўлиб, унинг асосий ҳудуди адирликлардан, яйлов ва дашт ҳудудидан иборатлиги ҳаммага маълум.

Тошмурод ака умр бўйи қўй боқиш билан шуғулланган, тирикчилиги шундан, август ойининг ўрталарида гарчанд адирликларда ўт-ўлан қолмаган бўлсада, қуриган ҳасни қўйлар истеъмол қилса уларнинг вазни ошиб, гўштбоб бўлишини Тошмурод ака яхши билади, шу сабабли Тошмурод ака ҳар куни кечга яқин бир пода қўйларини ҳайдаб чиқади, унинг бир эмас иккита чўпон ити ҳам бор, Тошмурод ака қўйларни ҳайдаб чиқди дегунча итлари ҳам унга эргашади, итлар бунга одатланган.

Тошмурод ака одатдагидек қўйларини ҳайдаб чиқди, адирликларда анча айланди, ёзнинг узун кунида соат 21 дан ошганида қайтмоқчи бўлди, лекин итлари йўқлигини кўриб уларни чақирди.

**-Оқтирноқ, Бўйноқ.. ма-ма-ма!!**

Итлар ҳа деганда келмади, бироқ уларнинг ғингшиган овозини эшитди, бу овоз адирлик устига ўзига ўхшаган чўпон томонидан бир пайтлар қурилган, ҳозирда ҳеч ким яшамайдиган чайладан келарди, қўйларини тўплаб, ўзи ўша томонга борди, итларини қайта-қайта чақирса-да улар кўринмади.

Тошмурод ака чайлага яқин келди ва чайланинг эгаси ҳақида ўйлади. «Чайлани Ахмад қурган, уйи ҳам йўқ, бир умр шу ерда яшаган, бировларнинг қўйини боқиб тирикчилик қилади, фарзандлари шу ерда вояга етди, чайла ҳам икки хонали. Келин олганда ҳам шу ерда яшашди, нима бўлди-ю Ахмаднинг катта фарзанди Жонибек уларни уйдан олиб чиқиб кетди, ҳозир улар оилавий Нуробод туман марказида ижарада яшайди, чайла ҳам эгасиз қолиб кетди.... »

Тошмурод ака шу ҳаёллар билан чайлага кирди, димоғига ўта бадбўй қўланса ҳид урилди, бурнини қўли билан ёпар экан - бирор ҳайвон ўлиб қолганга ўхшайди - деб ўйлади. Чайла деворлари лой билан сувалган, бир эшиги ва икки ойнаси бор, эшикдан кирилганда икки томонга алоҳида хоналарга кирса бўлади, итларнинг овози билан ўнг томондаги хонага кирди, чайла полига ҳам тахта ётқизилмаган, бу хонанинг ери эса икки ит томонидан панжалари орқали ковланаётганини кўрди, хона қоронғу бўлганлиги сабабли, итларини чақириб қўлидаги фонарни ерга тутди, не кўз билан қарасинки одам қўлининг ердан чиқиб турганлигини кўриб дахшатдан қотиб қолди...... додлаб ташқарига отилиб чиқиб кетди....

## Терговчи

*Ҳаёт нима ўзи?! Толе ҳадя этган ином.*

**Ўткир Ҳошимов, *«Икки эшик ораси» асаридан.***

Самарқанд вилоят прокуратураси Ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчисининг хонаси, терговчи столидаги қоғозларни тартибга келтирар экан, деворга осилган соатга қаради, тунги 22-00, ҳурсиниб қўйди, ўзидаги чарчоқни ҳис қилди, қўлларини кўтариб, бироз керишди, сўнг хонани қулфлаб энди чиқаётганида бўлим бошлиғи келиб қолди ва ҳазиломуз гап бошлади.

**- Ҳа ўртоқ терговчи, отландингизми?!**

**Одатда бўлим бошлиғининг ёши терговчидан анча катта бўлиб, уни Сизламасдан гапирар эди, унинг Сизлаганидан ушбу гаплар ҳазил эканлиги сезилиб турарди.**

**- Ҳа уйга борай...**

**- Бугун навбатчи терговчисан, бирор кор хол бўлмасин-у барибир телефонинг ишлаб турсин-да!!**

**- Тушундим, майли борақолай, тўғриси тушлик ҳам қилмагандим, қорним очди..**

**Бўлим бошлиғи яна ҳазил гап ташлади.**

**- Кечқурун овқатни еяверганингидан қорнинг чиқябди, емасанг ҳам йиқилиб қолмайсан.**

**Терговчи табассум қилдида йўлида давом этди, машинасини кўп қаватли уйнинг ёнига қўйдида уйига чиқди, уни турмуш ўртоғи кутиб турарди,**

**- Ассалому алайкум, яхши келдизми дадаси?**

**- Ҳа, яхши, боллар ухладими?**

**- ҳа болаларингиз ухлаб қолди, ухламаймиз дадам келсин кейин ухлаймиз деб роса кутишди, кейин ухлаб қолишди, овқат ейсизми, бугун «ток оши» қилгандим.**

Терговчи «ҳа ейман» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бошлиғининг гапи эсига тушиб, «Кеч бўлди, қатиқ бўлса ичаман» деди. Тунги соат 23-30. Терговчи энди ухламоқчи бўлиб турганида телефони асабий жиринглади. Телефон экранига қараганида, вилоят прокуратураси навбатчисининг рақами эканлигини англаган ҳолда қўнғироққа жавоб берди...

**- Аъло эшитаман..**

**- Ака яхшимисиз, навбатчи прокурор ҳамкасбидан ҳол-аҳвол сўрагандай бўлди, - бугун навбатчи терговчи экансиз, Нурободда мурда чиқибди, шахси ноаниқ, очилмаган қотиллик, шунга ҳодиса жойига бориш керак экан.**

Терговчи, навбатчига «тушунарли» деди-да, ўрнидан туриб кийимларини кия бошлади, унга аёли ҳайрон бўлиб қараганди, «навбатчиман, ўлик чиқибди бора қолай» деди. Унинг аёли ҳам бу каби ҳолатларга ўрганиб қолганигами, қисқа қилиб «ҳа-а-а» деб қўя қолди. Турмуш ўртоғининг қачон қайтиб келиши номаълум эканлигини яхши билар эди.

Одатда қотиллик жиноятлари

содир этилса ҳудудий жиҳатдан туман прокуратурасининг терговчилари иш юритувига олиб тергов ҳаракатлари ўтказади, бироқ жиноят очилмаган ва уни ким содир этганлиги аниқланмаган бўлса бу вилоят прокуратураси терговчиларининг иши.

Терговчи ўз машинасида Нуробод тумани томон йўлга чиқди, ҳодиса жойи Нуробод туманиннг бир қишлоғида бўлганлиги, қишлоқ туман марказидан анча олисда жойлашганлиги, дашт ҳудудида йўлнинг ҳаракатланиш учун жуда ноқулай бўлганлиги етмагандай, шу куни кучли шамол бўлди, дашт ҳудуд эмасми, ҳамма ёқни тупроқли чанг босди, сал нарини кўриш имконсиз эди, терговчи бўлса турли ҳаёллар суриб ҳодиса жойига тунги соат 02-00 да етиб борди. Қишлоқда чироқ йўқ, ҳамма ёқ қоронғу, ҳодиса жойига унга қадар ҳудудий прокуратура терговчиси, тезкор-тергов гуруҳининг бошқа аъзолари боришиб, уни кутиб туришган экан.

Терговчи мурда топилган хонага кирар экан, биринчи бўлиб ким кўрганлигини ва уни суҳбатга олиб келишларини билдирди, тезкор ходимлар тун бўлишига қарамасдан тезда Тошмурод акани топиб келишди, Тошмурод ака ҳаяжонланиб кўрган билганларини айтиб берди.

Терговчи, мурда топилган хонага кирди, ҳамма ёқда бадбўй ҳид тaралган, мурда аянчли ҳолда эди, бундай ҳолатларга аллақачон кўникиб кетган терговчи совуққонлик билан фонар ёруғида мурдани яқиндан кузата бошлади, унинг кузатишига экспертнинг сўзлари жўр бўлди, «аёл жинсли, 25-30 ёшларда, чуқур чириш ҳолатида, ўлим вақти тахминан 4-5 ой олдин, чап қўли ўлгандан сўнг шикастланган, мурдани очмасдан ўлим сабабини аниқ айтиш қийин, алоҳида белгиси ҳам йўқ ....».

Терговчи бу гапларни эшитар экан ҳаёлида турли тергов тахминларини илгари сурарди «аёл ким?», «у шу атрофнинг фуқароси бўлса бедарак эканлиги ҳақида ҳеч ким ҳабар бермаганми?», «балки умуман бошқа туманнинг ёки вилоятнинг фуқаросидир, агар фохиша бўлса шу ёқларга ким(лар)дир олиб келиб ўлдириб кетгандир, атрофда уйлар ораси бир биридан анча олис, бақириш ёки ёрдамга чақириш каби шовқинлар эшитилимайди, қолаверса уй ичида бўлса, қандай бўлмасин шахсини аниқлаш керак, шахсини аниқламасдан қотилни топиб бўлмайди, бу чайласимон уйда олдин кимлар яшаган, буни ҳам аниқлаш керак.......».

Терговчи шу ўйларда терговни бошлаб юборди, дам олиши кераклигини ҳам унутди, чунки қоттилик жиноятини исиқ изидан фош этиш муҳим, қолаверса қотиллик содир бўлганига анча вақт ўтган, шу сабабли у ички ишлар ходимларига қарата «алоқаси бўлиши мумикн бўлган ҳамма шахсларни Нуробод прокуратурага йиғинг, ҳа демай тонг отади, мурдани экспертизага олиб борилишини ташкиллаштиринг» дея топшириқ берди.

**Муҳаббатми ёки ҳирс?!**

***Эҳтимол одам фаришта бўлиб туғилса-туғилар, аммо бир умр фаришта бўлиб яшолмайди. Ўткир Ҳошимов, «Икки эшик ораси» асаридан.***

Чарос – катта қора кўзли қиз, фусункор, жозибали, нафис, латофатли маъноларини англатади, шу сабабли ҳам Робия опа қизига «Чарос» деб исм қўйган. Чарос ҳам қишлоқнинг ҳамма қизлари каби катта бўлди.

Қизлар ҳам, йигитлар ҳам 15-16 ёшда ўзига қарама-қарши бўлган жинс вакилларига қизиқиши кучаяди, муҳаббат деб аталмиш буюк туйғу ҳам айнан шу ёшда шакиллана бошлайди, лекин баъзилар шу муҳаббат деб аталмиш туйғунинг ҳарс билан бир-бирига жуда яқин эканлигини унутиб қўйишади, ёки уларни ажрата олмай адашишади. Чаросда ҳам ҳудди шундай бўлди. У ўзига тенгкур қизларга нисбатан йигитларга анча қизиқадиган, унга барча йигитлар диққат бўлиб қарашларини, у ҳақда гапиришларини ҳамманинг диққатида бўлишни истарди ва ўзининг ҳаракатлари ва ноз-карашмалари билан бунга қандайдир маънода эришарди ҳам. Лекин бу вақтда Чарос бор йўғи 15 ёшда эди, бир вақтнинг ўзида бир неча йигитларга «муҳабатдан маст» эканлигини айтишдан андиша қилмасди. Чароснинг отаси ёши катта бўлганлиги сабабли бу ҳолатларга кўп эътибор қаратмас, онаси Робия опа эса Чароснинг ҳаракатларини ёшликка йўярди.

Шундай кунларнинг бирида Чарос ўзидан икки ёш катта бўлган, 17 ёшли Жонибек билан танишиб қолди, Жонибек ҳам қишлоқнинг содда йигити, Чаросни кўрди-ю, «мен бир кўришда севиб қолиш бахтига муяссар бўлдим» деб ширин ҳаёлларга берилди. Улар бир-бирлари билан гоҳ учрашиб, гоҳ телефон орқали соатлаб

гаплашишди, бир-бирларига чексиз муҳаббат изҳор қилишди.

Орадан бир йил вақт ўтиб, Жонибек мактабни тамомлади. Лекин у кўпчилик битирувчилар каби олийгоҳга кириш, билим олишда давом этишни эмас тезроқ пул топиб, Чаросга уйланиш ва унинг васлига етишни орзу қилди, шу мақсадда ишлаш учун Тошкент вилоятига кетди, қурилиш ишларида бироз ишлагандек бўлди, лекин Жонибек қўлида аниқ бир ҳунари ёки мутахассислиги бўлмасдан бирдан кўп миқдорда пул топиш имкони йўқлигини, Тошкентга келган билан ишлари у ўйлагандек бўлиб кетмаслигини тушунди, лекин Чаросга бўлган муҳаббатими, ёки ич-ичидан ҳис қилаётган ҳирсими уни фақат Чарос ҳақида ўйлашга, унинг васлига етишга чорлади. Шу сабабли у Чаросга телефон қилиб, Тошкентга унинг ёнига келишини айтди, Чарос ҳам кўп ўйлаб ўтирмади, 16 ёшли бўлишига қарамасдан ҳеч кимга айтмасдан Тошкентга Жонибекнинг олдига кетди. Улар халқимизнинг қадимий анъаналари билан боғланган, «гўшанга» деб аталмиш даргоҳга қадам ҳам қўймасдан бир ёстиққа бош қўйишди, уларнинг бу ҳаракатлари муҳббат ёки ҳирс бўлганлигини ўзлари ҳам тўлиқ тушуниб етишмаган эди.

**Ҳиёнат ва ўлим**

***Эҳтимол ўғирлик қилган одамнинг сири очилмас, эҳтимол қотиллик қилган одамнинг ҳам сири очилмас, аммо ҳиёнат фош бўлмай қолмайди. Ўткир Ҳошимов, «Икки эшик ораси» асаридан.***

Ҳаёт фақатгина тўшакдан иборат эмаслигини англаган Жонибек ва Чарос ўз уйларига қайтишди, лекин улар ўз сирларини ҳеч кимга айтишмади, яқинларига гўёки Тошкентни айланиб келишганлигини билдиришди. Шу билан бирга уларнинг пинҳона учрашувлари, ишқий саргузаштлари ўз натижасини бермасдан қолмаган эди, 16 ёшга кирган Чарос ҳомиладорлигини дастлаб яширишга уринган бўлсада, унинг қорни катталашганлиги ҳамма сирни фош қилиб қўйди. Чаросни амма-холалари ўртага олишди.

**- Болани отаси ким?**

**- Нариги қишлоқдаги Жонибек, Чарос ҳам андиша қилб ўтирмади.**

Чароснинг қариндошлари Жонибекни уйига боришди, унинг яқинлари билан гаплашишди, уларни никоҳдан ўтказишни ва тўй қилишни айтишди, бироқ Жонибек ўзи, ота-онаси ва икки укаси билан чайласимон қилинган томи ҳам ёпилмаган уйда турар, уларни тўй қилиш учун умуман имконияти йўқ эди, шундай бўлсада Чарос Жонибекнинг уйига келиб, у билан эр-хотин бўлиб яшай бошлади.

Вақт ўтиши билан чарос қиз фарзандли бўлди, лекин оиладиги етишмовчилик, туғруқдан кейинги ташвишлар Чароснинг жозибасига таъсир қилмай қолмади, бироқ Чарос ич-ичидан ўзининг ҳаётидан нолирди, уни ўйин-кулгу, ҳамманинг эътиборида бўлиш, тўкин-сочин яшаш қизиқтирарди, вақт ўтиши билан Жонибекни писанд этмасдан, унга эр сифатида эмас, моддий томондан таминлашга мажбур бўлган шахс сифатида қарай бошлади. Жонибек асосан шаҳарларга мардикорчилик қилиш учун ишлагани кетар, Чарос эса уйда қолар, шунда ҳам қайнона ва қайнотасини хизматини қилиш у ёқда турсин, уларни жеркиб ташлар, уларга фарзандини ташлаб ўзи онасининг уйига кетиш баҳонасида 3-4 кунлаб йўқолиб кетарди.

Ҳа, Чарос хиёнат йўлига ўтганди, у кўнгилхушлик ва арзимаган моддий қимматликлар учун тўғри келган эркаклар билан ишқий муносабатларга киришиб кетаверар эди. Жонибекка атрофдаги яқинлари бу ҳақда бир неча марта айтишди, лекин Чарос бирортасини тан олмас, Жонибекни авраpди. Вақтлар ўтди, Чарос яна фарзандли бўлди, бу сафар ўғил туғилди. Лекин, 21 ёшли Чарос 2 нафар фарзанднинг онаси бўлсада эски қилиғини ташламади, ҳеч бир сўроқсиз, номаълум томонга чиқиб кетарди. Шундай кунларнинг бирида ўзидан 15 ёш катта бўлган Умид ака билан танишиб қолди, турмуш ўртоғи ёки бошқаларни огоҳлантирмасдан Умид ака билан Россия Федерациясига ҳам кетиб юборди, Умид ака ҳам дастлаб Чароснинг эркаликларини кўтарди, лекин кейинчалик жонига тегдими, «барибир ишламайсан кет» деди, Чарос яна ортга қайтди, Жонибек билан келишмовчиликлар бўлди, унинг калтакларига ҳам чидади, Жонибек фарзнадлари учун уни кечирди.

Бу вақтда, Жонибек ота-онаси ва фарзандларини олис қишлоқнинг чайла уйидан олиб, туман марказидан ижарага олган уйга кўчиб келди, ҳаётини қайтадан бошлаш ва яхши яшаш истаги пайдо бўлди. Чарос учунчи

марта ҳомиладор бўлди, ҳомиласи 15 ҳафталик бўлганида соғлиғи ёмонлашиб, шифохонага тушди, Жонибек уни кўргани бориб турди, бир куни борса Чарос шифохонадан ҳеч сўроқсиз чиқиб кетганлигини билди, врач Холида опа Жонибекка қараб ичи ачиди, чунки Чарос шифохонада ҳам тинч турмас, кечалари турли эркаклар билан чиқиб кетиб, тонгда қайтиб келарди. Жонибек врач Холида опадан турмуш ўртоғининг аҳволини сўради.

Ҳолида опа ҳам атайлабми ёки билмасданми қандайдир сирларни очиб қўйди:

**- ўғлим, турмуш ўртоғингизни соғлиғи ёмон эмас, лекин яна шундай ҳомилани олдираверса яхши бўлмайди.**

**Жонибекнинг ичидан бир нарса узилгандек бўлди, чунки Чароснинг унга хиёнат қилмаётганига доим ўзини ишонтириб келар эди, энди эса ҳомилани олдириш ҳақида гап кетяпди, ахир Чарос бу ҳақда унга ҳеч қачон гапирмаган эди.**

**- Қанақа ҳомила олдириш, қачон ҳомила олдирган?**

**-Ўғлим Сизни бундан ҳабарингиз йўқми, турмуш ўртоғингиз икки марта туғруқни бошидан ўтказган ҳозир ҳам ҳомиладор, лекин турмуш ўртоғингиз бундан олдин 5 марта ҳомила олдирган.**

«Ҳомила олдирган, ҳомила олдирган...» врач Ҳолида опанинг гаплари Жонибекнинг қулоғи остида қайта-қайта янграгандек бўлди, Жонибек Чаросдан нафратланди, ғазаб отига минди фикри ҳаёли Чаросни ўлдириш, шу орқали ундан қасд олишни режа қилди, Чаросни излаб туман марказидаги ошхоналарнинг биридан топди, унга ичидаги нафратини билдирмасдан, бирга овқатланишди, Чаросга ўзларининг чайласимон уйига боришни таклиф қилди, ота-онаси ва фарзандларидан ҳоли, эр-хотин бир икки кун табиат қўйнида яшаб келишни таклиф қилди.

Кеч тушиб қолган эди, тун ярим бўлганда марказдан 50 км узоқликдаги уйига эр-хотин йўлга чиқишди, уйга боришди. Чайласимон уйига киришди, Жонибек гап бошлади:

**- Сен менга хиёнат қилмаганман дегандинг, 5 марта ҳомила олдирибсан? Агар шундай қилган бўлсанг ўлдим деявер.**

**Чарос ҳам андиша қилмасдан ўзини оқлаб ўтирмади.**

**- Ҳа, нима қилишим керак, бир шароит қилиб берган бўлмасангиз, мен ҳам одамман, билганимдек яшаябман, олдирган бўлсам Сизни болларингизни эмас бошқанинг боласини олдирдим, ана Сизникини туғиб берганман, мана Сизникини кўтариб юрибман - қорнига ишора қилди – ўлдирсангиз ўлдираверинг, ўзимни ҳам жонимга тегди бу ҳаёт.**

Лекин, Чарос шу вақтда ўлишини ҳаёлига ҳам келтирмаган, Жонибекнинг бу гаплари шунчаки қўрқитиш деб ўйлаган эди. Шу вақтда Жонибек олдиндан тайёрлаб қўйган арқонни олиб, Чароснинг орқасига ўтган ҳолда арқонни унинг бўйнидан ўтказиб, Чаросни буға бошлади, Чарос овоз чиқара олмаган бўлсада, олдинига анча типирчилади, сўнг жимиб қолди. Жонибек мақсадига етганлигига ишонч ҳосил қилиб, мурдани пардага ўради, сўнгра хона ичидан ўра қозиб, мурдани ўрага кўмиб юборди. Ўзи тонгда туман марказига бориб, ота-онасига ишлаш учун кетаётганлигини айтиб, Қозоғистон Республикасига чиқиб кетди. Гўёки шу билан жиноят фош бўлмаслигини таъминлагандек бўлди.

Чаросни дастлаб онаси Робия опа телефон қилиб сўради, Жонибек уни кўрмаганлигини, олдин ҳам кетиб қолганлигини, бирон жойга кетган бўлиши мумкинлигини айтиб қўйди. «Итини феъли эгасига маълум» бўлганлиги сабаблими, Робия опа ҳам ўзининг бошқа оилавий ташвишлари билан қайтиб қизини сўраб суриштирмади, «балки Россияга кетгандир, келиб қолар» деб ўйлади.

**Ёпиғлик қозон...**

***Рост билан ёлғоннинг ўртаси – тўрт энлик. Ўткир Ҳошимов, «Икки эшик ораси» асаридан.***

Терговчи дастлаб мурда айнан Чаросга тегишли бўлиши мумкин деган тахминга келди, лекин уни таниб олиш учун яқинларига кўрсатишнинг фойдаси йўқ, чунки мурда чуқур чириш ҳолатида бўлганлиги сабабли, таниб олиш имконсиз, шу сабабли терговчи Чароснинг отаси ва онасидан биологик намуналар олиб, мурда билан солиштириш учун судга оид ДНК экспертиза тайинлади.

Экспертиза хулосасини олгач, терговчи ҳайрон қолди, чунки мурданинг биологик онаси Робия опа эканлиги қайд этилган бўлсада, тақдим этилган отанинг биоматериаллари



Чароснинг отасига тегишли эмас ёки Чароснинг биологик отаси бошқа шахс эканлиги қайд этилган эди.

Терговчи мурда Чаросники эмасдир деган тахминга ҳам борди, эксперт билан маслаҳатлашди:

**- Йўқ, техникамиз адашмайди, мурдани биологик онаси аниқ Робия опа, фақат отаси бошқа** – деган жавобни олди.

Терговчи, мажбур Робия опани чақирди, унга савол беришда ҳам анча иккиланди.

**- Опа, тўғри тушунинг, мурда қизингизми ёки бошқами аниқ билишим керак, Сиздан илтимос ҳам қонуний талаб, саволларимга аниқ ва тўғри жавоб берсангиз.**

**- Мурда аниқ қизимку, киймларини менга кўрсатдингиз, улар рангсизланиб кетган бўлса ҳам қизимникийимини биламан, танидимку, қизимни куёвим ўлдирган, уни жазосини тезроқ бермайсизми?**

**- Тўғри опа, кийимларни танидингиз, лекин бунинг ўзи камлик қилади, эсингиздами Сиздан ва турмуш ўртоғингиздан қон намуналари олган эдик?**

**Робия опа тасдиқлагандан сўнг, терговчи сўзлашда давом этди:**

**- Опа, экспертиза натижаси чиқди, истасангиз таништираман, мурданинг биологик онаси Сиз экансиз, лекин отаси бошқа бўлиб чиқябди, шунга нима дейсиз?**

Робия опа дастлаб гап нима ҳақда кетаётганлигини англамади, сўнг бирдан тушунди шекилли «Йўғеее» деди-ю ерга қараб йиғлай бошлади, терговчи узатган сувни ичаркан,

**- Укажон, Сизни тушундим, ишингизни устаси экансиз, ҳақиқатдан ҳам Чароснинг отаси бошқа бўлиши мумкин, буни инкор этмайман, ўзим ҳам шубҳаланганман, лекин ишончим комил эмасди, мана экспертиза исботлаб берибди, бу ёшликда қилинган хатолар, лекин орадан 20 йил вақт ўтди, Сиздан илтимос ёпиғлик қозон ёпиқлигича қолсин, ахир қўни-қўшни, қуда-анданинг оддида нима деган одам бўламан,** - деб йиғлашда давом этди.

Мурданинг биологик отаси бошқа одам бўлишлиги жиноятни малакалашга ҳеч қандай таъсир ўтказмайди, одам ўлдириш барибир жиноят, терговчи фақат мурда Чаросга тегишли эканлигига ишончи комил бўлиши учун шу саволларни берган эди, тергов давомида узоқ йиллар олдин Робия опа турмушга чиққан бўлсада, турмушидаги келишмовчиликлар сабаб ота-онасининг уйига кетиб қолганлиги, шу орада бошқа шахс билан яшаганлиги, лекин кейинчалик турмуш ўртоғининг уйига қайтиб келганлиги аниқланди.

Терговчи, Робия опага қараб «олманинг остига олма тушади» деган нақл бекорга айтилмаган деб ўйлади-ю, яна бу ҳақиқатни ҳаммага ошкор қилса қандайдир кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлишини ўйлаб, «қозон ёпиғлигича қолсин» деган қарорга келди.

Тергов давомида, Чароснинг енгилтак бўлганлиги, пала-партиш жинсий ҳаёт кечирганлиги, турмуш ўртоғи Жонибек уни рашк сабабли буғиш орқали ўлдириб, мурдасини кўмиб юборганлиги, ишда тўпланган кўплаб далиллар билан исботланиб, «енгил» юрган Чарос «оғир» ўлим топганлиги тўлиқ тасдиқланди.

Терговчи, ишни тугатиб, судга юбориш арафасида жиноят иши ҳужжатларига яна бир кўз югиртирар экан, Чарос ва Жонибекнинг икки нафар бегуноҳ фарзандлари болаликларини ота-она меҳрисиз ўтказишини ўйлаб, ҳўрсиниб қўйди.....

# КАК СВЕТЛА И ПРЕКРАСНА ОТЧИЗНА МОЯ...



**ТАШКЕНТ**

В сердце Азии место обрел наш Ташкент,
Он достоин похвал, его облик высок,
Тут с небес, каких чище и красочней нет,
От зари до заката живит ветерок.

Солнце, Индию днем обходя и Китай,
Лишь на небе Ташкента находит покой,
Озаряя лучами свободный наш край,
Восхищаясь постройками с их высотой.

Так чисты, так прозрачны каналы у нас:
И Чирчик, и Бозсу, и Анхор, и Салар.
А небесные краски – блестящий бекас –
От Ташкента, бесспорно, получены в дар.

Фрукты самые вкусные в мире тут есть –
На ветвях серебристых рубиновый цвет,
Целый год времена не сменяются здесь:
Ведь Весна своей родиной видит Ташкент.

**Моей супруге Мухаррамхон**

Был ли верности путь протяженный такой,
Что ты столько седин в волосах собрала?
Все рассветы, в которых я грезил тобой,
Белизной под косынку ты в косы вплела.

Пусть бы рок сорок лет беды нам посылал,
Я у врат твоих сторожем счастья мог встать,
Когда нежных признаний слова я шептал,
Я в объятьях твоих целый мир мог обнять.

Помню день, когда сердце в порыве своем
Из груди, как из клети, наружу рвалось,
Пока я не почувствовал всем существом,
Как с дыханьем моим и твое вдруг слилось.

О моя Мухаррам, я и думать не мог
Уловить твою душу, слагая стихи,
Ты сама мое сердце поймала в силок,
Словно птичку,
сплетая косички в силки.

Твоей верности путь вышел долгий такой,
Что в railroad сединах твоя голова, Мухаррам.
Мало, если весь смысл и весь путь мой земной
Я тебе поднесу – твоим белым вискам.

**ВСЕ ТВОЕ**

Как светла и прекрасна Отчизна моя,
Все мое существо видит, любит тебя.
Ты – любовь, ты – начало, итог и стезя,
Ты – душа моя, тело, ты – кровь моя вся.
Все, что есть во мне, все, чем живу, – все твое.

По тюльпанным коврам каждый шаг мой ступал,
Я на каждом лице смех и радость встречал.
Когда золото нивы твоей целовал,
Я дыханье твое в мое тело вбирал.
Все, что дышит, цветет на земле, – все твое.

Горных склонов ступени бесчисленны там,
Ели с горных вершин тенью ластятся к нам.
Я озвучу стихи, я поэмы создам,
Ты есть мать своим доблестным, верным сынам,
Эти парни – бесстрашные львы – все твои.

Зреет хлопок в объятиях жарких твоих,
Восхищает добро урожаев больших,
В твоих недрах богатства пределов земных.
Сущность жизни, достоинства дел мировых,
Все величие мира, весь смысл – все твое.

Здесь горячее солнце ласкает с высот,
Без шипов и колючек дорога нас ждет,
Золотая заря на ресницы спадет,
И под музыку ветра свой танец начнет
Твой ликующий сад, твой цветник – все твое.

Рвался свет твой затмить нам враждебный свинец,
И тюльпаны рождались из крови сердец,
Но свобода сплела в наших душах венец,
Счастье, Родина, ты обрела наконец.
Все, что в будущем ясно, светло, – все твое!

**Перевод Николая Ильина.**

# Я НАУЧИЛСЯ ЖДАТЬ И ВЕРИТЬ...



**Николай Ильин,**
поэт, член Союза писателей Узбекистана

Страна полдневной желтизны
И звездных откровений неба,
Где в сердце знойной тишины
Таятся вензели распева.

Страна бутонных куполов
И стѐблей звонких минаретов,
Где самоцветы тюркских слов
Шлифуют тонкие поэты.

Где веришь этой простоте
И где, уставшее от зноя,
Заходит солнце золотое,
Оставив свой огонь листве.

Здесь средь тепла и доброты,
Среди обилия земного
Я встретил столько красоты
И жил так долго и так много.

**НАША СРЕДА**

Суфа, зеленый сад, вошел и сел,
Твори намаз любому богу;
И кто-то здесь немного обрусел,
А русские «обрисились» немного.
Никто ничью здесь не коробил суть
И не менял менталитет, понятно.
Но кто-то переплавился чуть-чуть,
А кто-то «перепловился» изрядно.

Сорокаградусный жары вечерний спад
И сад прохладный и тенистый;
Сорокаградусный наш терпкий суррогат
И плов с бараниной и рисом,
Европа с Азией устроили здесь гап –
И получилось евразийство.

**Все возвращается к своему началу:**
**И чистое золото, и серебро, и свинец.**

**Бабур**

Я научился ждать и верить времени,
Все ставящему на свои места,
Одолевающему жесткость кремня
И возрождающему плоть листа.

И то же мысль Бабура отмечала,
Что всякой лжи провидится конец:
Все возвратится к своему началу –
И серебро, и злато, и свинец.

***

**Красота спасет мир**
**Ф.М.Достоевский**

Когда мои слабели силы
И подступала пустота,
И мысли немощные стыли,
Меня спасала Красота:

Волны прозрачное скольженье,
Полет листвы и шум лесов,

Упругих струн соединенье,
Согласье звуков, красок, слов.

И, снова возвращаясь к жизни,
К труду и света полноте,
Я воздавал за силы те
Не только лишь друзьям и ближним,
Но и целебной красоте.

И, от беды меня спасая,
От лжи, бессмыслицы и зла,
Она являлась, как святая…

Спасет ли мир она? – не знаю,
Но жизнь мою она спасла.

***

В этом парке, встревожен и нежен,
я был ближе к весне с каждым днем:
ты меня полоснула надеждой,
обжигающей острым огнем.

Этих пальцев невольных касанье,
эта теплая близость ко мне,
эта легкость живого дыханья,
как весны колыханье в окне.

И свидетели – ветви и листья,
изумленные кроны, стволы –
добродушно над нами нависли,
прикрывая смущенья твои.

И с тех пор раскаленное солнце
осторожно обходит вдали
это место, где сердце так бьется,
где весна навсегда остается
в нежных почках прозревшей любви.

***

Есть то, что не зависит от желанья,
В чем наша воля, как и мысль, слаба,
Что не подвластно силе осознанья –
И это называется судьба.

Но есть и то, что нам дано природой,
Что как свое осознаете вы,
Что в нас живет натурой и породой –
И это не зависит от судьбы.

***

Коснулся месяц звездным жезлом
Глубин небесной высоты,
И темнота тотчас исчезла,
И распустились звезд цветы.
Небесных люстр заиндевелость
Сверкнула лунным серебром,
И вся вселенная смотрелась
Расшитым блестками ковром.

А далеко внизу мы сами,
Забыв, что было суетой,
Следили звездными глазами
Игру светил над головой.

## НОЧНОЙ ДОЖДЬ

Дождинок редких суета,
Намокших веток вздох тяжелый,
Луны живая красота
В пространстве разливает желтый.

Оживших птиц ночная трель,
Вся в бликах влажная дорога,
И кисть в луну, как в акварель,
Макает тополь одинокий.

***

Светом принесены,
Блеском ночного пламени,
Я собираю сны
В тайные бездны памяти.

Звездным лучам в ответ
Ясностью словозрения
Я обращу их в свет
Лунного стихотворения.

# КИТОБСИЗ ҲАЁТ ТУЯСИЗ САҲРОГА ЎХШАЙДИ



**Маҳмудхон Тоиров,**
шоир, публицист,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Агар ўтмишда жоҳиллар кўплаб китобларни ёқиб юбормаганида одамзод янада тараққий топган бўлар эди.

***

Болангни китоб ўқишга қизиқишини сўндираман десанг, ўқиётган китоби устидан имтиҳон уюштир.

***

Баъзи қалин-қалин китобларни қўлда қалам билан ўқиб, бир жўяли фикр топа олмай қийналаман. Айрим китоблардаги эътиборга лойиқ фикрларни белгилаб чарчайман.

***

Бир-икки жилдлик қисса орқали баён этиш қийин бўлган фикрни мухтасаргина битикка сиғдириш нақадар мароқли.

***

Ёзувчини ҳам, оқил китобхонни ҳам ўрни тўрда.

***

Жоҳилликнинг энг юқори чўққиси — бу китобни тутантириқ ўрнида ишлатиш.

***

Китоб варақларининг қушлар қанотига ўхшашлиги, уларнинг инсонга икки қанот: ақл ва идрок армуғон этиши билан боғлиқ бўлса ажабмас.

***

Китоб мутолаа қилмаган кунингни ҳаётингдан ўчириб ташла.

***

Кичик ҳажмдаги китоблар ўқишга қулай, катта ҳажмдагилари — жавонга жойлаштиришга.

***

Кўп китоб ўқиганман деб ўйласанг, китоб бозорини айланиб кўр.

***

Китоб дўкони ва кутубхонага боришни канда қилма.

***

Катта акам мени мактабга олиб боришдан олдин кутубхонага бошлаб боргани ёдимда.

***

Кўпинча писта ўралган қоғозларда энг қизиқарли маълумотлар босилган бўлади.

***

Китоб ўқиган одам кўлда ҳам, чўлда ҳам хор бўлмас.

***

Китоб ўқишга қизиқмаган одамни нурсиз чироқ, сувсиз булоққа ўхшатгим келади.

***

Китоб ёзганни ҳам, китоб ўқиганни ҳам мақоми баланд — олий.

***

Китоб — бу саҳродаги булоқ, ундан тўйиб ичмоқ даркор.

***

Саҳрони туясиз, ҳаётни китобсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

***

Яхши китобни мутолаа қилиш, покланиш билан тенг.

Китобга оид учта қоидага риоя қил:
ўзинг ўқимаган китобни бошқага совға қилма;
ўзинг ўқимаган китобни бошқага тавсия қилма;
ўзинг ўқимаган китобга баҳо берма.

***

Ҳаёт — уммон бўлса, китоб — бу уммонда бехатар сайр қилдиргувчи кемадир.

***

Китоб хазинаси — бу билимдир.



**Муаттар ҲАМРАЕВА,**
шоира

## ВАТАН

Жонимнинг томири уланган ерим,
Сен менинг орзуим, номусим, орим,
Шукурлар айтаман, йуқ оҳу - зорим,
Кўз очиб кўрганим, ардоғим Ватан,
Ҳеч туганмас меҳр булоғим Ватан.

Тонгларинг дуоли, кунларинг файзли,
Жон фидо айласак, сенга арзийди,
Кундузинг қуёшли, тунларинг ойли,
Жонимга жон берган жаҳоним Ватан,
Бу дунё жаннати, паноҳим Ватан.

Истиқлол бизларга тортиқлиги рост,
Ота - боболарим жон тиккани рост,
Аждодлар орзуси бизларга мерос,
Йўлларим ёритган чироғим Ватан,
Келажак йўлида маёғим Ватан.

Ушбу кунлар учун жон фидо этган,
Кўксини ўқларга мардларча тутган,
Истиқлол йўлида қуёшдек ботган,
Олимлар, шоирлар сабоғи Ватан,
Жадид боболарим қабоғи Ватан.

Сенинг гулларингни юлиб олдилар,
Ҳатто аямасдан ўриб олдилар,
Донолар бўйнига сиртмоқ солдилар,
Енгилмай яшаган полвоним Ватан,
Орзулари мисли осмоним Ватан.

Шу Ватан бизники, барчамизники,
Учинчи Ренессанс даври бизники,
Азиз ватандошлар, баъри Сизники,
Доно авлодлардан куч олган Ватан,
Зафарларга томон йўл олган Ватан.

Энди ватандошлар қўлни берайлик,
Юртнинг ободлигин бирга қурайлик,
Юракка Ватан деб муҳр урайлик,
Дунёда энг гўзал аълойим Ватан,
Гўё жаннатдаги маъвойим Ватан.

Ёшлар сафларимиз тўлдириб турсин,
Юраклар Ватан деб тўхтамай урсин,
Мустақиллик даври абадий бўлсин,
Фахрим, ифтихорим ва борим Ватан,
Улуғ йўлда мангу сарбоним Ватан.

## САРОЙМУЛКХОНИМ

Буюк Темур қалбин забт этган аёл,
Ҳуснда тенгсиз - у, кўз қисиқ хиёл,
Янок пуштимиди, лаблар эса ол
Сурат чизмоқ бўлдим суриб мен хаёл,
Меҳр садоқатли - Сиз Бибихоним,
Сизни атадилар Саройимулкхоним.

Саройга мулк бўлмоқ тақдирмикан ё
Сизга мулк бўлдими, буюк Турон ё,
Муштоқмиди Сизга Соҳибқирон ё,
Доноликда тенгсиз, меҳри ҳам дарё,
Оқила, идрокли - Сиз Бибихоним
Темурбек завжаси Саройимулкхоним.

Амир Темур - буюк, қудратли, ўктам,
Пойига бош эгди не - не шоҳлар ҳам,
Темурга ҳамфикр, маслакдош, ҳамдам,
Заковат, ақлингга гап йўқ зарра ҳам,
Мозий дурдонаси - Сиз Бибихоним
Момолар сардори Саройимулкхоним.

Жангу жадалларда Амирга ҳамроҳ,
Гар қолса пойтахтда зийрак – у, огоҳ,
Салтанат олдида қилмаган гуноҳ,
Эркаклар мардликда олсин ибрат, оҳ,
Садоқат рамзисиз - Сиз Бибихоним,
Буюклар сафида Саройимулкхоним.

Оналик бахтини бермади тақдир,
Не - не ўғлонларни ўстирдинг, ахир,
Мирзо Улуғбек ҳам бўлмасди фақир,
Темурдек фарзандинг бўлмади ҳеч бир,
Ҳаёти армонли - Сиз Бибихоним,
Юраги меҳрли Саройимулкхоним.

Мустақил юртимнинг орзулари кўп,
Ўзбегим қизлари Сиздай бўлсин хўб,
Илм олмоқдалар бўлиб тўп - тўп,
Сиздай оқилалар улғайсин кўп - кўп,
Ҳурмату иззатли - Сиз Бибихоним,
Фаришта мисоли Саройимулкхоним.

# ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ВА АСИЛ РАШИДОВ

Улуғ ёзувчи Чингиз Айтматовнинг Асил Рашидовга меҳри бўлакча эди... "Менга ихлос қилиб, китобларимни ўзбек тилига таржима қилган дўстларимга, айниқса, таржимон Асил Рашидовга ташаккур айтмоқчиман, – деган эди Чингиз оға. – Чунки менинг "Оқ кема", "Жамила" "Алвидо, Гулсари!" каби бир қанча повестларимни Асилжон худди мен қирғиз тилида ёзгандай жарангли таржима қила олган"... 1961 йилда "Қибрай садоси" газетасида менинг "Она рози бўлди" номли севги-муҳаббат мавзусидаги ҳикоям чоп этилган эди. Айни пайтда, келгусида моҳир таржимон, Давлат мукофоти лауреати, профессор Асил Рашидов таржимасида Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриётида чоп этилган Чингиз Айтматовнинг "Жамила" қиссаси қўлимга тушиб қолди. Бу қиссада фронтга кетган йигитнинг хотини - Жамила ва иккинчи жаҳон урушидан ярадор бўлиб қайтган Дониёр исмли йигит ўртасида вужудга келган муҳаббат тўғрисида шундай ҳикоя қилинадики, қисса шундай катта маҳорат билан таржима қилинган эдики, бирорта китобхонда, "бу аёл эрига хиёнат қилди" деб, улар севгисини қоралашга тили бормайди. Жамила ва Дониёр бирга қочиб кетишади. Қисса урушга лаънат ўқийди, соф муҳаббатни кўкларга кўтариб қасида ўқийди... Шу-шу Асил ака таржимасида чиққан Чингиз Айтматов асарларини топиб ўқишга ҳаракат қиламан, ўқиб бир дунё таассурот оламан. Менинг бу қизиқишимни билган Асил ака, ўз вақтида "Ўзбекистон" нашриёти унинг "Чингиз Айтматов олами" номли монографиясини чоп этганда, дастхат билан ушбу китобни менга совға қилди. Мен ҳам бир қадар таржимонлик билан шуғулланганим боис, ушбу касб сир-асрорларини, хусусан, бу борада ўзига хос мактаб яратган Асил Рашидов маҳоратини ўрганишга, қандай қилиб бу соҳага киришганликлари билан қизиқаман. Академик Воҳид Зоҳидов ўз эсдаликларида шундай ёзади "1960 йил охирлари бўлса керак. Камина шифохонада муолажа олаётган эдим... Ўшанда ташқи мамлакатлар билан алоқадор мароқли бир журнал қўлимга тушиб қолди. Ундаги анча материалларни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим....

Журналда машҳур француз ёзувчиси Луи Арагоннинг у вақтларда машҳур бўлмаган, номи у ер-бу ерда эндигина ҳурмат ила тилга олинаётган қирғиз адиби ва унинг "Жамила" асари ҳақидаги мақоласини ютоқиб ўқий бошладим... Айтиш мумкинки, асар бадиий мўъжизадек талқин қилинган эди. Ўзбек юрти билан қўшни, қардош қирғиз халқининг шуҳратини ҳатто Парижгача – Луи Арагонгача таратган ёзувчига ҳавасим келди, жудаям хурсанд бўлдим. Қиссани топтириб, эрталабгача мириқиб ўқиб чиқдим.



**Суратда: профессор Асил Рашидов шогирди таржимон Носир Тоиров билан.**

Китоб мутолааси билан тунни бедор ўтказган кунимнинг индинига ўша вақтда аспирантурада таҳсил олаётган қобилиятли Асил Рашидов кечга яқин биз беморни кўргани – ҳол сўрагани келди. Ҳозир у салмоқли китоблар, ўнлаб мақолалар муаллифидир. Чингиз Айтматовнинг деярли барча асарларини ўзбек тилига ўгириб нашр эттирган азаматдир!




Луи Арагон мақоласидан олган таассуротларимни дарҳол унга айтиб бердим; журнални эса унинг қўлига тутқаздим. "Жамила"ни ўзбек тилига ағдариш кераклигини илтимос қилдим. Кўп ўтмай бу илтимос жуда одобли ва истеъдодли адабиётчимиз томонидан дўндириб бажарилди. "Жамила" асари ўзбек халқининг ҳам мулкига айланди".

Чингиз Айтматов таниқли журналист Анвар Жўрабоев билан бўлган бир суҳбатда Асил ака тўғрисида шундай деган эди: "Мени Асил Рашидовнинг истеъдоди, айниқса. таржимонлиги ҳайрон қолдирди... Раҳматли акаси Шароф Рашидов ҳақида бўҳтонлар тўқилганида у ҳам қанчалар изтироб чеккани аниқ, лекин ундаги умид, эътиқод заррачаям синмаганини эшитиб, бундай иродаси кучли одам билан яна бир марта ғурурландим. Ана шундай адиб ва таржимон дастлаб менинг ижодим билан ўзбек адабиёти ўртасида кўприк ясагани мен учун чексиз қувончдир". Айни пайтда, Ўзбекистон юксак мукофотлари – "Дўстлик" ва "Буюк хизматлари учун" орденларига сазовор бўлган, халқимизнинг улкан меҳр-муҳаббатини қозонган улуғ ёзувчи Чингиз Айтматов ижодига Миллатимиз Сардори томонидан катта эътибор берилмоқда. Бу ўз навбатида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қўшни мамлакатлар билан дўстлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини юқори босқичга кўтаришга қаратилган сиёсати туфайли, бутун Марказий Осиё ва Қозоғистонда кўтаринки руҳ, яхши кайфият ва ҳамжиҳатлик муҳити юзага келганлигининг ёрқин кўринишидир.

Шуларни ўйлар эканман, туманимиз фаоли, таниқли журналист Раҳматилла Шералиевнинг хонадонида, ўтган аср 80-йилларнинг охирида, унинг муборак ёшга тўлгани муносабати билан ёзилган дастурхон атрофида тўпланганимиз эсимга тушди. Шунда мазкур тадбирга Раҳматилланинг яқин дўсти, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг ўша вақтдаги Бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ташриф буюрди. Суҳбат айланиб улуғ ёзувчи Чингиз Айтматов ижоди ҳақида борди. Шунда Раҳматилла бир марта машҳур журналист Зиёд Есенбоев уйига борганида Чингиз Айтматов меҳмонга келиб қолгани, уни журналист эканлигини билгач, улуғ ёзувчи "Ҳаётга, оламга кўзларингни катта очиб қараб юр, ўрган, таҳлил қил, кўрганларинг ҳақида кўпроқ мушоҳада қилишни ўзинга одат қилиб ол", деб насиҳат қилгани тўғрисида гапирди.

Ўз навбатида, Қирғизистоннинг Ўш вилоятидан бўлган Аҳмаджон Мелибоев, кўпроқ Чингиз Айтматов билан суҳбатдош бўлган ва унинг ижодини чуқурроқ билганлиги боис, улуғ адибнинг асарлари Осиё ва Африка, Европа ва Америкада таржима қилинаётгани (170 тадан ортиқ тилга), қайта-қайта нашр этилишлари, севиб ўқилиши ҳақида сўз юритди...Қатор йиллар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида фаолият кўрсатган укам Тоиров Маҳмудхон Ч.Айтматовни эслаб шундай ҳикоя қилган эди: "Мен "Марказий Осиё маданияти" газетаси нашр этилишининг беш йиллигига бағишланган тадбирда қатнашдим.

Ушбу тадбирда биринчи марта жаҳон адабиётининг ёрқин юлдузи, Ўзбекистоннинг самимий дўсти ёзувчи Чингиз Айтматовни яқиндан кўрдим ва унинг пурмаъно сўзларини бевосита ўзидан эшитдим. Ёзувчининг қисса ва романлари ("Жамила", "Алвидо, Гулсари", "Оқ кема", "Асрга татигулик кун", "Кунда" ва бошқалар)ни қўлдан қўймасдан ўқиганман, матбуотда оташин чиқишларини (шу жумладан, ўзбек халқининг Марказий Осиёда тутган ўрни, қардош халқлар маданиятларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, пахтакорларимизнинг умуммамлакат равнақи учун фидойилик билан қилаётган машаққатли меҳнати, ўзбеклар шаънига марказдан туриб ноҳақ тош отилаётганлиги ва бошқа ўткир муаммолар ҳақида) ўқиб мамнун бўлганман.

Чингиз оға минтақамиз халқларининг

умумжаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо улуши, қардош халқларимиз маданиятлари илдизининг бирлиги ва “Марказий Осиё маданияти” газетаси бу бирликни мустаҳкамлаш учун қилаётган хизматлари, шу соҳада таҳририят ва жамоатчилик, хусусан, ёзувчи ва журналистлар олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтди.




Шундан сўнг Марказий Осиё халқлари вакилларининг суҳбати дастурхон атрофида давом этди. Мен академик Шавкат Воҳидов, рассом Рўзи Чориев, бошқа бир қатор таниқли давлат арбоби ва фаоллар билан бир дастурхон атрофида ўтириб, гоҳ ўзбек, гоҳ тожик, гоҳ рус тилида олиб борилган мулоқотга онда-сонда аралашиб турдим. Албатта ҳаммамиз Чингиз Айтматовнинг даъватли сўзлари таъсири остида эдик ва кўпроқ тилларимиз, адабиёт ва санъатимизнинг яқинлиги, уларнинг ҳозирги аҳволиважамоатчиликниташвишлантираётган салбий томонлари борлиги хусусида фикр юритар эдик. Самимийлик муҳити, руҳий кўтаринкилик, бутун тадбир давомида ҳукм сурган яхши кайфият орамизда қандайдир яқинлик туғдирди.”

Дарҳақиқат турк оламининг беназир адиби Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айни пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз сиймо, кўпгина мамлакатлар каторида Ўзбекистоннинг ҳам қадрли ва улкан дўсти эди. Шуларни ўйлар эканман, Асил ака Рашидовга айтганларига қўшилиб: “Чингиз Айтматовнинг сўнмас сиймоси ва мангу даҳоси сизу бизнинг ойдин йўлимизни янада мунаввар этиб турсин.”, - дегим келади. Барчанинг кўнгил кўшкидан чуқур жой олган ёзувчи қирғиз ва рус тилларида бирдек маҳорат билан ижод қилгани эътиборни тортади. Чингиз оға, айниқса, Ўзбекистонда унинг ижодига зўр қизиқиш билан қаралаётгани, баъзи асарлари қирғиз тилидагидан ҳам кўра кўпроқ нусхада босилаётгани, “Сарвқомат дилбарим”, “Момо Ер”, “Оқ кема”, “Алвидо, Гулсари!”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” каби асарлари ўзбек саҳналарида намойиш этилаётгани, таржимонлар, режиссёр ва актёрлар бутун маҳоратларини ишга солиб, унинг ўй-фикрини китобхонга, томошабинга тўғри етказишаётгани, республикамизнинг кўплаб олий ўқув юртларида ижодига бағишланган китобхонлар конференциялари доимий равишда ўтказилаётганидан хурсанд бўларди.

Дарҳақиқат, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов улкан истеъдод эгаси эди. У ҳақида гап борганда, ижодкор яратган образлар, воқеликлар, асарлари бирин-кетин ёдимизга тушади. Ва, шунда биз, адабиётнинг ҳақиқий кучига, ижоднинг сеҳрига лол қолмасдан ўзга чора тополмаймиз. Чунки бу куч, бу сеҳр дунёни бирлаштиради, миллатларни миллатларга тилакдош қилади.

**Носир Тоиров,**
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

# ҲАЁТ ҲИММАТ ҚИЛСИН МЕҲНАТКАШЛАРГА!



**Қайсин Кулиев, болқор шоири**

Қайсин Кулиев(1917–1985) ҳозирги пайтдаги Кабардин–Болқористон Республикаси Чегем туманининг чекка Элтепа овулидаги чорвадор оиласида туғилди. Бир ёшида отасидан етим қолди, овул мактабида, кейин техникумда ўқиди, Москвадаги театр институтида, сўнгра Адабиёт институтида таҳсил олди, биринчи шеъри 1933 йилда, биринчи китоби “Салом, эртанлик!” 1940 йилда чоп этилди. У ўзининг интилиши, ироdaси, иқтидори ва келажакка ишончи туфайли дунё халқларининг суйган шоирига айланди, нуфузли мукофотларга сазовор бўлди.

Қайсин оға Алишер Навоийдай буюк шоири бор адабиётни аслиятидан ўқишим керак дея ўзбек тилини мустақил ўрганганди. У юртимизга кўп бор келган. Тошкентда пиёда айланишни яхши кўрарди, Самарқандда тарихий обидаларимизни кўрганда ҳайратини яшира олмаганди. 1969 йили Абдулла Ориповнинг мамлакат миқёсида танилишига катта ҳисса қўшганди. Севимли шоирларимиз Зулфия ва Шукруллонинг Москвада чиққан китобларига сўзбоши ёзганди.

Шеърлари дунёнинг 146 тилига(!) таржима қилинган. Жумладан, “Гул ва ханжар”(1968), “Кўзларингни севаман”(1977), “Мени ардоқлаган аёлларга”(2004), “Ҳайрат”(2013), “Менинг мукофотим”(2017) ва “Қиш эди...”(2019) китоблари она тилимизда нашр этилган.

### ШОИР ДЎСТЛАРИМГА

Шоир, фақатгина доно, ботирга,
Мадҳиялар битма узундан-узун.
Фақатгина доно суянмас сабрга,
Фақатгина ботир ёнмас юрт учун.

Офарин, донога! Балли, ботирга!
Айт, арзимайдими мақтаб ёзишга,
Қўй боқиб юрганлар, тер тўккан ерга,
Ё умрини тиккан кундалик ишга?

Ҳар битта меҳнаткаш Прометей янглиғ,
Бир қарашда кичик ишлар қилса ҳам,
Кун сайин ҳурмати бўлади улуғ,
Халқ билан борини кўришиб баҳам.

Ҳаёт ҳиммат қилсин, қуёш нурини
Сочаверсин барча меҳнаткашларга!
Доно ечиб берсин мушкул сирини,
Ботир қалқон бўлсин доим уларга.

### НАМОЗШОМДА

Намозшом, яйловдан пода қайтмоқда,
Доимгидай вазмин ташлайди қадам.
Бу юришга қараб сано айтмоқда
Замин, дарахт, осмон, ҳар битта одам.

Дастурхонда турган нон ва сут каби,
Бу юришда сокин ҳаёт мужассам.
Собит бўлар инсон яшаш матлаби,
Агар шу таҳлитда айланса олам.
Асрлар юкини елкага ортиб,
Вазмин қайтаяпти пода қишлоққа.
Ва тун чимматини бўлмасдан тортиб,
Ёқимли сут ҳиди келар димоққа.

Ишонаман, ҳаёт этади давом,
Токи қайтар экан пода намозшом.
Чегемим, болалик йилларим эсда,
Онам сигиримиз кутарди кечда.

### ЯРАДОР ТОШ

Жанг олови тоққа ўрлаган замон,
Даҳшати тошга ҳам етказди озор.
У донг қотди, куйди, бўлди ярадор...
Тошда ўқлар изи битмаган ҳамон.

Ўша кунлар ўқ ва ўт тўфонида,
Тоғдаги сўқмоқ ҳам этилди тилка.
Ўлимга тик боққан ботир ёнида,
Шу метин тош турди елкама-елка.

О, юртим тошлари! Ваҳм солиб ёвга,
Биз бирга дош бердик оғир синовга.
Бироқ яралади бизни битта ўқ,
Бағримизни ёқди битта лахча чўғ.

***

Қайдадир, йироқда инграйди аёл,
Дардларини қўшиб айтади алла.
Дунёдаги мавжуд даҳшат ва завол,
Алла оҳанггига кўчар баралла.

Жангларда отилган энг биринчи ўқ,
Она юрагини тешиб ўтади.
Сўнг жангда ким ғолиб, бунинг фарқи йўқ,
Она қалби бир умр алам ютади.

***

Оппоқ чўққиларда баҳор нафаси,
Мудроқ кўчкиларда баҳор нафаси.
Баҳор нафаси бор майса-кўкатда,
Уйларда, йўлларда, бута-дарахтда.

Бола яйрашида баҳор нафаси,
Булбул сайрашида баҳор нафаси.
Баҳор нафаси бор ширин сўзингда,
Майин табассуминг, ойдин юзингда.

***

Кўрсам сарғиш бўлиқ буғдойзор,
Ё солланган кунгабоқарлар
Ёзилади шеър беихтиёр,
Ё қалбимда қўшиқ яралар.

Шундай ҳолга тушаман доим,
Боқсам денгиз, олис чўққига.
Айланади чунки тан-жоним,
Бир дам денгиз, олис чўққига.

### ҚАЙТИШ

Бахтиёрман юртимни тинч кўрмоқдан яна,
Ана уйим, мўрисидан чиқмоқда тутун,
Шукур, ёнар ўчоқда ўт. Ҳовлимиз ана,
Унда кечам талпингандир келажак учун.

То тирикман кўз олдимда тоғлар намоён,
Мен улардан шу ҳикматни туяман қайта:
«Қайга борма, Кавказ сенга жонажон макон,
Ерда йўл кўп, лекин уйга қайтар йўл битта».

### СИЗ ТАНТИ ДЕҲҚОНСИЗ

(“Муҳаббатим мадҳияси” достонидан лавҳа)

О, тоғлик деҳқонлар – ернинг қалбисиз,
Ватаним таянчи, элнинг қалбисиз.
Неча аср омочдан қўлингиз олмай,
Ҳалол ишладингиз довруқлар солмай.

Замин нима берса айтдингиз раҳмат,
Борига қаноат сиз учун одат.
Ҳаётда тугамас сизнинг ишингиз,
Йилнинг келишига мос турмушингиз.

Ёғин кўп йилларда сув симирасиз,
Қурғоқчил йилларда тош кемирасиз.
Сизнинг ҳолатингиз англайди замин,
Сизнинг ишингизни ўнглайди замин.

Қурғоқчил йилларда ё келса офат,
Замин сизга берар сабру қаноат.
Асл деҳқонсиз, ҳатто ухлаётган дам,
Тушингизга кирар дала, экинзор.

Эзгулик, ёвузлик, қувонч, ғам-алам —
Бошдан кечиргансиз такрору такрор.
Юртим деҳқонлари далангиз макон,
Тушликда сув ичиб, ейсиз қотган нон.

Ва сўнгра кезасиз шоҳларга ўхшаб,
Ҳосил чамалайсиз эгатда тўхтаб.
Тоғликсиз, ярашар шундай салобат,
Шундайин ирода, шундайин одат.

Сиздаги вазминлик, сиздаги виқор,
Менга умрим бўйи ибрат ва шиор.
Сиз танти деҳқонсиз, мақтов на ҳожат,
Мукофотдан аъло сизнинг ишингиз.

Далага чиқасиз тонг отмаган вақт,
Далада кутасиз хуфтон, қишингиз.

**Асрор Мўмин** таржималари.

# АНА СЮРПРИЗУ, МАНА СЮРПРИЗ



**Сурайё Ахмедова,**
журналист

**Бу воқеа бир яқиним хаётида содир бўлди. Уни мақола қилиб ёзишдан мақсадимни хотимада ўқийсиз. Дугонам бўлган воқеани алам билан сўзлаб берди.**

**Аслида ҳаммаси самимий бошланди, — дея ҳикоясини бошлади у. — Янгиликлардан бохабар бўлиш учун ижтимоий тармоққа кунда бир, икки марта кираман. Менимча ҳамма ҳам шундай, бугунги кун янгиликларини билиш учун ижтимоий тармоқдан фойдаланади.**

Кунларнинг бирида фейсбукка кирсам бир нечта одам “дружба” ташлабди. Ўзи асосан телеграммдан фойдаланганим учун фейсбукни хали яхши тушунмайман. Лекин замондан орқада қолмаслик учун уни ҳам ўрганишга қарор қилдим. Жуда кўп яхши янгиликлар, мазмунли мақолалар ўқидим. Баъзиларига ўз муносабатимни ҳам билдираман. Шундай кунларнинг бирида АҚШнинг Лидс шахрида яшовчи Франк исмли одамдан смс келди. Саломлашди. Хол аҳвол сўради. Одатимизга кўра сиздан аҳвол сўраган одамга самимий муомила қиласизку. Ёшимни, фарзандларимни сўради. Ман ёлғон ишлатмасдан тўғрисини ёздим. (Кейин билсам ижтимоий тармоқда кўпчилик ёшлар фақат ёлғон ишлатишар экан). Майлими сизни опа деб мурожаат қилсам деди. Мен, албатта ёшим сиздан анча катта, дедим. Биз опа-укалардек суҳбатлаша бошладик. Ҳар куни бир бор саломлашиб қўйди. Мен ҳам жавоб қайтардим. Тунов куни, опа сиз нимани яхши кўрасиз дея сўраб қолди. Аёллар сумкасиними, атириними ё гулнними деди. Мен гуллар мени жону дилим дедим. Ишхонада ҳам, уйда хам гуллар парвариш қилишимни ёздим. Унда мен сизга сюрприз жўнатаман деди. Шошганимдан дарҳол инкор этдим. Бизда бегоналардан совға олмайдилар, дедим. У бўлса ман сизни опам дедимку, сиз мени укангиздек қабул қилмайсизми, деди. Турмуш ўртоғим ва ўғлим мен учун ҳамма нарсани муҳайё қилишларини айтдим. У хар куни сюрпризи хақида қайта-қайта гапираверди. Ман уни ололмаслигимни ёзавердим. Тўғриси ўзимга бироз ноқулай ҳам бўлди. Сўнгра турмуш ўртоғимга бор гапни сўзлаб бердим. Октябр ойларида 2 нафар фарзанди билан Ўзбекистонга ташриф келишини ҳам айтдим. Турмуш ўртоғимни ҳам юраги тоза инсон. Майли таклиф қилақол, меҳмон атойи худо дедилар. Қўйингчи, сюрпризни оладиган бўлдим. Манга Ват-сап ёқишим кераклигини айтди. Амаллаб уни ҳам ёқдим. Ундан смс хабар келди. Унда сизга америкадан юборилган пакет Тошкентга келди сиз 8.000.000 сўм тўлаб квитанцияни юборинг, дейилган. Кўзларим хонасидан чиқиб кетай деди ва мен пулни накд тўлайман, пакетни манзилга олиб келаверишини билдирдим. Бизнинг бош офисимиз Туркиянинг Истанбул шаҳрида. Биз накд пул ололмаймиз, фақат банк орқали ўтказинг деди. Буни Укам Франкка ёзвордим ва мен пенсионерман, бундай катта пулим йўқлигини билдирдим. У бўлса опажон йўл харажатлари борлигини билардим шунинг учун сюрпризни ичига 20.000.000 доллар пул ҳам солганман, Сиз бемалол кредит олиб бўлса ҳам пулни тўлаб пакетни олаверинг, харажатларга етарли пул бор. Бу хабарни дарҳол турмуш ўртоғимга айтдим. У киши бироз иккиланди. Фирибгарлик эмасмикан, дедила мен бўлсам хаммадан шубхаланаверманг дунёда яхши инсонлар ҳам борку дедим. Хуллас пулни банкка бориб тўладим. Хамма маш-маша шундан сўнг бошланди. Тўловдан сўнг яна ват-сап орқали смс хабар келди, пакетингиз скайнердан ўтказиляпти 2 соатда қўлингизда бўлади, сиз харажатлар учун 22 000.000 сўм пул тўлашингиз керак, дейилган. Ман дархол билдимки булар фирибгарлар. Жахл билан уларга смс ёздим. Кечирасиз хоним, сизнинг пакетингиздан қимматбахо тақинчоқлар ва таъқиқланган нарсалар чиқди, сиз 6 йил қамоқда ўтиришни истамасангиз зудликда пулни тўланг дейишди. Мен бу кибер жиноят эканлигини билиб дархол тегишли ташкилотларга мурожаат қилишга тушдим.

Қиссадан хисса шуки, дугонам оқ қорани таниган, кўп йиллар давлат ишларида ишлаган, қонунлардан хабари бор бўлсада фирибгарларга алданди. Бундай фирибгарлар содда ва ишонувчан юртдошларимизни чув туширмаслиги учун ҳам ушбу мақола битилди. Азиз юртдошим огоҳ бўлинг, соддалик қилиб алданиб қолманг. Жуда бўлмаганда ким билан дир маслаҳатлашиб кейин таваккал қилинг. Халқимизнинг “узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши” деган мақоли бежиз айтилмаганини шунда англадим.

# “ QORA QIT’A ” YOXUD AFRIKA HAQIDA QIZIQARLI FAKTLAR

Maydoni bo‘yicha Yevrosiyodan keyin ikkinchi o‘rinda turadi.

Aksariyat olimlar Afrikani “insoniyatning vatani” deb hisoblashadi.

Afrikani o’rganishni maxsus fan - afrikashunoslik olib boradi.

«Afrika» atamasi qadimgi Karfagen shahri aholisi bilan bog’liq. Afri deb ular atrofdagi qishloqlar aholisini chaqirishdi. Finikiya tilidan tarjima qilinganda «Afri» so’zi - chang degan ma’noni anglatadi. Rimliklar Karfagenni qo’lga kiritgach, hech ikkilanmasdan hududni Afri deb atay boshlashdi.

Afrika so’zining kelib chiqishining boshqa versiyalari ham mavjud. Unga ko’ra Afrika: «sovuqsiz», «quyoshli», «vatan», «ko’pikli mamlakat».

Afrika hududida 54 ta davlat va 10 ta qaram hudud (boshqa davlatlarning mustamlakalari) mavjud.

Hozir Afrikada 1,1 milliarddan ortiq aholi istiqomat qiladi. bu sayyoramiz aholisining 1/6 qismi.

Afrika shartli ravishda shimoliy, janubiy, sharqiy, g’arbiy va markaziy Afrikaga bo’linadi.

Afrikadagi eng mashhur til - arab tilidir.

Afrikada jami 2000 dan ortiq til va lahjalar mavjud.

Afrikada 3000 dan ortiq millat va etnik guruhlar yashaydi.

Afrikadagi eng ko’p aholi istiqomat qiladigan davlat - Nigeriya. Unda 195 million kishi yashaydi.

Afrikadagi eng katta shahar - Qohira. Bu yerda 17 million kishi istiqomat qiladi.




Afrika ichida eng uzun daryo - Nil. Daryoning uzunligi 6500 km. Agar siz Afrika qit’asining siyosiy xaritasiga nazar tashlasangiz, ko’plab davlatlar o’rtasidagi chegaralar to’g’ri chiziq bo’ylab o’tganligini ko’rasiz. Buning ikkita sababi bor. Birinchidan, cho’lda chegara chizish uchun bir nechta diqqatga

sazovor joylar mavjud. Ikkinchidan, Afrika davlatlarining hududlari asosan yevropaliklar tomonidan bo’lingan, o’rtada chegaralarni chizish bilan o’zlarini bezovta qilmaganlar.



Afrikada sayyoradagi eng yuqori harorat qayd etilgan.

Afrikadagi eng baland tog' - Kilimonjaro tog'i. Uning balandligi 5835 metrni tashkil qiladi. Ushbu cho'qqida Afrika qit'asidagi yagona muzlik joylashgan.





Afrikaning eng katta ko'li - Viktoriya ko'li. U dunyodagi eng katta ko'llar reytingida ikkinchi o'rinda turadi.»

Afrikada sut emizuvchilarning 1000 dan ortiq turlari yashaydi.

Afrikada dunyodagi eng katta hayvon - Afrika fili yashaydi.

Afrikada g'ayrioddiy nomli daraxtlar o'sadi: shisha, sovun, sut, kolbasa va non.

Afrikada ham pingvinglar yashaydi. Qit'a janubida ko'zoynakli pingvinlar bor.

Piramidalar faqat Misrda emas. Sudan davlati hududida 200 dan ortiq piramidalar mavjud. To'g'ri, ular Misrnikidan ancha kichikroq.

Afrikada yashovchi tutsi xalqi sayyoradagi eng baland odamlar hisoblanadi.

Odamlar Afrikada yashovchi Mbuti qabilasi sayyoradagi eng past bo'yli odamlar hisoblanadi.

Afrikadan ham kamroq yog'ingarchilik faqat Antarktidada bo'ladi.

Dunyoda eng xavfli tirik mavjudot Afrikada yashaydi. (Tsets pashshasi)

Dunyoning eng qashshoq davlatlari Afrikada (Tanzaniya).

Afrika g'alati va ajoyib qit'adir. Afrika haqida juda ko'p faktlar mavjud, ular haqida biz ko'p narsa bilmaymiz.

Afrika dunyoning eng yirik olmos ishlab chiqaruvchisi bo'lib, jahon ishlab chiqarishining 50% gacha ishlab chiqaradi. Bugungi kunga qadar Afrika dunyodagi olmoslarning 75% dan ortig'ini, ya'ni 1,900 million karatdan ortiq qiymati taxminan 158 milliard dollarni tashkil etgan.»

Hech qachon mustamlaka bo'lmagan yagona Afrika davlati.

Efiopiya Afrikadagi eng qadimgi mustaqil davlat va dunyodagi eng qadimgi davlatlardan biri (kamida 2000 yil). Mamlakatda 80 dan ortiq etnik guruhlar va ko'plab tillar mavjud. Avvalo, ularning umumiy mustaqil mavjudligi Efiopiyaning ko'plab xalqlarini birlashtiradi. Efiopiya hech qachon mustamlaka qilinmagan, faqat 1936-41 yillardagi qisqa muddat Italiya istilosi bundan mustasno. Ushbu besh yillik davrni hisobga olmaganda, Efiopiya mustaqil bo'lib qoldi. Ammo bu davrda ham Efiopiya Italiya tomonidan mustamlaka qilinmagan, chunki italiyaliklar faqat bir nechta asosiy shaharlar va asosiy yo'nalishlarni egallab olishgan. Shunday qilib, Italiya istilosi mustamlakachilik emas, balki «bosqinchilik»davri deyiladi.

Sudanda Misrdagidan ikki baravar ko'p piramidalar mavjud

Sudanda piramidalar boshqa mamlakatlarga qaraganda ko'proq, hatto Misrdagidan ham. Sudanning Al Qurru, Nuri, Gebel Barkal va Meroe shaharlarida kamida 223 ta piramida mavjud (Misrda esa 110 ga yaqin). Ular odatda 20-30 metr balandlikda.

**Жўрабек Сирожиддинов тайёрлади.**

*Inform*
# AGRO BIZNES

**Jurnal har chorakda bir marta chop etiladi.**

**Muassislar:**

- O‘zbekiston Fermer, dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi,
- Tadbirkorlik va fermerlikni qo‘llab-quvvatlash markazi
- “Kafolat servis” MCHJ

Nashr O‘zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2020-yil 31-dekabrdagi 290/10-sonli qarori bilan Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy jurnallar ro‘yxatiga olingan.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar muallifga qaytarilmaydi.

ISSN 2010-9024

Nashr indeksi: 1123

Tahririyat manzili:
100140, Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi 77-uy
Tel/faks: +99895 195-52-52.
Tel: +99897 480-34-82.

Jurnal "Agro Biznes Inform" MChJ kompyuter markazida sahifalandi.

Chop etildi: 23.12.2023-yil.

Guvohnoma raqami: №990721
2021-yil 17-mayda berilgan.

Qog‘oz bichimi: 60x84 1/8.

Buyurtma № 02.
Adadi: 1100 nusxa.

Баҳоси келишилган нархда.

Manzil: Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi, 77-uy.

Нашрни тайёрлашда ЎзА ва интернет материалларидан фойдаланилди.

# MUNDARIJA

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига ........ 2

**С. Курбанов, Н. Таиров.** Учёный, руководитель, наставник: человек с большой буквы ........ 4

**М. Тоиров**. Атоқли олим, устоз, камтарин ва доно раҳбар ........ 8

**А. Мадалиев.** Коррупция ва унга қарши курашишни ташкил этиш жиҳатлари ва зарурати ........ 10

**А. Хасанов.** Корхоналарнинг инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари ........ 17

**А. Кожевникова.** Особенности систематики представителей рода Philaenus stal ........ 25

**Р. Адылов.** Экономико - математическая модель отсчёта потери воды ........ 28

**Н. Тоиров.** Эзгу даъватга «лаббай» деймиз ........ 31

**А. Кожевникова.** Способствовать развитию науки и практики ........ 32

**А. Тоиров.** Тарихий шахс ҳақида тарихий фильм ........ 34

**Н. Хашимова, А. Тоиров.** Камтарин инсон, меҳрибон устоз ........ 37

**А. Тоиров.** Кутубхоначилик – фахри, китоб – дўсти, кутубхона – иккинчи уйи ........ 40

**С. Қурбонов.** Довюрак ва тадбиркор саркор тақдири ........ 42

**М. Абдулҳақ.** Элим деб, юртим деб ёниб яшаган ота ........ 46

**Н. Тоиров.** Иқтисодчи олим, раҳбар ҳам устоз ........ 50

**Р. Комилов.** Абдулла Авлоний ........ 52

**С. Ахмедова.** Аҳоли дарди билан яшаётган тадбиркор ........ 53

**Н. Тоиров.** Актёрликни ҳам қойиллатган иив ходими ........ 55

**М. Тоиров.** Ота васияти ........ 57

**Ш. Саденов.** Ис газидан эҳтиёт бўлинг ........ 60

**Н. Шукуров** «Енгил» юрганнинг «оғир» ўлими ........ 61

**Н. Ильин.** Как светла и прекрасна отчизна моя ........ 67

**Н. Ильин.** Я научился ждать и верить ........ 68

**М. Тоиров.** Китобсиз ҳаёт туясиз саҳрога ўхшайди ........ 70

**М. Ҳамраева.** Ижод бекати ........ 71

**Н. Тоиров.** Чингиз Айтматов ва Асил Рашидов ........ 72

**А. Мўмин.** Ҳаёт ҳиммат қилсин меҳнаткашларга! ........ 75

**С. Ахмедова.** Ана сюрпризу, мана сюрприз ........ 77

**Ж. Сирожиддинов.** “ Qora qit’a ” yoxud Afrika haqida qiziqarli faktlar ........ 78